498
13-3-17

ГУЛИСТОН

7
1983

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари,
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
ўртоқ ЮРИЙ ВЛАДИМИРОВИЧ АНДРОПОВ

ШОНЛИ, ТАРИХИЙ ЙЎЛ

РСДРП II съезднинг 80 йиллиги

Асримиз бошида петербурглик бир тўқувчи-ишчи «Искра» редакциясига қуйидаги хатни йўллаган эди: «...Ишчи аҳли ҳозир ўт олай деб турибди, пастда ҳамма шай турибди, фақат бир учқун бўлса, бас, ёнғин бошланиб кетади. Эҳ, учқундан аланга чиқади, деб қандай тўғри айтилган-а!.. Илгари ҳар бир стачка катта бир воқеа ҳисобланар эди, ҳозир эса ҳамма кўриб турибдики, биргина стачка ҳеч гап бўлмай қолди, энди озодликка эришмоқ керак, уни кўкракни қалқон қилиб қўлга киритмоқ керак. Ҳозир ҳамма, қариялар ҳам, ёшлар ҳам, боринги, ҳамма ўқигиси келади, аммо бизнинг шўримиз шуки, китоб йўқ. Мен ўтган якшанба куни ўн бир кишини йиғиб газетада босилган «Нимадан бошламоқ керак!»ни ўқиб бердим. Шу куни биз тунгача тарқалишмадик. Ундаги гапларнинг ҳаммаси тўғри, ҳамма нарсанинг мағзи чақиб берилган... Сизларнинг ана шу «Искра»нигизга хат ёзгимиз келади, токи у қандай бошлаш кераклигингизга эмас, балки қандай яшамоқ ва қандай жон фидо қилмоқ кераклигини ҳам ўргатсин». (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўпламн, 6-том 566-бет). Бу сўзлар фақатгина бир ишчининг сўзи эмас, балки бутун Россия пролетариатининг даъвати эди.

Дарҳақиқат, рус пролетариатига қандай бошлаш, қандай яшаш ва қандай жон фидо қилишни тушунтирувчи, унга йўл кўрсатувчи марксистик партия зарур эди. Бундай партия бундан 80 йил муқаддам РСДРПнинг II съездида В. И. Ленин ва унинг сафдошларининг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан тузилган эди. Бунда жанговар марксистик «Искра» газетаси жуда катта роль ўйнади. (РСДРПнинг I съезди марксизм революцион принципидаги партияни тузиш жараёнини ниҳоясига етказмаган эди).

Россияда революционерлар ташкилоти — ягона марксистик партиянинг тузилиши билан сиёсий пароканделикка, халқаро оппортунизм кўринишларидан бўлган «экономизм» оқимига барҳам берилди.

РСДРПнинг II съезди 1903 йил 17 июлдан 10 августгача дастлаб Брюсселда чақирилди. Кейин эса полиция таъқибига учрагач, ўз ишини Лондонга кўчирди.

Съезднинг асосий вазифаси В. И. Ленининнинг 1902 йилда ёзган «Нима қилмоқ керак!» асарида баён этилган янги типдаги марксистик партия тўғрисидаги таълимотига ҳамда «Искра» ишлаб чиққан ташкилий асосларга суяниб, ҳақиқий марксистик партия тузишдан иборат эди.

Съездда халқаро ишчилар ҳаракати тарихида К. Маркс ва Ф. Энгельс вафотидан кейин биринчи марта революцион программа қабул қилинди. Партиянинг биринчи программаси минимум ва максимум қисмлардан иборат эди. Минимум программада: «...Россия социал-демократик ишчи партияси чор самодержавиесини ағдаришни ва унинг ўрнига демократик республика барпо қилишни ўзининг энг яқин сиёсий вазифаси қилиб қўяди», деб кўрсатилди. Максимум программада эса: «...социал революциянинг зарур шарти пролетариат диктатурасидир, яъни пролетариатнинг эксплуататорлар томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай қаршиликни бостиришга имкон берадиган сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишдир», деб таъкидланган эди.

Шунингдек, съезд партия Уставини қабул қилди ва партиянинг марказий раҳбар органларини тузди. Съездда РСДРПнинг революцион қисми бўлган большевиклар оппортунистик меньшевикларга қарши курашда ғоявий ва ташкилий жиҳатдан қақшатқич зарба берди.

«Большевизм,— деб ўша вақтдаёқ уқтирган эди В. И. Ленин,— сиёсий фикр оқими сифатида ва сиёсий партия сифатида 1903 йилдан бери яшаб келмоқда».

РСДРП революцион ҳаракатдаги партия эканлиги билан, социалистик ва коммунистик жамият учун революцион узгартувчанлик қудрати, ишчилар ва бутун меҳнаткашларнинг озодлиги учун иқтисодий, сиёсий ва социал зулмнинг барча турларига қарши кураши билан барча олдинги социал демократик партиялардан тубдан фарқ қилар эди. Партия ўзининг асосий вазифасини пролетариатнинг синфий курашини уюштиришдан, бу курашга раҳбарлик қилишдан, бу курашнинг пировард мақсади — пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши ва социалистик жамият қуришдан иборат, деб билди.

Партия ташкил топган кунидан бошлаб оппортунизмнинг барча турларига қарши курашди. Бу курашда ўсди, чиниқди ва мустаҳкамланди. Партия ўзининг бутун фаолиятида улуғ В. И. Ленининнинг: «Илғор назарияга амал қилувчи партиягина илғор курашчи ролини бажара олади», деган кўрсатмасига изчил амал қилди.

РСДРП тарихий фаолиятида кўпгина кураш босқичларини бошдан кечирди. У биринчи рус революцияси даврида, реакция йилларида, янги революцион кўтарилиш, биринчи жаҳон уруши йилларида халқ оммасининг революцион ҳаракатини бошқарди. Партия февраль буржуа-демократик революциясини амалга ошириб, мамлакатда монархия тузумини йўқотишдек буюк ишга раҳбарлик қилди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Революция ғалабаси натижасида РСДРП II съездида қабул қилинган биринчи программа вазифаларн тўлиқ бажарилди.

Ленинчи партиямиз революция ғалабаларини мустаҳкамлашга, душман синфлар қолдиқларига, чет эл интервенциясига қарши курашда, ўзининг VIII съездида қабул қилган иккинчи программасидаги вазифаларни, мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, маданий революцияни амалга ошириш ва шу тариқа мамлакатимизда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасини таъминлаш ишларига етакчилик қилди.

Бугунги кунда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг коммунистик жамият қуриш программаси вазифаларини амалга ошира бориб, мамлакатимизда ривожланган социалистик жамият барпо этди.

«СССРда ривожланган социализм қурилиши,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг «РСДРП II съездининг 80 йиллиги тўғрисида»ги қарорида,— Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи бунёдкорлик фаолиятининг асосий якунидир».

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг ташкил топган куниданоқ интернационализм принципларига асосланди ва ўз сафларига барча миллат вакилларини бирлаштирди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар партия сафларида 24 миллат вакилларидан иборат большевиклар актив иш олиб бордилар. Партиямиз фаолиятидаги интернационализм принципи Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқини тузишда яққол намоён бўлди.

«Жамоат ва давлат ишларини бошқаришда барча миллат меҳнаткашларининг тобора кенг қатнашиши,— деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ҳақида қилган докладида,— сиёсий турмушимизнинг етакчи тенденциясини қисқа тарзда ифодалайдиган тушунчадир. Партия ҳам шу тенденциянинг мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишн учун ҳамма ишни қилади».

Мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилиши даврида миллий муносабатларда жаҳоншумул ўзгаришлар юз берди. Партиямиз сафлари барча миллатларнинг энг илғор, онгли вакиллари ҳисобига янада кенгайди. Ҳозирги кунда партиямиз сафларида 17 ярим миллион коммунист бўлиб, улар юздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларидир.

Шонли КПССнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳам республикамизда социализм қурилиши жараёнида чиниқди, бой тажриба тўпладн, ўсди ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бугунги кунда республикамиз экономикаси ва социал ҳаётининг ҳамма соҳаларида 570 мингдан зиёд коммунист фаол иш олиб бормоқда. Биргина ўнинчи беш йилликнинг ўзида республика партия ташкилотн аъзоларининг сафи 16,6 процент ўсди.

Ўзбекистон коммунистларининг 30 процентдан кўпроғини ишчилар, 19 процентини колхозчилар, қарийб 35 процентини хизматчилар ташкил этган бўлиб, у ўз сафларида 84 миллат вакилларини бирлаштирган.

Эндиликда совет халқи эришаётган улкан муваффақиятлар туфайли доҳиймиз В. И. Ленининнинг партия давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир, деган улуғ ҳикмати янада чуқурроқ мазмун касб этмоқда.

Коммунизм қурилишида совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партиянинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Чунки коммунизм қурилиш кўлами ва мураккаблиги сиёсий ҳамда ташкилий раҳбарликнинг юксак даражада бўлишини тақозо этаётир.

РСДРП II съездининг халқаро аҳамияти шундаки, у тузган марксистик партиянинг кураш тажрибаси жаҳондаги бошқа мамлакатларда ҳам коммунистик ҳаракатларнинг бошланишига сабаб бўлди. Коммунистик ҳаракат оламшумул ҳарактер касб этди, даврнмизнинг қудратли сиёсий кучига айланди ва дунёни революцион ўзгартишнинг буюк омили бўлди.

Бугунги кунда жаҳоннинг 94 мамлакатида марксча-ленинча коммунистик ва ишчи партиялар фаоллик кўрсатмоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош коммунистик ва ишчи партиялари жаҳон коммунистик ҳаракатининг асосий қисмини ташкил этиб, ўз мамлакатларида социалистик ва коммунистик жамият қуриш ишига раҳбарлик қилиш билан бирга, дунёда тинчликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш учун тинмай кураш олиб бормоқдалар.

Бугунги кунда капиталистик мамлакатлардаги сайловларда коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг номзодлари учун сайловчиларнинг катта қисми — 40 миллиондан ортиқ киши овоз бермоқда. Жаҳондаги 26 капиталистик мамлакатда коммунистлар олий қонун чиқарувчи органларнинг депутатлигига, 30 мамлакатда эса маҳаллий органларга сайландилар.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган ҳамда КПСС тажрибасига асосланган жаҳондаги барча коммунистлар дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг моҳиятини ва истиқболини ҳаммадан кўра чуқурроқ ва ҳаммадан кўра тўғрироқ кўра билмоқдалар.

Марксизм-ленинизм таълимоти билан қуролланган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро вазият нисбатан мураккаблашган ҳозирги шароитда жаҳондаги барча ишчи ва коммунистик партиялар билан интернационализм ва ҳамдўстлик алоқаларини тобора кучайтирган ҳолда тинчлик учун курашнинг қудратли байроқдори сифатида жанговарлик кўрсатмоқда.

Қўлдош ЭРГАШЕВ,
тарих фанлари кандидати

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 7 (401)
Июль
1983

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© Гулистон № 7—

ГБ УзССР
Ж

РУС ТИЛИ—ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТИЛИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССРнинг олтмиш йиллиги ҳақида қилган докладида мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик воситаси бўлган рус тилининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтди. «Ҳар бир миллатнинг миллион-миллион кишилари турмушидан табиий ўрин олган рус тили,— деди у,— мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида, ундаги барча миллат ва элатларни ўзаро яқинлаштиришда, уларни жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд қилишда зўр аҳамиятга молик омил бўлиб хизмат қилмоқда».

Рус тили совет кишиларининг иқтисодий-ижтимоий ва маданий турмушининг барча томонлари билан бирон бир тарзда боғлангандир. Бу тил маданиятимиздаги барча меҳнаткашларнинг бунёдкорлик куч-ғайратларини мувофиқлаштиришнинг умумий воситаси, интернационалистик меҳнат коллективлари тилидир. Бу тил кишиларга жаҳон фани ва техникаси ютуқлари сари йўлни очиб беради, фан-техниканинг турли тармоқларига доир нашрларни ўқиб-ўрганишга имкон беради. Бу тил совет кишисида марксча-ленинча дунёқарашни, ватанпарварлик ва интернационализм шуурини шакллантиришнинг қудратли қуролидир.

Рус тили — Совет Армиясининг умумий тили, кўпмиллатли жангчиларимиз шахсий составининг муомала тили, уларнинг қудратли техникани, мураккаб ҳарбий маҳоратни эгаллаш тили, Ватан посбонларининг жанговар қудратини ҳамда маънавий-сиёсий бирлиги ва кучини мустаҳкамлаш воситасидир.

Шу йил 20—21 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Республика ўқув юртларида рус тили ўқитишни такомиллаштириш ва Совет Армиясига чақиртириладиган ёшлар ўртасида шу ишни яхшилаш» масаласига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда республикамиз область партия комитетларининг секретарлари, маориф, олий ва ўрта махсус таълим, ҳунар-техника таълими системаси республика ҳамда область ташкилотларининг раҳбарлари, Туркистон ҳарбий округи штаби генераллари, офицерлари, мактаблар ва олий ўқув юртлари билан ҳунар-техника билим юртларининг рус тили ўқитувчилари, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов кириш нутқи сўзлаб конференцияни очди. Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз нутқида кўпмиллатли Ватанимиз — СССРнинг етмишинчи йилга қадам қўйганини, бу давр ичида мислсиз ютуқлар қўлга киритилганлигини, ҳозир мамлакатимизнинг ҳар бир куни партия XXVI съездининг улуғвор режаларини ҳамда КПСС Марказий Комитети 1982 йил Май ва Ноябрь пленумларининг қарорларини бажариш соҳасидаги қизғин бунёдкорлик ишлари билан тўлиб-тошганлигини, бу эзгу ишларда улуғ рус тилининг бемисл катта роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов «Рус тили — совет жамияти бирлигини мустаҳкамлашнинг, янги инсонни тарбиялашнинг қудратли воситаси» мавзуида, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони, армия генерали Ю. П. Максимов «Армияга чақирилиш ёшига етмаган ёшларга рус тилини ўргатиш — уларни Совет Армиясида хизмат қилишга тайёрлашнинг ғоят муҳим шарти» мавзуида доклад қилдилар.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев, Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, республика олий ва ўрта махсус таълим министри С. П. Пўлатов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қ. Қаюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, генерал-лейтенант Б. П. Уткин, армия генерали Н. Г. Ляшченко ўртоқлар ҳам конференцияда нутқ сўзлаб, рус тилини ўқитиш ва ўрганишнинг турли масалалари тўғрисида фикр юритдилар.

Доклад ҳамда нутқларда ўзбек халқининг рус тилини зўр қизиқиш билан ўрганаётганлиги рус халқига бўлган меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин далили эканлиги, бу тилнинг СССР халқларининг қудратли ҳамдўстлигини вужудга келтирган буюк ғалаба тили эканлиги, улуғ Ленинннинг ўлмас таълимоти мана шу тилда яратилганлиги ва бу тилнинг партиямиз съездлари тили эканлиги такрор-такрор айтиб ўтилди.

Конференция қатнашчилари бугунги кунда ихтиёрийлик принципига қаттиқ риоя қилган ҳолда умумий таълим мактабларида, олий ўқув юртларида, ҳунар-техника ва ўрта махсус таълим юртларида, тарбия муассасаларида рус тилини ўрганишни ташкил қилиш яхши йўлга қўйилганини мамнуният билан сўзлаб, бу борада рус тилини ўрганиш ва ўқитиш масалаларига бағишланиб Тошкентда, бошқа иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий конференциялари жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидладилар. Қабул қилинган тавсияларга кўра, Ўзбекистонда кейинги йилларда рус тилини ўқитишни яхшилаш, ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, махсус кабинетларни жиҳозлаш, уларни техникавий воситалар билан таъминлаш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Рус тили ва адабиёти дарсликларининг мактаб фонди вужудга келтирилди. Барча ўқувчилар ундан бепул фойдаланадилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари В. И. Дугов, КПСС Марказий Комитетининг сектор мудири В. П. Поленичко, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев, СССР Қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондонининг ўринбосари, генерал-полковник Ю. А. Науменко, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Д. А. Охромий, СССР Педагогика фанлари академиясининг бош илмий секретари И. Ф. Гродченко иштирок этдилар.

Байрам шодиёнаси.

Н. Шарипов фотоси

ГЎЗАЛ ВОДИЙДА УЧРАШУВЛАР

Халқнинг маданий савияси ўса борган сари санъатнинг кишилар ақлига ўтказаётган таъсири кучайиб бораётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шу тариқа санъатнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашиш имкониятлари ҳам ошмоқда. Демак, санъат арбобларининг қўлидаги қудратли қурол халқ ишига, коммунизм ишига хизмат қилиш учун уларнинг масъулияти ниҳоят даражада ошмоқда.

Ю. В. АНДРОПОВ

Фарғона водийсини гўзаллик тимсоли деб таърифлаш мумкин. Бу гўзаллик тайёр ҳолда осмондан тушиб қолган эмас. Уни азамат халқимиз асрлар давомида ўз меҳнати билан яратган. Бу кураш, бу жараён айниқса шу кунларда қизғин давом этмоқда. Кечаги қўриқ ерларда бунёд бўлган Қувасойдаги «Анор» совхозида ёки «Наргиз» оромгоҳида бир мартагина бўлсангиз, бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз.

Водий одамларининг ўзлари ҳам, сўзлари ҳам гўзал. Бу ўлкада лутфни тушунмаган — аския айтмаган ёки айтолмайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам сухансевар, заршунос олтин водий кишилари турмушига адабиёт ва санъат чуқур сингиб кетган.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг шу йил май ойида Фарғона, Андижон ва Наманган областларида ўтказилган кўчма мажлислари адабиёт байрамларига айланиб кетди. Бир ҳафта давом этган адабиёт байрами кунларида коммунистик партиянинг адабиёт равнақи учун кўрсатиб келаётган меҳрибонлигини қалбан ва руҳан ҳис этиб турдик. Ёзувчилар делегациясининг учала вилоятда ҳам область партия комитетлари томонидан тантанали равишда қабул қилиниши ҳам бизда — социалистик жамиятда адабиёт иши умумдавлат ишининг муҳим таркибий қисми эканига яққол бир мисолдир. Бу суҳбатларда мазкур областларнинг экономикаси ва маданиятига доир ибратомуз маълумотлар билан таништик.

Фарғона ҳозирги кунда саноати ривожланган, қишлоқ хўжалиги равнақ топган областдир. Ҳозир бу область республикада Тошкент областидан кейин саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда иккинчи ўринда туради. Йилига 2 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот яратилмоқда. Бу ерда кимё саноати, машинасозлик, тўқимачилик, енгил саноат анча ривож топган. Мавжуд 130 корхонада 54 хил маҳсулот ишланади. Қишлоқ жойларда қўшимча ишчи кучлари вужудга келмоқда. Булардан ўринли фойдаланиш учун Фарғона областида бир неча тўқимачилик корхоналари қурилиб ишга туширилди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленуми қарорлари асосида Марказий Фарғонада 19 та янги совхоз ташкил қилинди. Бу областда ҳозир 150 минг гектар қўриқ ерни суғориш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил она-Ватанга 600 минг тонна атрофида пахта топшириш учун кураш бормоқда. 300 минг тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Область пилла етиштиришда республикамизда биринчи ўринда туради.

Фарғонада боғдорчиликка ҳам катта эътибор бериляпти. Қувасой шаҳри атрофида 7 совхоз (шулардан 6 таси узумчилик, биттаси анорчилик совхозлари) ташкил этилди. Картошка етиштиришдаги муваффақиятлар учун Фарғона области Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг кўчма байроғини олишга муяссар бўлди. Чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам чора-тадбирлар кўриляпти.

— Областда тўртта олий ўқув юрти, йигирма иккита ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд,— деди Фарғона область Халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **Турғуной Эгамбердиева.**— Буларда ўттиз мингга яқин йигит-қизлар таълим олмоқда. Учта давлат театри, кўпгина халқ театрлари томошабинларга хизмат қилмоқда.

Андижон области аҳоли зичлиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда (Жанубий Корея ва Бангладеш республикасидан кейин), мамлакатимизда эса биринчи ўринда туради. Бу эса йил сайин қишлоқ жойларда қўшимча ишчи кучлари вужудга келиши муносабати билан пайдо бўладиган муаммони келтириб чиқармоқда. Бу масалани ҳал этиш учун район марказларида йирик корхоналарнинг филиаллари очилмоқда...

Наманган областида 40 мингга яқин коммунист, 11 район, бир шаҳар партия комитети фаолият кўрсатмоқда. Партия ташкилотларининг авангардлик ролини янада кучайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу ерда КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия сиёсий ўқувига, иқтисодий билимларни тарғиб қилишга, техника равнақидан унумли ва ўринли фойдаланишга алоҳида эътибор бериляпти.

Сув проблемасини ҳал этишда ҳам областда анча ишлар қилинди. Наманган канали қурилди, насос станцияларини ишга туширилди, адир ерларга сув чиқарилмоқда. Ҳозир областда 203 минг гектар ер суғорилмоқда. Келгусида бу рақам 300 минг гектарга етади. Асримиз охирига бориб областда ҳозиргидан икки баравар кўп, яъни икки ярим миллион аҳоли яшаши кутиляпти. Шунинг учун ҳам янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида аҳамият бериш керак.

Наманганликлар бу йил давлатга 460 минг тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.

Область территориясида зараркунанда ҳашаротларга қарши кимёвий усуллар билан эмас, балки биологик усуллар билан кураш олиб бориляпти. Бу — энг қулай усул. Шунинг учун бу усулга тўла ўтиляпти. Ўтган йили пахта ҳосилининг 65 проценти «зангори кема»ларда терилган бўлса, бу йил 75 проценти териб олинади. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 34,7 центнерни ташкил этади. Хуллас, областда деҳқончилик маданияти юксак.

Олтин водийдаги адабиёт байрами кунлари Ғафур Ғулом таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кечалар, китобхонлар билан ижодий учрашувлар ҳам ўтказилди.

Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтида бўлган тантанали кечани шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ғулом Фозилов** кириш сўзи билан очди. **Сарвар Азимов** Ғафур Ғуломнинг ўзбек ҳамда бутун совет адабиёти миқёсида тутган ўрни, аҳамияти ҳақида сўзлади. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор ўз устозлари ҳақидаги хотираларини ҳикоя қилдилар. Ғафур Ғуломнинг машҳур шеърларидан ўқиб бердилар. Ғафур Ғуломнинг қизи, ёзувчи Олмос, профессор Лазиз Қаюмов, Ўзбекистон ССР халқ шоири Шукрулло, ёзувчи Юрий Ковалев ва бошқалар устоз шоир ҳақидаги эсдаликларини сўзладилар.

Андижон область партия комитетининг мажлислар залида ўтказилган Ғафур Ғулом юбилейи кечасини обкомнинг биринчи секретари ўртоқ **Солижон Мамарасулов** кириш сўзи билан очди. У академик шоирнинг совет адабиётида тутган ўрни, серқирра ижодининг аҳамияти ҳақида гапирди.

— Ғафур Ғулом ижодига бағишланган юбилей кечаси областимиз маданий ҳаётида йирик воқеадир. Бу тадбир меҳнаткашлар билан адибларнинг алоқаларини янада мустаҳкамлайди, адабий ҳаракатчиликнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундан кейин Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Шукрулло, Лазиз Қаюмов, Абдулла Орипов, Олмос ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳассос шоир тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар, энг яхши шеърларидан ўқидилар, унинг ижоди ҳамиша барҳаёт эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Кекса қаламкаш Улфат шоир тўғрисидаги ўз хотиралари билан ўртоқлашди.

Бундай учрашувлар олтин водийнинг бошқа жойларида ҳам ўтказилди.

Қувасойдаги Ҳамид Олимжон номли совхоз марказида ўрнатилган шоир ҳайкалининг тантанали очилиш маросимини кириш сўзи билан оча туриб Қува шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Маматқул Раҳматов** бундай деди:

«Оташин ўзбек совет шоири, улкан драматург, адабий меросимизнинг жонкуяр тадқиқотчиси, маданиятимизнинг йирик арбоби Ҳамид Олимжоннинг адабиётимиз равнақидаги ўрни беқиёсдир. Биз шоирга бўлган меҳр-муҳаббатимизни совхозимизга унинг номини бериш билан исбот этган эдик. Энди ана шу совхозда унга ҳайкал ўрнатдик».

«Ўрик гуллаганда» куйи янграйди. Ҳайкал устидаги оқ пардани **Сарвар Азимов** пастга туширади. Бахтлар водийсига шоирона нигоҳ билан боқиб турган Ҳамид Олимжоннинг ҳайкали кўз олдимизда гавдаланади. Шу ерда ҳозир бўлганлар тошкент-

Фарғона тўқимачилари билан учрашув.

Ҳаёт ва адабиёт

лик ҳайкалтарош **Шавкат Аҳтемов**нинг шоир образини ҳайкалтарошлик санъатида ёрқин намоён этаолганига таҳсин ўқийдилар. 9 Май оқшомида Алишер Навоий номидаги Наманган область музикали драма ва комедия театри биносида ўтказилган кеча фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 38 йиллигига бағишланди. Унда Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, Наманган область ҳамда шаҳар партия ва совет активлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Кечани Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар комитетининг биринчи секретари **Ғани Тожибоев** қисқача кириш нутқи билан очди. Шундан кейин **Сарвар Азимов** нутқ сўзлади:

«Улуғ Ватан урушида қозонилган буюк ғалаба жаҳоншумул аҳамиятга эгадир. Бу ғалабага Александр Фадеев, Николай Тихонов, Александр Корнейчук, Якуб Колас, Янка Купала, Николай Погодин, Константин Симонов, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов, Назир Сафаров каби атоқли совет адиблари катта ҳисса қўшганлар. Ҳозирги кунда тинчлик учун кураш кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бўлиб қолди.

Улуғ Ватан урушида 80 минг наманганлик жангчи қатнашган, шулардан 24 минг киши она-юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилди. Шу буюк жасорат ҳақида ҳар қанча ёзсак, шунча оз. Ўзбек адиблари халқимиз жасорати тўғрисида кўплаб яхши асарлар яратганлар. Улар бундан кейин ҳам шу мавзуда янада ажойиб асарлар ёзаверадилар. Чунки тинчлик ишига хизмат қилиш, халқимизни, айниқса, ёш авлодни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир».

Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Абдусаттор Раҳимов** Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек ёзувчилари ва шоирларининг фронт газеталарида босилган асарлари жангчиларга қандай далда бўлгани ҳақида сўзлади:

«Биз бу асарларни зўр ҳаяжон билан ўқирдик. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов, Уйғун, Назир Сафаров каби ёзувчи ва шоирларимизнинг асарлари кўнглимизни кўтариб, ғалабага чорлар эди».

Кечада **Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Юрий Ковалев, Эътибор Охунова, Эркин Воҳидов, Асқад Мухтор, Нормурод Нарзуллаевлар** ўзларининг она-Ватан, Коммунистик партия, дўстлик ва тинчлик ҳақидаги шеърларидан ўқишди, Улуғ Ватан уруши йилларига доир лавҳа ва воқеалардан ҳикоя қилиб беришди. Нотиқлар бугунги фаровон ва чароғон турмушга етиб келгунча босиб ўтилган машаққатли йўл ҳақида, улуғ халқимиз кўрсатган бемисл жасорат тўғрисида тўлиб-тошиб сўзладилар, ёшларни оталар эстафетасини давом эттиришга чорладилар.

Кечада Наманган область партия комитетининг секретари **Турсунбой Рўзибоев** нутқ сўзлаб, жумладан бундай деди:

«Улуғ Ватан урушида кўрсатган бемисл жасорати учун наманганлик олти жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган. Уч наманганлик эса «Шуҳрат» орденининг тўла кавалери бўлган. Ҳозир областимизда 7 мингга яқин Улуғ Ватан уруши ветеранлари бор. Улар доимо иззат-икромда.

Адабиётимиз ва санъатимиз довруғини бутун дунёга ёйишда олтин водий ижодкорларининг ҳиссаси каттадир, лекин экономика соҳасидаги тараққиётга қараганда адабиёт ривожи орқада қолаётгани сир эмас. Талантларни топиб, уларга эътиборни, ғамхўрликни кучайтиришимиз лозим. Ёзувчилар делегациясининг олтин водийга сафаридан мақсади энг аввало ана шу эди.

Халқ ҳамма вақт талантларга бой бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи халқимизнинг: «Манглайни силовчи бўлса, бўй тез ўсади», деган доно нақлига амал қилиб, адабий ҳаракатчиликни бутун республикада янада жонлантириб юбориш учун чора-тадбирлар кўрмоқда. Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг Фарғона, Андижон ва Наманганда ўтказилган кўчма мажлислари ҳам ана шундай муҳим тадбирлардан бўлди».

Секретариат йиғилишларида ана шу уч областда яшаб, фаол ижод қилаётган қаламкашлардан ўттиз бир киши СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинди. Шундай қилиб, кутилган натижаларга эришилди. Ёзувчилар союзининг область бўлимлари анча мустаҳкамланди.

Шуни чуқур мамнуният билан қайд этиш лозимки, секретариатнинг кўчма мажлисларида Ўзбекистон Компартияси Фарғона, Андижон ва Наманган область комитетларининг биринчи секретарлари **Ҳамдам Умаров, Солижон Мамарасулов** ва **Маҳкам Камолов** ўртоқлар иштирок этдилар. Бу ҳам Ёзувчилар союзимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи тобора ошиб бораётганига бир далилдир. Биз қалам аҳкиллари бундай партиявий меҳрибонликка жавобан халқимизга манзур бўладиган ғоявий-бадиий юксак асарлар яратишимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов «СССРнинг олтмиш йиллиги» ҳақида қилган докладида бундай деган эди: «Партия жамиятимизнинг етакчи кучи — совет ишчилар синфининг миллий отрядларини ўстиришга ҳамиша жуда катта эътибор бериб келди. Бу ишнинг натижалари яққол кўриниб турибди. Эндиликда ишчилар барча иттифоқдош республикалардаги энг йирик социал группани ташкил этади. Аммо уларнинг баъзиларида ишчилар синфининг составида тубжой миллат вакиллари янада кўпроқ қатнашиши лозим».

Адабиёт байрами иштирокчилари Фарғона водийсида ҳудди шундай жараён юз бераётганига шоҳид бўлдилар. Бир-иккита мисол келтирамиз.

Андижон областида бир ярим миллион аҳоли истиқомат қилмоқда. Шуларнинг кўпчилиги 15 ёшгача бўлган болалардир. Область аҳолисининг ўртача ёши 22 ни ташкил этади. Куни кеча деҳқон бўлган ўн минг йигит-қиз бугун шонли ишчилар сафида меҳнат қилмоқда. Ҳа, йил сайин ўн минглаб йигит-қизлар ишчилар сафига қўшилмоқда. Бу жараённи адибларимиз қаламга олиб, чуқур тасвирлаб берсалар, нур устига нур бўларди.

Андижон областининг биргина Марҳамат районида 82 минг аҳоли яшайди. Районда бир неча саноат корхонаси мавжуд. Шулардан бири Андижон Тўқимачилик комбинатининг Марҳаматдаги филиалидир. Филиалда мингга яқин киши ишлайди.

Марҳамат шаҳридаги электротехника заводида ишланган маҳсулотлар мамлакатимиздаги 700 та шаҳарга, 17 чет эл мамлакатига юборилади. Хуллас, Марҳамат райони тобора саноатлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда Озиқ-овқат программасини амалга оширишга эътибор берилаётир. Райондаги 12 колхоз, 4 совхозда пахтачилик билан бир қаторда полизчилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик соҳалари ҳам ривожланмоқда. Бу борада айниқса, райондаги Абдумухтор Саидахмедов раислик қилаётган Калинин номли колхоз катта ютуқларни қўлга киритаётир.

Маълумки, Наманган областида ҳам аҳоли сони тобора ортиб бормоқда, ҳозирги кунда областда бир миллион икки юз минг аҳоли яшамоқда. Ҳар йили областдаги ўрта ва саккиз йиллик мактабларни 25 минг йигит-қиз битириб чиқмоқда. Шулардан тахминан 20 минг йигит-қизни иш билан таъминлаш керак.

Кейинги 15 йил ичида Наманган областида саноат уч мартадан зиёд ривожланди. Область қайта ташкил этилган йили 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1982 йили 1 миллиард 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Наманган, Учқўрғон, Уйчи ва бошқа жойларда тўқимачилик корхоналари қурилди. Завод ва фабрикалар қурилаётгани туфайли район марказлари замонавий шаҳарларга айланиб боряпти. Айтиш мумкинки, қишлоқ жойларида ўзига хос инқилобий ўзгаришлар юз бераяпти, шонли ишчилар синфи сафига янги авлод кириб келяпти, кечаги сувчи ёки теримчи бугун дастгоҳ ёнида ишламоқда. Ёзувчиларимиз ана шу янги ишчилар ҳақида турли жанрларда асарлар яратсалар, дуруст иш бўларди.

Москва районининг маркази Шаҳрихон шаҳрида ҳам маданий-маиший ишларга, спорт иншоотлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Райондаги марказлашган кутубхона системасининг 59-филиали жойлашган бино чиндан ҳам ажойиб бир кўшкдир. Уни кўриб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Лекин, афсуски, кутубхона филиали ҳали китобларга унча бой эмас. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, Фарғона водийси китоб магазинларида ҳозир фаол ижод қилаётган ёзувчи ва шоирларнинг асарлари деярли тақчил. Бу, бир томондан, халқимизнинг китобсеварлигига далил бўлса, иккинчи томондан, нашриётлар китоб тиражини белгилашда асарнинг аҳамияти, ўқишлилиги, китобхонларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олишлари зарурлигини кўрсатади. Кўпгина таржима асарлар китоб магазинларида ва базаларда йиллаб сарғайиб ётмоқда. Бу нарса бошқа тиллардан қилинадиган таржималарни меъёр билан нашр қилиш кераклигини кўрсатиб турибди.

Атоқли адибимиз Шароф Рашидовнинг беш жилдли асарлар тўплами ва «Дил амри» повестини олтин водий китобхонлари севиб ўқимоқдалар. Бу асарларга адабиёт мухлисларида талаб катта эканлигига шоҳид бўлдик. Сарвар Азимов Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг совғаси сифатида Шароф Рашидовнинг беш жилдли асарлар тўпламини Фарғона, Андижон ва Наманган областлари партия комитетларига тақдим этганида, бу китобларнинг халқимиз орасида қўлма-қўл бўлиб юргани кўз олдимиздан ўтди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Андижонда ўтказилган кўчма секретариати мажлиси ҳам қизғин ўтди.

С. Маҳкамов фотолари

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Гулистон 1983/7

турмуш ва маданият

САРОПОЁН ГУЛЛАРИ

Хоразмнинг Саропоён қишлоғи тўғрисида анчагина ривоятлар бор. Уни «Саҳро поён»— саҳро тугаган жой сифатида ҳам таърифлашади. Эҳтимол, бу таъбирда жон бордир. Қишлоқ илгари Қорақум барханлари билан туташиб кетган. Кейинги йилларда чўл чекина бошлади. Хоразмликлар қисқа вақт ичида Қорақум бағрида неча асрлардан буён мудраб ётган минглаб гектар ерларни ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар.

Саропоён қишлоғининг ўтмишдаги аянчли қисматини тасаввур қилмоқ учун колхоз музейини бирров кўздан кечириш кифоя.

Доҳиймиз В. И. Ленин башорат қилганидек, фақат Октябрь инқилоби туфайли жафокаш деҳқоннинг кўксига шамол тегди. Советлар замонасида Саропоён қишлоғининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Энг муҳими, қишлоқни социалистик асосда қайта қуриш жараёнида ғоявий ва маданий савияси юксак, янги инсон камол топди.

Колхоз тузуми ветерани Юсуф ота Қурбонов билан мулоқотда бўлдик. Ёши саксонга яқинлашганига қарамай тенгдошлари уни ҳозир ҳам «Юсуф комсомол» деб аташади. Чунки у — қишлоқда комсомол ячейкасини тузган ва унга етакчилик қилган ветеранлардан бири. Колхозда звеновой, ҳосилот совети раиси, бригадир вазифаларида узоқ йиллар самарали хизмат қилган, ҳозир эса пири-бадавлат пенсионер.

— Кечагидек эсимда,— дейди Юсуф ота,— 1929 йилда Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев Хоразмга ташриф буюрдилар. Ҳазораспга ўтишларида қишлоғимизда тўхтаб, деҳқонлар билан суҳбатлашдилар. Йўлдош ота ўшанда колхоз тузуми деҳқонларга порлоқ истиқбол йўлини очиб беришини ишонч билан таъкидлаган эдилар. Отанинг айтганлари амалда рўёбга чиққанлигини биз ҳозирги ҳаётимиз тимсолида кўриб турибмиз.

Юсуф ота Саропоён деҳқонлари Ўзбекистон оқсоқолига чексиз эҳтиром рамзи сифатида қишлоқда тузилган колхозни Охунбобоев номи билан атаганликларини фахрланиб қайд этди.

Дарҳақиқат, бу қишлоқнинг кўркичиройи шаҳардан қолишмайди. Сўнгги йилларда бош план асосида учта обод қишлоқ қад кўтарган. «Қурултой» қишлоғи — қишлоқ-тураржой республика конкурсида биринчи совринни олди. Бу тажриба уй-жойлар замонавий лойиҳалар асосида, шаҳар типида қурилиб, деҳқон хонадонларига манзур бўлган.

Қишлоқ чиройига чирой қўшиб турган жамоат бинолари орасида олти юз ўринли маданият саройи, 800 ўринли кинотеатр, оналар ва болаларни даволаш ҳамда соғломлаштиришга ихтисослаштирилган 200 ўринли оромгоҳ, ўрта мактаб, болалар боғчаси ва яслиси, маиший хизмат комбинати, савдо маркази ўзига хос меъморчилик услублари билан алоҳида кўзга ташланади. «Коммунизм» ва «Оқ олтин» қишлоқларида яшовчилар ҳам ана шундай қулайликлардан баҳраманд бўлишмоқда.

Данғиллама, шинам уйлар, боғроғлар, асфальт йўллар ва йўлкалар, яшил хиёбонлар ва гулзорлар, неон чироқларидан нурафшон кўчалар, оромбахш фавворалар киши қалбини мафтун этиши табиий бир ҳол. Аммо, қишлоқ қиёфасининг кўркамлиги, чиройли манзаралари бу ердаги ажойиб кишиларнинг меҳнати самараси эканлигини ҳис қилиб, гўзаллик ижодкорларига таҳсинлар ўқигинг келади. Колхозчиларнинг турмуш маданияти тобора юксалмоқда, илмий ва техникавий савияси ўсиб бораётир.

Қишлоқдаги ишга яроқли аҳолининг ҳаммаси жамоат меҳнатида фаол қатнашади. Бу ерда ҳалол меҳнат шараф ва қадр-қиммат мезонига айланган. Яқинда беш йиллик зарбдорларининг давра суҳбати бўлиб ўтди. «КПСС сафида 50 йил» нишони соҳибаси Қурбонжон Отажонова, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Хўжаниёз Собиров, донгдор механизатор Фароғат Машарипова ва бошқалар ўз касбларини фидоий меҳнат билан улуғлашаётгани, социалистик турмуш тарзининг бекиёс афзаллиги тўғрисида тўлқинланиб гапирдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, қишлоқ меҳнаткашлари орасидан малакали мутахассислар, халқ зиёлиларининг катта отряди ўсиб етишди. Бу ерда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 100 дан ортиқ агроном, механик, зоотехник, 300 га яқин ўқитувчи ва медицина ходими ишлаётир. «Ҳақиқий деҳқон бўлсанг, агрономия фанини ўрган», «Қишлоқда яшайсанми — техникани эгалла». Мана шу шиорларга амал қилиш бу ерда чинакам таомилга айланган. Қишлоқда очилган ҳунар-техника билим юрти ёшларга касб-ҳунар ўргатмоқда.

Меҳнатда, ўқишда ва турмушда юзага келаётган янгиликлар Саропоён қишлоқ аҳли ўртасида кенг ёйилиб бормоқда. Сулола шарафини, деҳқон ва чорвадор касбини улуғлаётган, ёшларга мураббийлик қилаётган, гўзал хулқ-атвори билан ибрат бўлаётган ажойиб кишилар коллективнинг фахри. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», «Киши кишига дўст, ўртоқ, биродар» деган принциплар, янги анъаналар, янгича маросимлар кундалик турмушга чуқур сингиб бораётир.

Хонадонларда меҳмон бўлсангиз, деҳқоннинг фаровон ва маданий турмушини кўриб, дилдан қувонасиз. Замонавий мебель, телевизор, холодильник, тикиш, чанг тозалаш ва кир ювиш машиналари ҳар бир уйда бор. Музика асбоблари, шахсий кутубхоналар деҳқоннинг маънавий дунёси бойиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган тиниб-тинчимас кишиларнинг номлари ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади. Қишлоқ Совети раиси Ҳожи Хўжаев, колхоз хотин-қизлар совети раиси Зулайҳо Худойберганова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар Сора Жуманиёзова, Рўзимат Қурбонов сингари фаоллар, кўп сонли қишлоқ зиёлилари янги анъаналар ва урф-одатларни турмушга сингдиришда ташаббускор бўлишяпти. Тўйларни ортиқча чиқимсиз, файзли ва хушчақчақ ўтказиш, ёшларга паспорт топшириш, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш, меҳнат шодиёналарини биргаликда нишонлаш, янги туғилган чақалоқларга гувоҳномалар ёзиб бериш, пенсияга узатиш каби янги урф-одатлар анъанага айланган.

Хонқа районининг Саропоён қишлоғида юз берган ўзгаришлар, қишлоқдаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхозда экономика ва маданий ҳаёт гуркираб юксалаётганлиги тўғрисида гап борар экан, коллектив хўжаликка узоқ йиллар етакчилик қилган моҳир ташкилотчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати Аҳмаджон Юсуповнинг хизматларини алоҳида қайд қилиш лозим. Яқинда дунёдан ўтган бу ажойиб инсондан яхши ном, нурли излар қолди. Боғ-роғлар яшнаб турса, боғбон ўлмаганидек, Аҳмаджон ака каби кишилар жонажон қишлоғининг кўркам қиёфасида, ҳамқишлоқларининг улкан бунёдкорлик ишлари ва режаларида ҳамиша яшаб қоладилар.

— Турмуш маданиятини юксалтириш соҳасида етилган масалалар, келгусида амалга ошириладиган режаларимиз озмунча эмас,— дейди колхоз правлениеси раисининг ўринбосари Бейли Мавлонов.— Фаровонлик ошгани сари маънавий эҳтиёжлар ҳам ўсиб боради. Оила бюджети, даромаднинг тасарруфи ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш пайти келди. Ҳозирги деҳқон илгариги деҳқонлардан тубдан фарқ қилади. У уйини дид билан безатиш, чиройли кийиниш имкониятига эга. Маданият университети машғулотларида бу масалага алоҳида эътибор бераётирмиз. Биз яна бир вазифани жиддий қилиб қўйдик: яқин йиллар ичида мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаммаси боғча-яслиларга тортилади, бошланғич синфларнинг ўқувчилари бепул овқат билан таъминланади.

Ҳа, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтиришнинг режалари салмоқли. Бу режалар социал-маданий тараққиётнинг 1990 йилгача мўлжалланган тадбирларида аниқ акс эттирилган. Уларни рўёбга чиқариш учун реал замин ҳам мавжуд. Колхознинг экономикаси йилдан йилга равнақ топаяпти. Мана, баъзи рақамлар: ўн биринчи беш йилликнинг ўтган икки йили ичида пландагидан уч минг тонна зиёд пахта етиштирилди, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам кескин ошди. Натижада ўтган йили планда белгиланган 4,5 миллион сўм ўрнига 7,5 миллион сўм даромад олинди, бўлинмас фондга 1,5 миллион сўм ажратилди. Капитал қурилишга ҳар йили ўрта ҳисобда бир миллион сўм миқдорида маблағ сарфланмоқда. Бу — қишлоқ аҳолисининг маданий-маиший эҳтиёжлари тобора яхшироқ қондирилаётганидан далолат.

...Қишлоқда қайноқ иш куни поёнига етди. Ильич чироқлари порлаб, кўчалар ва йўлкалар нур оғушида ажиб фарахбахш манзара касб этган. Анвойи гулларнинг хушбўй ҳиди кишининг баҳри дилини очади. Бу гуллар — сўлим Саропоён заминида қулф урган гуллар. «Инсон қўли гул» дегани шу-да. Колхоз ашула ва рақс ансамбли ҳам «Саропоён гуллари» деб ном олган. Ансамблнинг хушовоз хонандаси Қумрихон қўшиқ бошлади:

Бир келиб кетинг қишлоғимизга,
Яшнаган, кулган гулбоғимизга...

Фозил ЗОҲИДОВ

Хоразм

ФАРОВОНЛИК ФАЙЗИ

Чотқол тизма тоғлари этакларида жойлашган Косонсой ғоятда серфайз. Шаҳар ва районнинг қоқ ўртасидан қиличдек кесиб ўтган Косонсой дарёси икки соҳилга ўзгача ҳусн бағишлаган. Мусаффо ҳаво, беғубор манзаралар ҳамиша мафтункор. Лекин ана шундай ноёб эҳсони билан бирга табиат фавқулодда инжиқликлари билан хуруж қилиб ҳам туради. Баҳор ойларида сурункасига жала ёғиб, баъзан даҳшатли сел оқимлари бир ёқни ўпириб кетади, экин-тикинга зиён етказади. Аммо район меҳнаткашлари бундай табиий офатларни ҳамиша мардонавор енгиб, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида мўл-кўл ҳосил етиштираётирлар. Сўнгги уч йил давомида пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик соҳасида давлат плани ва социалистик мажбуриятларини муттасил ортиғи билан бажарганликлари учун бу район Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби бўлди. Партиямизнинг Озиқ-овқат программасини амалга жорий қилиш бўйича районда зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ялпи кўпайтириш сув танқислигини ҳал этиш билан чамбарчас боғлиқ. Район партия ва совет ташкилотлари бу масалага жиддий эътибор беришмоқда. Шу беш йилликда «Ертикон» сув омбори қуриб битказилади. Сарсонча ва Кенгкўл массивларига катта Наманган каналидан сув келтирилиб, 1000 гектардан зиёд маданий яйлов ташкил қилинади.

Кейинги икки йил ичида районда «Тожикистон» номли қўй-эчкичилик, «Ўзбекистон» номли чорвачилик, «Комсомол» номли асаларичилик совхозларининг ташкил этилиши Озиқ-овқат программасини бажариш йўлидаги муҳим одимлардир. Ертикондаги паррандачилик комплекси ҳозирданоқ маҳсулот бера бошлади.

Аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда ёрдамчи ва шахсий хўжаликларнинг ҳиссаси тобора ортиб бораётир. 1982 йилнинг ўзида аҳоли шахсий хўжаликларида минг тонна гўшт, минг тонна сут, 1 миллион 800 минг дона тухум ишлаб чиқарилди.

Хўжаликнинг барча соҳаларида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, юксалиш меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги, турмуш маданиятининг муттасил ошиб боришини таъминла-

Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённий туғилган кунининг 100 йиллиги

МАРШАЛ БУДЁННИЙ

Семён Михайлович Будённий... Номи шуҳратларга бурканган, қўшиқлар ва ривоятларга кўчган бу ажойиб йирик совет саркардаси халқ қаҳрамони сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллади. Айниқса у Биринчи Отлиқ армия қўмондони сифатида шу армия жангчилари билан Ватанимизнинг шонли йилномасига кўпгина ажойиб саҳифалар қўшди.

Қашшоқ деҳқон оиласида дунёга келган С. М. Будённий жуда ёшлик чоғиданоқ меҳнат машаққатларини бошидан кечиради. Йигирма ёшли йигит подшо армияси сафига чақирилиб, рус-япон уруши ва биринчи жаҳон урушида иштирок этади. Ана шу йилларда у ўзининг шахсий мардлиги ва жасурлиги билан хизматдош дўстларининг ҳурмат-эътиборини қозонади.

Тавалудининг юз йиллиги нишонланаётган Семён Михайлович тўқсон йил умр кўрди, шундан етмиш йилини ҳарбий хизматга бағишлади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан сўнг С. Будённий Дон соҳилларида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва уни душмандан ҳимоя қилиш ишларида фаол қатнашади.

1919 йилнинг июнь ойида Биринчи Отлиқ корпус тузилиб, у Будённий қўмондонлигида Царициндан шимолда Врангел қўшинининг асосий кучларини тор-мор қилади. Сентябрь ойида эса отлиқ корпус Мамонтовнинг кавалерия корпусини мағлубиятга учратиб, Воронеж шаҳрини озод қилади. Бу оқлар устидан эришилган мислсиз ғалаба эди. Шундан сўнг Будённийнинг номи бутун мамлакат бўйлаб таралиб кетди. 1919 йилнинг 20 ноябрида Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети уни Қизил Байроқ ордени ва Олтин қурол билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилади. Ҳанжар сатҳида «Халқ қаҳрамони С. М. Будённийга Бутуниттифоқ МИК-идан» деб ёзилган эди.

В. И. Ленининг шахсан кўрсатмаси асосида 1919 йилнинг ноябрь ойида Биринчи Отлиқ армия вужудга келади. С. Будённий қўмондонлиги остида армия гражданлар урушининг кўплаб фронтларида душманларга қирон келтириб, ўзини шуҳратларга буркади.

Буюк доҳий В. И. Ленин Семён Михайловичнинг саркардалик истеъдодига юксак баҳо бериб, унинг бир ўзи бутун бошли эскадронга татийди, деган эди.

Гражданлар урушидан кейин С. М. Будённий мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш бўйича партия ва совет ҳукумати белгилаган вазифаларни амалга ошириш учун катта ташкилотчилик фаолияти билан машғул бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида эса С. М. Будённий немис-фашист қўшинларини тор-мор қилишда фаол иштирок этди. У Олий бош қўмондонлик ставкасининг аъзоси, бир қатор фронтларнинг қўмондони, Совет Армияси кавалериясининг қўмондони бўлди.

Партия ва ҳукуматимиз халқ қаҳрамони Семён Михайлович Будённийнинг хизматларини муносиб тақдирлади. У уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, С. М. Будённий кўпгина орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Совет Иттифоқининг дастлабки маршалларидан бири, халқ қаҳрамони Семён Михайлович Будённийнинг партияси ғоялари тантанаси учун садоқат билан қилган хизматини миннатдор авлодлар ҳамиша ҳурмат билан ёд этадилар.

ётир. Кейинги икки-уч йил ичидаёқ район маркази, совхоз посёлкалари, колхоз қишлоқларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Маъмурий бинолар, янги универсам, 500 ўринли кинотеатр, меҳмонхона, маиший хизмат ва алоқа уйлари, 20 минг кишилик спорт комплекси қад кўтарди. «Комсомол» истироҳат боғи бунёд этилди. 16 гектарлик дам олиш манзилгоҳи, 2 та кўл-ҳавза меҳнаткашларнинг энг севимли ҳордиқ чиқарадиган жойига айланди.

Косонсой районида учта совхоз посёлкаси, 25 та қишлоқ бош план асосида тез суръатлар билан қайта қурилиб, ободонлаштирилмоқда. Чунончи, «Шарқ юлдузи» совхози посёлкаси комплекс тарзда қурилаётир. Ҳозирнинг ўзида тажриба-лойиҳа асосида қурилган уйларга 40 хўжалик кўчиб кирди. Колхоз ва совхозларда кооператив йўли билан ҳамда бўлинмас фондлар ҳисобидан ишчи ва колхозчиларга уй қуриб бериш кенг жорий қилинган. 200 дан зиёд оила ана шундай уйларда ҳовли тўйлари ўтказдилар. «Косонсой» совхозида шу йилнинг ўзида 650 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси, 300 ўринли кинотеатр, 15 та кооператив уй қурилади.

Меҳнаткашлар турмуш маданиятини ошириш ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш район турмуш маданияти Совети зиммасига юклатилган. Партия ва хўжалик активларидан 21 кишини ўз ичига олган Совет ҳар ойда бир марта йиғилиб, муҳим масалаларни кўриб чиқади. Масалан, сўнгги йиғилишларда «Турмуш маданияти комплекслари фаолияти», «Аҳолига медицина, маиший ҳамда савдо хизматини янада яхшилаш тўғрисида», «Мактабгача тарбия муассасалари фаолияти ҳақида», «Тураржой ва ободонлаштириш ишларининг аҳволи тўғрисида» каби кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилиниб, улар асосида зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, район маданият уйи қошида ҳамда барча совхоз клубларида махсус турмуш маданияти университетлари, кинолекторийлар ишлаб турибди, уларда раҳбар кадрлар, ишчи ва колхозчилар учун маданият масалалари, совет турмуш тарзи ҳақида лекциялар уюштирилади. Бундай кечаларда оилавий иштирок этиш анъана тусига кириб бормоқда.

Ҳозир районда 4 минг ўринли 33 та кинотеатр, 500 ўринли 2 та болалар кинотеатри ишлаб турибди. Ҳалқ талантларини йиғиш ва тарбиялашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. 17 та бадиий ҳаваскорлик тўгарагига 500 дан ортиқ киши жалб этилган. Биргина район маданият уйи қошида ўндан ортиқ тўгараклар ишламоқда. «Хушнаво» ҳаваскорлик ансамбли халқ ансамбли номини олишга сазовор бўлди. Ансамбль аъзоларидан Абдунаби Мамажонов ва Қаюмжон Қориевларнинг дилрабо қўшиқлари республикамиз миқёсида ўз мухлисларига эга. Жўраполвон Норхўжаев бошчилигидаги дорбоз ва қизиқчиларнинг ўйинлари республикамизда ҳаммага манзур бўлаётир.

Аҳолига савдо-сотиқ, маиший ва медицина хизмати кўрсатиш шу кунниг талаблари даражасига кўтарилган. «Табассум», «Гўзал» универмаглари, «Ширин» ресторани, «Калон чинор» чойхонаси, «Табиат эҳсони» сингари 6 та магазин, 2 та китоб дўкони охирги йилларда қад кўтарган савдо шохобчаларидир. Аҳолига 21 турда маиший хизмат кўрсатилаётир. Ўтган йилнинг ўзида 5 та маиший хизмат комплекси, «Чевар» маиший хизмат уйи фойдаланишга топширилди. Ҳозир 240 ўринли замонавий типдаги шифохона қурилмоқда. Тиббий мутахассисларга бўлган эҳтиёжни тўлароқ таъминлаш мақсадида бу ерда медицина билим юртн очилди.

Косонсойнинг бетакрор гўзал манзараси ва мусаффо ҳавосидан файз топган кишилар уни «Ўзбекистон Швейцарияси» деб атамоқдалар. Ижодкор халқ меҳнати билан эса шаҳар янада гўзаллашиб бормоқда. Партиямизнинг совет кишиларининг турмуши фаровонлигини ошириш ҳақидаги қарорлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Зеро, халқ ҳақида ғамхўрлик партиямизнинг олий мақсадидир.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ

Владимир Маяковский туғилган кунга 90 йил тўлди

ДОИМИЙ ҚЎЛЛАНМА

Абдулла ОРИПОВ

Владимир Маяковскийнинг ижоди жаҳон адабиётида мутлақо фавқулодда ҳодисадир. Маяковский ўзининг истеъдод даражаси билан тарихдаги энг буюк шахслар қаторида тура олади. Маяковский рус шеърятида реформатор сифатида янги поэзияни бошлаб берди. Мана шу ҳолнинг ўзиёқ Маяковскийнинг тарихий хизматини белгилаб беради. Лекин масаланинг бошқа муҳим томони бор. Владимир Маяковский ўзининг беқиёс истеъдодини Октябрь инқилобининг хизматига тўла-тўкис бағишлади. У, баъзан, оддий плакат шеърларни ёзишдан ҳам бўйин товлаган эмас. Аксинча совет тузумининг ҳар бир жабҳасида нэпчилар билан хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билган. Маяковский шоир ва гражданин сифатида кўпмиллатли совет адабиётининг барча авлодига, прогрессив кишилик адабиётига намуна бўлиб қолди. Ўзбек совет адабиётида Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби улкан шоирларни қонуний равишда Маяковскийнинг издошлари, шогирдлари деб ҳисоблашади. Биз тенги шоирлар эса Маяковскийнинг ўзидангина эмас, балки унинг машҳур издошларидан мактабидан ҳам таълим олиб келаётирмиз. Шу маънода Маяковский ижоди бизнинг авлод учун икки карра дарслик ролини ўтайди.

ЯХШИ ДЕГАН СЎЗ НИМАЮ ЁМОН ДЕГАН СЎЗ НИМА?

Мурғаккина ўғил бола
отасига йўлиқди,
Увоқ шундай сўради:
«Яхши деган
сўз нимаю
ёмон деган
нимади?»
Менда
сир йўқ яширин.
Болалар, тингланг мендан
отасининг жавобин
Китобимга
ёзаман:
«Шамол эсиб
томни бузса,
Дўл қуйилса
осмондан,
Бу ҳар кимга
равшан нарса —
кезиш учун кўп ёмон.
Қуёш чиқиб,
бутун-бутун
дунё порласа кўркам,
Бу албатта
жуда яхши
каттага ҳам,
ёшга ҳам.
Гар ўғилнинг
кечасидай қоп-қора
кирлар ётса бетида —
Бу, албатта,
жуда ёмон
бир карра
ёш ва нозик терида.
Агар бола
севса совун, порошок,
топ-тоза бўлса тиши —
Бундай бола
ёқимли, жуда тузук.
Бу қилган иши яхши.
Агар бўлса
уришқоқ ҳам ярамас,
урса кучсиз болани,
Бундайларни
истамайман, керакмас
китобимга ёзгани!
«Ўзингдан кичикларга
тегма!»— деб қичқиради.
Мана бу бошқа бола,
Бу бола —
яхши, балли.
Кўриниши ҳам сара.
Агар сен
бир варакай
Йиртсанг
китоб, коптокни,
Октябрятлар айтар:
«Ёмон бола!»— деб сени.
Ҳар болаки
ишлашни яхши кўрса,
Бармоғини доим қўйса
китобга,
Бундайни
мумкин ёзса,
ўтар яхши ҳисобга.
Қарғадан
додлаб қочди
битта бола — бақалоқ.
Бу бола
оддий қўрқоқ,
жуда ёмон
бу иши.
Бу бола-чи,
бир вершок бўйи билан
зўр ишга чанг уради.
Ботир ҳам
яхши экан,
турмушга ҳам
ярайди.
Бир бола
ётиб олиб
балчиққа,
севинади
кўйлаги кирлиги-чун,
У тўғрида
ким кўринган айтади:
Ёмон, иркит,
чиппа-чин».
Бу
тозалаб этигин,
ўзи ювар
калишин,
У бола
кичик ҳали,
яхши дерлар
бу ишин.
Ёдда тутсин
буни ҳар бир
ўғил билан
қиз бола:
Ёмон ўғил
чўчқа бўлиб
ўсади,
ёшликда
чўчқа бўлса».
Бу сўзларни тинглаган
бола қувониб кетди.
Ва қарор қилди мурғак:
«Бундан кейин,
мен энди
Доим яхши бўламан,
ёмон бўлмайман жиндак».

Ғафур ҒУЛОМ таржимаси

ДАҲО ЗИЁСИ

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Шоир зотн тобора кўпаймоқда. Лекин машҳурлиги, серхаридорлиги жиҳатидан Маяковский олдига тушадиганлари ҳозир ҳам йўқ, десак муболаға бўлмас. Тўғри, кимдир унинг шеърларини ҳазм қила олмаслиги мумкин, бировнинг ёд олгани вақти йўқдир. Шундай бўлса-да, халқ меҳнат ё тантана учун жам бўлган улуғ ва қутлуғ дамларда овози бор кучи билан янграб, шоир жамики ватандошларимизнинг туташ қалбларида тўлқинланган муқаддас ҳиснинг ифодачисига айланиб қолганини кўрамиз.

Маяковский, дарҳақиқат, у ёки бу ширинхўрак китобхон учун назм тузмай, домна қозони ё электростанцияга ўхшаб, бир йўла бутун халқнинг ҳизматини қилган шоир. У чапак учун ёзмаган, лекин зални тўлдирувчиларни ўз истеъдоди кучи билан қарсак урдирган санъаткор.

Яқинда матбуот саҳифаларида Маяковский ва ҳозирги шеърият мавзунда баҳс бўлиб ўтди. Баҳс қатнашчиларининг баъзилари шоир тасвирлаган жисмоний меҳнат сифат жиҳатидан ўзгариб кетганлиги учун у ҳақдаги шеърлар ҳам актуаллигини йўқотди, дейишди. Рост, таққослайдиган бўлсак, ҳозирги кундаги меҳнатни байрам деб атаса арзийди. Бирингки, ўз ижтимоий вазифасини тўла-тўкис бажарган у шеърлар эскирган бўлса — жуда соз: бу уларнинг тарихий аҳамиятини янада ёрқинроқ кўришга имкон беради.

Шу билан бирга, мундоқ назар солсак, ғоявий кураш ғоят кескинлашган, турмушдаги қатор камчиликлар илдизи билан куйдириб ташланаётган шу кунларда Маяковскийнинг сатирик шеърияти, чет эл туркумлари янги қудрат ва жанговарлик касб этмоқда. Шекспир асарларидан ҳар бир давр ўзи учун озуқа топа олади, дейишади олимлар. Уйлаб кўрсак, Маяковский бу жиҳатдан фақат Пушкин билан эмас, Шекспир билан ҳам ёнма-ён турган, томирдош ижодкор эканини сезамиз.

Маяковский — бутун бир давр шоири, деган гап бор. Қўшимча қилгим келади: Маяковскийнинг ўзи шеъриятда ҳали кўп йиллар давом этадиган бутун бир даврдир.

ҲУЖУМКОР СИНФНИНГ ОТАШИН ШОИРИ

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Владимир Маяковский жаҳон шеъриятида янги саҳифа очган буюк шоирдир. Совет адабиётини яхши биладиган француз шоири ва адиби Луи Арагоннинг «Шекспир ва Маяковский» деган катта мақоласи бор. Унда муаллиф буржуа санъатшуносларининг: «Ҳар нима деганингизда ҳам Совет Иттифоқи ўзининг Шекспирини яратолгани йўқ» деган даъвосини қатъиян рад этиб, Маяковскийни Шекспирга тенглаштиради. «Ҳаммом» ва «Қандала» каби сатирик асарлардаги Победоносиков ва Присипкин образлари бадиий мукаммаллиги жиҳатидан Ягодан мутлақо қолишмаслигини тасдиқлайди. Луи Арагон ёзади: «Победоносиков ва Присипкин ҳали жаҳон адабиётида учраган эмас — улар бутунлай ўзига хос. Муаллиф уларни тўғридан-тўғри воқелик бағридан суғириб олган».

Луи Арагон Маяковскийнинг жаҳон поэзияси ривожидаги ўрнини ҳам тўғри белгилаб, уни «жаҳон шоирларининг дўсти ва устози» деб атайди. Дарҳақиқат, биз XX аср жаҳон поэзиясига назар ташласак, Осиёда ҳам, Европада ҳам, Америкада ҳам Маяковский мактабини ўтмаган, унинг тажрибаларидан баҳраманд бўлмаган, ижодий традицияларини қай бир даражада давом эттирмаган биронта ҳам йирик шоирни тополмаймиз. Немис шоирлари Иоганнес Бехер, Бертольд Брехт, Эрих Вайнерт, турк шоири Нозим Ҳикмат, покистонлик Файз Аҳмад Файз, чилилик Пабло Неруда, кубалик Николас Гильен, француз шоирлари Луи Арагон ва Поль Элюар, поляк шоирлари Владислав Броневский ва Юлиан Тувим, болгар шоирлари Никола Вапцаров ва Христо Смирненский, чех шоирлари Витезслав Незвал ва Иржи Тауфер, венгер шоири Антал Гидаш ва яна бошқа кўпгина шоирлар эришган ижодий муваффақиятларни Маяковский тажрибасисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маяковский кўпмиллатли совет поэзиясининг ривожида ҳам жуда катта ўрин тутади. Бизнинг мамлакатимизда етмишдан ортиқ тилда ранг-баранг миллий традициялар заминида яратилган шеърий оламлардан биронтаси ҳам Маяковскийнинг қудратли ва баракали таъсиридан бенасиб қолган эмас.

Маяковский шеърият осмонидаги энг йирик, энг порлоқ юлдузлардан бири эди, у чиндан ҳам тенги йўқ улуғ шоир эди.

Хўш, Маяковскийни нега улуғ деймиз? Умуман, улуғ шоир деганда қандай шоирни тушуниш керак? Улуғликнинг мезони ва меъёри нимада? Шоир қандай қилиб улуғликка эришади? Албатта, шоирнинг ижодий қиёфасини белгилайдиган, унинг адабиётдаги мавқеини, халқнинг маънавий ҳаётидаги ўрнини тайин этадиган биринчи омил — ижодкорнинг истеъдодидир. Бироқ истеъдод ҳар қанча улкан бўлмасин, ҳар қанча ўзига хос кўринишга ва йўналишга эга бўлмасин, унинг ёлғиз ўзи ҳали шоирнинг улуғлигини таъминлай олмайди. Истеъдод реал ҳаётнинг қайноқ тўлқинларида йўғрилгандагина, халқ турмушидан озиқланиб, унинг интилишларини, орзу-умидларини, қувончларини, ғаму ташвишларини, дардларини ўзига сингдирган тақдирдагина ижодкорнинг юксак парвози учун қанот бўла олади. Бу фикрни Белинский «Державин асарлари» деган мақоласида лўнда ва аниқ қилиб айтган эди:

«Биронта шоир ўз-ўзидан ва ўзи орқали, фақат ўз изтироблари орқали ёхуд фақат ўз ҳузур-ҳаловати орқали улуғ бўлолмайди; ҳар қайси улуғ шоир шунинг учун улуғки, унинг изтироблари ва ҳузур-ҳаловатининг илдизлари ижтимоият ва тарих заминига чуқур сингиб кетган, бинобарин, шунинг учун улуғки, у жамиятнинг, замоннинг, инсониятнинг аъзоси ва вакили. Фақат майда шоирларгина ўз-ўзларидан ва ўзлари орқали бахтиёр ёхуд бахтсиздирлар. Лекин бунинг эвазига уларнинг қушларнинг чирқиллашига ўхшаган қўшиқларини ўзларидан бошқа ҳеч ким тингламайди — бундай қўшиқларни на жамият, на инсоният билишни истамайди».

Бу ажойиб сўзларда ижоддаги улуғликнинг асл моҳияти очиб берилган. Бу таъриф ҳамма улуғ шоирларга таaллуқли, лекин шуниси ҳам борки, ҳар қайси улуғ шоирнинг улуғлиги замонаси, жамияти мақсад ва ниятларига боғлиқ равишда ўзига хос шаклда намоён бўлади.

Маяковский XX аср бошида ўз ҳақ-ҳуқуқини таниб, зулмга қарши бош кўтарган, озод меҳнат салтанатини барпо этиш учун курашга қўзғалган энг илғор, энг революцион синфнинг — пролетариатнинг шоири сифатида майдонга чиқди. «Жаранг-ловчи шоир кучимни сенга бағишлайман, ҳужумкор синф», деб ёзган эди Маяковский асарларидан бирида. Бу ҳайқириқни Маяковскийнинг бутун ижодига эпиграф қилиб олиш мумкин. Ижодини «ҳужумкор синф» билан боғлаган шоир инсониятнинг энг покиза, энг гўзал, энг эзгу идеаллари учун шу синф билан бир сафда жанг қилди ва шиддатли кураш жараёнида ғоявий улғайди.

Маяковскийнинг ҳаёт йўли ҳам, ижодий йўли ҳам табиий равишда шоирни революцияга олиб келди. Шунинг учун ҳам Октябрь революцияси ғалаба қозонганда шоир олдида уни қабул қилиш керакми, йўқми деган масала кўндаланг бўлгани йўқ. «Менинг Революциям. Смольнийга бордим. Ишладим. Нима тўғри келса, шуни қилдим», деб ёзади кейинчалик Маяковский «Ўзим» деб номланган автобиографик қайдларида. Революцияни қабул қилиш — ўз истеъдодини революция манфаатларига бахшида этиш, ижодда революцион ғояларни тарғиб этиш, ҳар бир қалбда революцион эҳтиросни алангалатиш мақсадига хизмат қилиш эди.

Маяковский революция билан шеъриятни бир-бирига чамбарчас қўшиб юборди, янги социалистик поэзиянинг ажойиб намуналарини яратди. Шоирнинг совет давридаги ижоди қалам билан социализм ишига хизмат қилишнинг ажойиб намунаси бўлиб қолди. Унинг лирикасида, публицистик шеърларида, сатирасида, пьесаларида, мақола ва очеркларида мураккаб зиддиятларга тўла ва айни чоқда, дунёни янгидан бичиб, миллион-миллион меҳнат одамларининг кўнглига мос қилиб, қайта қуришга киришган одамларга хос романтика ҳукмрон бўлган даврнинг жонли нафаси яққол сезилиб туради. Ишчилар синфи билан якдиллик, унинг манфаатлари учун курашиш, ҳаёт билан ҳамнафаслик, коммунистик идеалларга ишонч ва садоқат Маяковскийни улуғ қилди ва унинг асарларига боқийлик бағишлади. Маяковский ижодининг бу хусусиятларини кўпгина йирик сўз санъаткорлари алоҳида таъкидлаганлар. А. А. Фадеевнинг ёзишича, Маяковский ижодида «жаҳон поэзияси тарихида биринчи марта ўлароқ шеърият билан коммунизм чатишиб, қўшилиб кетди».

Луи Арагон Маяковскийнинг улуғлигини шундай таърифлайди: «Маяковскийнинг улуғлиги — бизнинг совет даври шоирининг, унинг пролетариатининг улуғлигидир. Маяковский поэзияси — инсоният ҳаётидаги мислсиз ўзгаришлар поэзиясидир, у — Революция туфайли ички дунёси ўзгарган инсон поэзиясидир».

Маяковский социалистик реализм адабиётининг асосчиларидан бири сифатида жаҳон поэзиясининг кўпгина жиҳатларини ислоҳ қилган, поэзиянинг моҳиятини, шоирнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янгича талқин этган ва шу билан шеъриятнинг ҳаётийлигини, актив кучини оширган, шеъриятнинг янги уфқларини очган том маънодаги новатор шоир эди. Бир вақтлар танқидчиликда Маяковскийнинг новаторлиги ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, унинг бадиий форма соҳасидаги кашфиётлари, тил ва услубдаги изланишлари, шеърий техника соҳасида жорий қилган янгиликлари назарда тутиларди. Ҳақиқатан ҳам, Маяковский рус шеърининг шаклига жуда катта ўзгаришлар киритди, бироқ улар ҳар қанча муҳим бўлмасин, Маяковский новаторлигининг туб моҳиятини ифодалай олмайди. Санъаткорнинг ҳақиқий новаторлиги фақат юксак ғоявий заминдагина вужудга келиши мумкин. Новаторлик — ҳаётдаги кўникилган нарсаларга, воқеа ва ҳодисаларга, тартибларга, одамларнинг яшаш тарзига янгича муносабатдан, янгича қарашдан туғилади. Бундай янги қараш эса ҳаёт таъсирида, ижтимоий муҳит таъсирида, илғор ва теран дунёқараш асосида пайдо бўлади. Маяковскийнинг новаторлиги ҳам революцион воқелик заминида, рус адабиётининг илғор традициялари заминида шаклланди.

Шоир революциянинг биринчи кунлариданоқ янги тасвир воситаларини қўллай бошлади, онгли равишда шеъриятга жонли сўзлашув оҳангларини, традицион вазнларга сиғмайдиган ибораларни олиб кира бошлади. Шеърият аслаҳахонасини тубдан янгилашга бўлган бу интилишни Маяковскийнинг ўзи шундай изоҳлайди: «...революция миллионларнинг ғудриш лаҳжасини кўчага олиб чиқди, чекка вилоятларнинг лаҳжаси марказий майдонлар бўйлаб оқа кетди... «Идеал», «адолат принциплари», «илоҳий ибтидо», «Исо ва Шайтон алайҳиссаломнинг трансцедентал қиёфаси» каби ресторанларда шивирлаб айтиладиган қуруқшоқ сўзларга бой бўлган зиёлиларнинг заифона тили улоқтириб ташланди. Бу — янги тил уммонидир. Қандай қилиб уни шоирона тилга айлантириш мумкин? «Гулу булбуллар»и бор эски қоидалар, эски вазнлар ярамайди. Қандай қилиб жонли сўзлашув тилини шеъриятга олиб кириш ва жонли сўзлашув тилидан шеърият чиқариш мумкин?»

Маяковскийнинг шеърий шакл соҳасидаги бундай изланишлари янги революцион воқеликнинг руҳини, бўронли йиллар суронини, революцион омманинг кўтаринки кайфиятини шеъриятда ифодалаш заруриятидан туғилган эди. Бошқача айтганда, Маяковский шеъриятни ҳар жиҳатдан революцион воқеликка яқинлаштиришга, уларни бир-бири билан қўшиб юборишга интилди ва бу йўлда катта муваффақиятларга эришди. Шоир учун янги революцион воқеликда шеърга объект бўлишга ярамайдиган, поэзиядан ташқари турадиган биронта ҳам ҳодиса йўқ эди, шунингдек, унинг учун революцияга хизмат қилмайдиган бирон жанр ёхуд шеърий шакл ҳам мавжуд эмас эди.

Маяковскийнинг янгича характердаги лирикаси кундалик воқеалар заминида туғилган бўлиб, ўткир сиёсий йўналишга эга, ошкора синфий характердаги публицистик шеърлар эди. Бу ўринда унинг жаҳонга танилган «Сўл марш» шеърини тилга олмай бўлмайди. Революцион ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бу шеър Октябрни эҳтирос билан олқишлаган, унинг ғалабасини ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишга чақирган, янги дунё барпо этиш зарурлигини тасдиқлаган оташин ҳайқириқ эди. Шеър бевосита революцион матросларга чақириқ шаклида ёзилган бўлса-да, лирик қаҳрамон матрослар орқали бутун халққа мурожаат қилади. Шунинг учун ҳам «Сўл марш» ўша йилларда барча революцион кучларнинг севимли гимни даражасига кўтарилди ва социалистик лириканинг энг яхши намуналаридан бири бўлиб қолди.

Маяковский ундан кейин ҳам сиёсий-публицистик характердаги юзлаб шеърлар яратди. Уларнинг ҳаммаси ҳаётдаги бирон конкрет ҳодиса, воқеа ёхуд факт билан боғлиқ, бирон шахснинг қаҳрамонона ёхуд ватанпарварона фаолиятини акс эттириш асосида туғилган. Бу шеърларда халқ хўжалигини қайта қуриш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқаро аҳволни яхшилаш, маданий революцияни амалга ошириш билан боғлиқ воқеалар акс этган.

Умуман, 20-йилларда мамлакатимиз ҳаётидаги диққатга сазовор қандай ҳодиса бўлса, ҳаммаси бемустасно Маяковский шеъриятида ўзининг бадиий ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Маяковский поэзиясини 20-йилларнинг поэтик тарихи деб аташ мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, Маяковский реал фактлар ва ҳодисалар асосида шеър яратар экан, ҳеч бир ўринда ёлғиз факт доирасида қолиб кетмайди. Фактга қарамлик, воқеа ортидан эргашиб бориш, фақат информация бериш билан чекланиш, эмпиризм Маяковский поэзиясига бутунлай ёт. Аксинча, шоир воқеликдаги ҳар бир ҳодисага коммунистик идеал нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг замиридаги моҳиятни топишга интилади — унинг шеърларида оригинал образлар системаси орқали ҳаёт ҳодисаларини умумлаштириш, ҳаёт фактларини поэтик факт



даражасига кўтариш биринчи ўринда туради. Бу шеърларнинг барчаси энг юксак маънодаги, партиявийлик руҳи билан суғорилган. Худди шу партиявий позиция шоирни синфий курашнинг ҳар жабҳасида поэзиядан унумли фойдаланишга ундаган.

Маяковский янги жамият қуриш ғоят машаққатли, узоқ давом этадиган мураккаб жараён эканини, бунинг учун ҳаётдаги турли-туман иллатларга, эски дунёдан мерос қолган қусурларга, янги пайдо бўлаётган нуқсонларга қарши актив кураш олиб бориш кераклигини ҳам яхши билади. Унинг назарида ҳақиқий совет шоири жамият ривожига халақит берувчи ҳар қандай иллатга қарши муросасиз курашувчи жангчидир. Шунинг учун Маяковский сатирик поэзияга ҳам мурожаат қилади ва бу жанрда кўплаб асарлар яратади. Маяковский сатирасининг кучи нечоғлик ўткир эканини тасаввур қилиш учун унинг биргина «Мажлисбозлар» шеърини эслаш кифоя. Маълумки, 1922 йилда ёзилган бу шеърни доҳиймиз В. И. Ленин жуда юксак баҳолаган ва унинг сиёсий жиҳатдан тўғрилигини таъкидлаган эди.

Маяковский поэзиясининг барча фазилатлари унинг «Владимир Ильич Ленин» ва «Жуда соз» каби шоҳ асарларида ўзининг тўлиқ мужассамини топди. Бу икки достонни том маънода революцион эпоснинг ажойиб намуналари деб баҳолаш мумкин. Бу достонлар жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан мангу ўрин олди.

Ленин темаси шоирни революциянинг биринчи кунлариданоқ қизиқтириб келган. В. И. Ленининг вафоти, 1924 йил январидаги умумхалқ мотами шоирни қаттиқ ларзага солади. Шоир буюк доҳий ҳақида билганларини саралайди, уни таниган одамлар билан суҳбатлашади, архив материалларидан ўрганади ва 1924 йилнинг кузида достонни ёзиб тугатади. Достоннинг биринчи бетига «Россия Коммунистик партиясига бағишлайман», деган сўзлар ёзилган эди. Ҳақиқатан ҳам, бу достон коммунистик партиянинг эксплуатацияга, чоризм тузумига қарши олиб борган қаҳрамонона революцион курашининг бадиий тарихи бўлиб қолди. Шоир «Ленин» ва «партия» тушунчаларини эгиз, оғайни деб қарайди ва Ленин сиймосида Коммунистик партиянинг жамики фазилатларини умумлаштириб беради. Айни чоқда, шоир Ленинни инсон сифатида кўрсатишга, унинг портретини, характерини, психологиясини зўр маҳорат билан ифодалашга муваффақ бўлган. Энг муҳими шундаки, Маяковский достонининг кўлами бу буюк мавзу кўламига мос келади.

Владимир Маяковский учун Ленининг тарихан яхлит ҳаққоний образини яратиш унинг фаолиятининг моҳиятини англаш билан, ленинизмнинг инсоният тақдиридаги ролини идрок этиш билан баробар эди. Шунинг учун ҳам шоир достонида Ленин биографиясининг фактларини баён қилиш билан чекланмайди, айни чоқда, у Ленининг ишларини жаҳон тарихи кўламида таҳлил қилишга, уларни Россия тарихи билан узвий боғлаб кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга, достонда Ленин мавзуи шоирнинг шахсий мавзуидай, қалбига энг яқин мавзудай очилади. Бу эса достонда лирик ибтидо билан эпик ибтидонинг табиий равишда чамбарчас қўшилиб кетишини таъминлаган.

Шоирнинг «Жуда соз» ва «Ҳайқириқ» достонлари ҳам социалистик ватанпарварлик туйғулари билан суғорилган асарлардир. «Жуда соз» Октябрь революциясининг ўн йиллиги муносабати билан ёзилган. Унда шоир ватан темасини революция ва коммунистик келажак мавзулари билан бирга ҳал қилади. Бу поэмада ҳам ижтимоий-тарихий мотивлар шахсий мотивлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Лирик қаҳрамон жангларда ва меҳнатда туғилган республикани, унинг ютуқларини, ғолибона қадамларини ҳудудсиз қувонч билан беҳад завқланиб тасвирлайди. 1930 йилда ёзилган «Ҳайқириқ» достони эса коммунистик жамиятга бағишланган бўлиб, унда шоир бевосита келажак авлодларга мурожаат қилади. Айни чоқда, бу достон шоирнинг ишчи сифатидаги ўрни ҳақидаги асардир. Шоир ўзининг курашчи бўлганини, революция солдати эканини ғурур билан таъкидлайди ва мешчанлик поэзиясини инкор этиб, ҳақиқий шоир ижодида замонасининг энг илғор ғоялари ифодаланиши зарурлигини, шоир агитатор, бош жарчи бўлиши кераклигини тасдиқлайди. Шундай шоиргина замонлар оша келажак авлодлар билан юзмаюз гаплашишга ҳақли:

Тингланг,
эй келгуси авлод ўртоқлар,
агитатор, бош жарчининг
ҳайқиригини.
Шеърий селнинг шовқинини босиб,
албатта.
Лирик томчалардан ҳатлаб ўтарман.
тириклай
тириклар билан суҳбатда
коммунистик узоқларга
бориб етарман.

Маяковскийнинг бу достонлари ҳам унинг лирикаси, сатираси, комедиялари, очерклари каби совет адабиётининг нодир намуналари бўлиб қолди. Улар революцион жўшқинлик, юксак гражданлик нафаси билан суғорилган бўлиб, шеъриятда чинакам партиявийлик ва халқчиллик байроғини юксакларга кўтарган асарлардир.

Маяковский совет даврида атиги ўн уч йил ижод қилди. Бироқ шу қисқа муддат ичида у ғоят бой ва ранг-баранг адабий мерос яратди. Бу ижод революцион воқелик, социалистик қурилиш тажрибаси адабиёт учун, шеърият учун ҳудудсиз уфқлар очишини, ижодкорлар учун чекланмаган имкониятлар яратишини кўрсатади. Бу имкониятлар Маяковскийники сингари улуғ истеъдодлар билан бирлашса ва шоир замонга хизмат қилишни, коммунистик идеалларга садоқатни байроқ қилиб олса, унда жаҳон поэзиясининг олтин заварақларини ташкил этувчи шеърият майдонга келади.

* * *

Маяковский асарлари ўзбек тилига 30-йилларнинг бошидаёқ таржима қилина бошлаган. Шоирнинг ўзбек тилида босилган биринчи йирик асари «Ҳайқириқ» бўлиб, уни Ғафур Ғулом таржима қилган. Шундан сўнг Маяковскийнинг «Шеърлар», «Комсомол марши», «Зарбдор бригадалар қўшиғи» каби китоблари чиқди. Бу уч китоб 1932 йилда нашр этилган бўлиб, уларнинг таржимони Шукур Саъдулла эди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб, Маяковский асарларининг таржимасига Мақсуд Шайхзода ҳам ҳисса қўша бошлайди. 1939 йилда унинг таржимасида «Владимир Ильич Ленин» достони босилди. Бу достон 1974 йилда иккинчи марта нашр этилди.

Улуғ Ватан уруши авжи қизиб турган 1942 йилда Мақсуд Шайхзода «Маяковский ҳайқиради, Маяковский чақиради» деган тўпламни, 1948 йилда эса «Икки достон» китобини эълон қилади. Бу китобга «Владимир Ильич Ленин» достонидан ташқари «Жуда соз» поэмаси ҳам кирган. Булардан ташқари, Маяковскийнинг болалар учун ёзган шеърлари ҳам ўзбек тилида уч марта нашр этилган. 1954 йилда Асқад Мухтор «Владимир Ильич Ленин» достонини янгидан таржима этиб, эълон қилди. Ниҳоят, 1956 йилда шоирнинг шеърларидан ташқари «Владимир Ильич Ленин», «Жуда соз», «Ҳайқириқ» достонларини ва «Мен кашф этган Америка» очеркини ўз ичига олган «Танланган асарлар»ни босилди. Ҳозирча бу китоб улуғ шоирнинг ўзбек тилидаги энг йирик китоби бўлиб, уни барпо этишда Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Жуманиёз Жабборов, Султон Акбарий, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат каби шоирларнинг хизмати катта бўлган. Китобга «Яхши нимаю, ёмон нима» шеъри Ғафур Ғулом таржимасида киритилган. «Мен кашф этган Америка» эса Н. Ҳабибуллаев таржимасида берилган. 1982 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти «Дўстлик кутубхонаси» сериясида Владимир Маяковскийнинг «Оқ ва қора» китобини эълон қилди. Унга шоирнинг илгари ўзбек тилида эълон қилинмаган асарлари киритилган. Бу китобни вужудга келтиришда тўпловчи ва таржимон Миразиз Аъзамнинг катта меҳнати сингган.

Шу пайтга қадар ўзбек тилида Маяковскийнинг ўн тўртта китоби босилди. Шу фактнинг ўзиёқ ўзбек китобхонининг буюк шоир ижодига қизиқиши доимий эканидан далолат беради. Бу — табиий, чунки Маяковский ўзбеклар учун ҳам аллақачонлардан бери ардоқли ва севимлидир.

Республикамиз жамоатчилиги барҳаёт санъаткор — СССР Давлат мукофотлари лауреати, СССР халқ артисти Мукаррама Турғунбоева туғилган кунининг 70 йиллигини ва «Баҳор» ансамбли ташкил топганлигининг 25 йиллигини кенг нишонлади.

Суратда: «Баҳор» Ашула ва рақс ансамбли раққосалари «Гулдаста рақсини ижро этмоқдалар.

А. Рисқиев фотоси (ЎзТАГ)

САДОҚАТ

Отаулла ОҚИЛОВ,
медицина фанлари доктори, профессор

Босит Охунжонов медицина институтини тамомлаб, клиникада иш бошлаган кезлари эди. Тун яримдан оққан... Клиникадаги беморларни кечки кўрувдан ўтказди. Кейин операция қилинган икки оғир беморнинг жароҳатини қайта боғлаб, ўз хонасига кирган, ҳориб чарчаганини сезди. Юмшоқ ўриндиққа ўтириб, бироз дам олди. Навбатчи ҳамшира кириб, ёрдам машинасида оғир бемор келтирилганини айтди.

Навбатчилик қилаётган Охунжонов ўрнидан туриб, совуқ сувга юзини ювди, сўнгра қабулхона томон зудлик билан юрди.

Беморнинг қорнида ханжар санчгандек оғриқ пайдо бўлганди. Бетўхтов кўнгли айниб, қайд қилаверибди, анча ҳолсизланган эди. Врач синчковлик билан беморни текшириб кўрди. Кейин қонидан анализга олишни тегишли ҳамшираларга буюрди. Натижа оқ қон таначаларининг саноғи нормадан икки баравар ортиб кетганини кўрсатди. Аппендицит, яъни кўричак ўсимтаси қаттиқ яллиғланганди. Тез операция қилиш лозим!..

Доктор шундай хулосага келди. Лекин... Ёш жарроҳни иккиланишга мажбур этган омил, шу пайтгача касални кузатган бошқа врачларни ҳам тўғри муолажадан чалғитган ҳол — беморнинг қорин терисида аввалги шу хил операциядан қолган чандиқ эди. Бемор уч йил бурун шаҳар касалхоналаридан бирида операция бўлганини айтиб берди. Вақт зиқ эди. Лекин иккиланишга ҳам асос бор эди... Миясида қарама-қарши фикрлар кечган Босит Алиевич, ярим тун бўлса-да, клиника мудири, ўз устози — Лев Доминикович Василенкога телефон қилди. У шогирдининг ахборотини тинглаб:

— Босит Алиевич, эҳтиёт бўлинг... Яхшиси эрталабгача кутинг, бирга кўрамиз,— деди.

Охунжонов хомуш тортиб, бемор ётган палатага кирди. Яна синчиклаб уни кўрди, ўз мулоҳазаларини касаллик аломатлари билан солиштириб чиқди: иккиланишга ўрин йўқ. У ўзида қандайдир журъат сезди. Беморни операция хонасига олишга буюрди. Қўлларини ювиб, ўша бемор қорнидаги аввалги кесма устидан терини, мушак ва қорин пардаларини кесиб, қорин бўшлиғини текшира бошлади. Йўқ, у кўп ахтармади. Ташқи пардаси худди пиёз пўстидек юпқалашган, йирингланиб кетган чувалчангсимон ўсимта лўп этиб кўзига ташланди. Жарроҳ уни эпчиллик билан кесиб ташлади...

Бемор хийла тин олди, руҳи тетиклашиб уйқуга ҳам кетди. Шу дам жарроҳ ўта чарчаганлигини сезди, лекин тонг отган, клиникада янги иш куни бошланган эди. Кўп ўтмай, профессор Василенко кўринди, у ўз хонасига ҳам кирмай, ассистентлар хонасида ечиниб халат кийди. У операция бўлган беморни кўрди. Шогирди, ёш жарроҳ Босит эса бемордан кесиб олинган ва яллиғланиб ўтиб кетган ўсимтани кўрсатди.

Тошкентдек шаҳри азимда бундан 25-30 йиллар муқаддам қизилўнгач соҳасида «қил тамоқ» боисидан ўтказиладиган оғир операцияга фақат икки-уч журъатли жарроҳларгина қўл урганлар. Кишида ёмон ўсма ёки куйиш оқибатида қизилўнгачдан овқат ўтмай, «қил тамоқ» бошланганда, шу беморнинг ичагидан сунъий қизилўнгач ясаб, унинг ҳаёти сақлаб қолинган.

Ўшанда табиатан камгап устози шогирдига қараб:

— Раҳмат, Босит Алиевич, энди мен хотиржам бўлсам бўлаверади. Сизнинг шифобахш қўлларингиз жарроҳликда мўъжизалар яратишга қодир,— деди.

1941 йил... Мамлакатимизга гитлерчи фашистлар хиёнаткорона ҳужум қилганларида, энди 10-синфни тамомлаган Босит ўз тенгқурлари қаторида қалб амри билан фронтга отланди. У Ғарбий фронт қўшинлари составига бориб қўшилди. Ротанинг сиёсий ишлари бўйича командир ўринбосари сифатида Калуга шаҳрини озод қилишда қатнашди. 1942 йил Курск шаҳри бўсағасидаги жангларда Босит яралар бўлди. У госпиталда даволанар экан, ҳарбий жарроҳларнинг мўъжизавий қўлларига ҳавас билан қаради. Ўшанда урушдан омон қайтса, албатта шифокор — жарроҳ бўлиш истагини кўнглига тугиб қўйди.

...Тиббиёт илмига ҳавас уни Тошкент Медицина институтига ўқишга етаклади. 1949 йилда Босит Охунжонов институтни имтиёзли диплом билан тамомлагач, шу илм даргоҳининг клиник ординатурасида қолдирилди. Сўнгра аспирантурада ўқиди.

1949 йили Босит Алиевич ҳаётида яна бир унутилмас воқеа содир бўлди. Шонли Ленин партияси сафига қабул қилинди. У коммунист деган шарафли номга бутун умр содиқ қолишга аҳд қилди. Партиямиз коммунист Босит Алиевичга юксак ишонч билдирди. У қарийб ўн йил давомида Узбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлим бошлиғи ўринбосари, сўнгра Маъмурий органлар бўлимининг мудири бўлиб ишлади. У аввало маъмурий органларда интизом, юксак тартибот ўрнатиш, совет кишисининг дахлсизлигини муҳофаза қилишда ибратомуз ишлар қилди. Андижон шаҳрида Медицина институтини ташкил этиш, Тошкент шаҳрида «Пахтакор» марказий стадионини битказиш каби кўплаб хайрли ишларда партия ходими сифатида Босит Охунжонов яхши ташаббус кўрсатди.

1963 йил. Самарқанд. И. П. Павлов номидаги Медицина институтининг илмий совети диссертант Босит Охунжоновга медицина фанлари кандидати илмий даражасини беришга қарор қилди. Қувончли томони шунда эдики, Иттифоқимизнинг машҳур олимлари, академиклар Б. В. Петровский, Б. А. Петров ва М. В. Волков ёш ўзбек олимининг ишини юксак баҳолаб, илмий советга тақриз йўллаган эдилар.

1961—1963 йиллар Босит Алиевич Охунжонов Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Ортопедия ва травматология илмий текшириш институтининг директори вазифасида ишлади.

Шарқ тиббиёт илминнинг асосчиси ва фахри Абу Али ибн Сино давридан тортиб токи яқин-яқинларгача назарий ва амалий медицинада бир ҳақиқат борки, одамда жигар ягона аъзо бўлиб, усиз яшаш мумкин эмас. Шифокорлар орасида бу аъзо касалланганда аввало парҳез, қолаверса доридармон қилинмоғи керак. Лекин асло унга тиғ текказиб бўлмайди, деб ҳисоблаб келишарди. Ҳикоямиз қаҳрамони бу соҳада ҳам мўъжиза яратди. Бу муаммо унинг докторлик диссертациясида ўз ўрнини топди.

Кандидатлик диссертацияси билан Босит Охунжонов, академик Б. В. Петровскийнинг назарига тушганлигини биз юқорида қайд қилгандик. 1969 йил июнь ойида Б. А. Охунжоновни шошилинч равишда республика соғлиқни сақлаш министри, профессор Қ. С. Зоиров ўз ҳузурига чақиртириб, уни Иттифоқ министри Б. В. Петровский йўқлаётганлигини айтади ва дарҳол Москвага илмий сафарга йўлланма беради. Эртасигаёқ у пойтахтга етиб бориб, академик Б. В. Петровский қабулида бўлади. Борис Васильевич ўзи бошчилик қилаётган Бутуниттифоқ Хирургия илмий марказининг етакчи олимлари ҳузурида Босит Охунжоновнинг илмий ишлари билан қизиқади. Аввало, академик Б. Охунжоновнинг кандидатлик диссертациясини янада кенгайтириброқ давом эттиришни тавсия қилади.

Ўзбек жарроҳи устоз фикрини қониқиш билан эшитади. Лекин у ўзида пишиб етилган янги илмий масалаларни ҳам ўртага ташлайди. Кейинги беш йиллар ичида у бир неча касалларда, меъданинг хавфли ўсмаси ва унинг асорати ўлароқ жигар ўсмаси устида текшириш олиб борганини ва жигарнинг гардишини понасимон шаклда кесиб олиб ташлаганда қайта тикланиши мумкинлигини ҳикоя қилади. Бу борада ўзи ишлаб чиққан махсус операция усулини устозига қоғозда чизиб кўрсатади. Бу илмий методни у аввало бир неча юзлаб тажриба ҳайвонларида текшириб чиққанлигини, сўнгра одамларда қўллаганлигини айтади. Эртасигаёқ мазкур операцияни шу институт лабораториясида бир неча каламушлар воситасида кўрсатади. Москвалик олимлар, хусусан, Иттифоқимиз жарроҳларининг сардори Б. В. Петровский Босит Охунжоновнинг илмий таклифидан қониқиш ҳосил қилади ва унинг докторлик диссертациясига илмий консультант бўлишга розилик беради... Тошкентлик олимнинг диссертация мавзуси мазкур илмий марказ олимлари советида тасдиқ этилади.

...Яна ўқиш, изланиш, бедор тунлар. Жарроҳлар учун тиббиёт тарихида тиғ ман этилган аъзода олим ҳар куни операция олиб боради. Каламушлар, итларда ўтказилган тажрибалар яхши натижалар беради. Олим ўзи ишлаб чиққан жигарни тикиш усулини кенг қўллай бошлайди; операциядан сўнг қон кетиш ёки бошқа салбий асоратлар кузатилмайди.

Маълумки, медицинада жигарда вирусли юқумли касаллик уни биринчи илмий исбот қилган рус олими Сергей Боткин номи билан юритилади. Бу касалликка чалинган бемор нотўғри даволанса, парҳез қилмаса, жигар бужмайиб, кичрайиб қолади. Буни жигар циррози дейилади. Жигар циррози муттасил ичкилик истеъмол этувчиларда, баъзи сабаблар билан организм заҳарланганда ҳам содир бўлади. Ҳали-ҳалигача бу дард чорасиз туюларди. Босит Охунжонов ишлаб чиққан ушбу метод жигардаги бу касалликни ҳам муваффақиятли даволаш мумкинлигини кўрсатди. Ҳозирда Босит Алиевич ўзининг шифобахш наштари билан бир юз элликдан ортиқ касалнинг жигарини муваффақиятли операция қилди. Бу аъзода қайта тикланишни тезлатувчи моддалар — стимуляторлар ҳам қўлланди.

Орадан яна ўн йил ўтди. 1979 йил. Қаҳратон қиш. Февраль. Олим яна Москвада. Бутуниттифоқ Хирургик марказнинг илмий совети унга бир овоздан медицина фанлари доктори илмий даражасини беришга қарор қилди. Ўша йилиёқ у юксак — профессорлик илмий унвонига ҳам эга бўлди.

Мана ўттиз тўрт йилдан ошдики, Босит Охунжонов Тошкент Давлат медицина ва Ўрта Осиё Ме-

Медицина фанлари доктори, профессор Б. А. Охунжонов.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш учун кураш ишимизнинг ғоят муҳим бўғинидир. Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракати — ҳар бир коллективнинг, олимлар ва мутахассисларнинг куч-ғайратлари мана шунга қаратилмоғи лозим.

КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленуми материалларидан

Раҳмонберди ака янги ташкил этилган совхознинг аҳволи билан танишиб чиқдию, боши берк кўчага кириб қолгандек ўй суриб кетди. Техникумга раҳбарлик қилиш қаёқдаю, камқувват хўжалик ташвиши қаёқда. Уни бирданига уддалаш қийин...

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, умуман, пахтачиликни интенсив ривожлантириш... Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча ишларни бажариш зарур. Чорвачиликнинг аҳволи эса жуда оғир эди. Бу тармоқ фойда келтириш у ёқда турсин, бошқа тармоқлардан келаётган даромадни ҳам кемираётгани маълум бўлди. Наслчилик ҳақида биров ўйлаб ҳам кўрмаганга ўхшайди. Маҳсулдорлик камайиб кетган. Мана шу долзарб ишларнинг ҳаммасига баравариға тез суръат ва шиддат билан киришиш лозим эди. Раҳмонберди ака шу хусусда ўй сурарди.

«Изланиш, резервларни ишга солиш керак. Бусиз ташвишли ҳолдан қутилиб бўлмайди». Янги директор шундай қатъий ният билан ишга киришди. Совхоз зарбдор фронтга айланди. Бу тармоқдаги кадрларни саралаш, жой-жойига қўйиш, объектлар қурилишини жадал бошлаш, алмашлаб экишга тўла ўтиш асосида ем-хашак базасини вужудга келтириш ишлари қизиб кетди. Бир йил ичида барча чорвачилик бинолари реконструкция қилинди, 2 та озуқа цехи, 2 та дағал хашакларни майдаловчи цех, 1 та буғланма цех қурилди, 5 минг тонна силос бостириладиган махсус ўра қазилиб ишга туширилди. Чорвачиликдаги ҳамма ишлар механизмлаштирилди. Шунингдек, қочириш пункти ташкил этилди. Сигирларни 100 процент сунъий урчитиш йўли билан қочириш йўлга қўйилди, подадаги моллар сифатини яхшилаш имконияти яратилди. Аввалларн бузоқларнинг 20—25 проценти нобуд бўларди. Бундай камчиликларга чек қўйиш мақсадида наслчиликка оид ҳужжатлар аниқ ва пухта юритиладиган бўлди. Масалан, қайси сигир ёки ғунажиннинг қачон сунъий урчитишга қўйилганлиги, наслнинг неча ойлик бўлганлиги — ҳаммаси назорат остига олинди. Бу тадбирлар озуқа рационини тўғри белгилашда ва ҳайвонларни яхши боқишда самаралар бермоқда. Мана шу изланишлар туфайли совхозда қора-ола зот моллар швед зотига чатиштирилиб, янги насл яратилди. Бу наслнинг афзаллиги шундаки, буқаларнинг тирик вазни 450—460 килограммга етяпти, сигирларидан эса йилига ўртача 3 тоннага етказиб сут соғиб олинаётир. Шу йўл билан хўжаликда гўшт ва сут етиштириш ортиб бормоқда.

«Комсомол 60 йиллиги» совхози бир неча йилдан бери республика Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари билан ҳамкорлик қилаётир. Янги наслни яратишда, шубҳасиз, институт олимларининг ҳиссаси катта. Совхозда ҳамкорлик йўли билан озуқа цехи ҳам ташкил этилди. Унда дағал хашаклар ва ғўзапоя майдаланиб аралаштирилади, сўнгра димиқтирилади. Керак бўлса, мана шу турли хашаклар унга айлантирилади, ширали озуқа қўшилиб, тўйимли ем тайёрланади.

Совхоз чорвадорлари ўз ишларида Гомель ва Қрим областлари чорвадорларининг тажрибаларидан ҳам фойдаланмоқдалар. Совхоз бош зоотехниги Маҳаммаджон Исохонов мазкур областларнинг чорвадорлари ҳузурида бир неча марта бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўрганиб қайтди. Масалан, Гомель областида озуқа ширадорлигини ошириш цехлари бор. У ерга ғўзапоя намунаси юборилиб, унинг ширадорлиги лабораторияда анализ қилинди. Ғўзапояда ширадорлик даражаси жуда яхши экан. Демак, унинг воситасида озуқа ширадорлигини кескин ошириш мумкин. Бунинг учун махсус цех қуриш керак. Шу кунларда совхозда ана шундай цех қуриляпти. Келаси йилдан бошлаб совхоз чорваси учун ғўзапоя озуқа ширадорлигини ошрадиган модда сифатида ишлатилади...

Чорвачилик институти олимларининг тавсияси билан поток-цех усулини қўллаш натижасида совхозда сут етиштириш бир йилда 15—20 процентга кўпайди.

Озиқ-овқат программаси амалда

Сут етиштиришнинг поток-цех усулига асосан узоғи билан 10—15 кун оралиғида бузоқлаган сигирлар бир группага ажратилади. Бу сигирларнинг бузоқлари ҳам алоҳида группада боқилади. Бир муддатда соғинга кирган сигирлар битта соғувчига биркитилади. 11 ойда сигирлар сут беришдан тўхтайди. 12-ойда соғувчи отпускага чиқади. Бу пайтда бошқа группаларда сут соғиб олиш давом этаверади. Поток-цех усули сут соғиб олиш ёзин-қишин муттасил кўпайиб боришини, рацион тузиш, молларни озиқлантириш, сунъий қочириш ишларини маълум тартибга солиб туради. Яъни биринчи, иккинчи группадаги сигирлар соғиндан қолганда учинчи, тўртинчи группалардаги сигирларда соғиш даврининг иккинчи ярми бошланади. Бешинчи, олтинчи группадаги сигирларда эса эндигина соғин даври бошланган бўлади. Бу даврларда соғин сигирлар озуқа рациони 9—10 озуқа ўрнига 11—12 озуқа бирлигини ташкил этади.

Бундан икки йил муқаддам чорва моллари учун ем-хашак сотиб оладиган хўжалик эндиликда мустаҳкам ем-хашак базасига эга бўлди. Биргина кейинги қишлов учун бир ярим йилга етадиган озуқа жамғарилди, яъни қишлов учун 2,5 минг тонна озуқа бирлиги тайёрланди.

Хўш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги қандай қилиб кескин суратда оширилди? Совхоз мутахассислари Наманган область Уйчи районидги «Қизилровот» тажриба хўжалигида бўлишиб, беда ва оралиқ экинларидан юқори ҳосил етиштириш йўлларини ўрганишди. Улар Қўрғонтепа районидаги машҳур маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодировнинг тажрибаларини ҳам ўрганиб келдилар. Бу илғор тажрибалар Ўзбекистон Чорвачилик илмий-текшириш институти олимлари билан ҳамкорликда кенг жорий этилмоқда.

Илгарилари ҳар гектар эски бедапоядан 150—160 центнердан, янги бедапоялардан эса 110—120 центнердан пичан олинар эди. Эски бедапоялар эрта баҳорда фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилди, сифатли чизелланди, ўз вақтида суғорилди. Биринчи ўримдан кейин ҳар гектар майдонга 50 килограммдан азотли ўғит берилди, қайтадан чизелланди. Беда зараркунандаси бўлган фитономусга қарши зарурий химикатлар қўлланилди. Булардан ташқари, аввалларн беда ўрилгач, бир ҳафта давомида қуритиларди. Икки йилдан бери эса совхозда беда силоси тайёрланяпти. Ўрилган беда пешма-пеш ташиб, махсус цехда майдаланади ва кўкатлигича силос қилинади. Натижада беда аввалгидай 4 марта эмас, 5 марта ўриб олиняпти. Ҳар гектардан 220 центнердан ошириб озуқа тайёрланаяпти. Совхозда оралиқ экинлардан ҳам яхши ҳосил ундирилмоқда.

Хўжалик маккажўхори етиштиришда ҳам ўз тажриба мактабига эга. Совхоз янги ташкил қилинган йили бир гектар майдондан 40 центнер маккажўхори дони, 200 центнерга яқин кўк масса олган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич икки бараварга кўпайди. Маккажўхори экилган 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 81 центнердан дон, 550 центнердан кўкат йиғиштирилди.

Хуллас, янги изланишлар туфайли совхозда чорва моллари туёқ сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш, мустаҳкам озуқа базаси яратиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, тежамкорлик каби муҳим вазифалар комплекс тарзда ҳал этилиши натижасида чорвачилик икки-уч йил ичида рентабелли тармоққа айланди.

Совхозда йилига ҳар юз бош совлиқдан 115—120 тадан қўзи, ҳар юз бош сигирдан 90—95 тадан бузоқ олинмоқда. 1982 йилда хўжалик чорвадорлари давлатга 95 тонна гўшт, 495 тонна сут, 63 минг дона тухум топшириб, бу соҳадаги топшириқларни орттириб адо этдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил Май ва Ноябрь пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX Пленуми қарорларини ана шундай амалий, самарали изланишлар билан бажараяптилар. Улар мустаҳкам интизом, ўз-ўзига талабчанлик ютуқлар омили эканлигини ҳис этган ҳолда меҳнат қиляптилар.

— Хўжалигимизни улкан илмий лабораторияга ўхшатса бўлади,— дейди совхоз директори Раҳмонберди Худойбердиев,— чинакам изланишлар, илмий хулосалар ва илғор тажрибаларни кенг жорий этиш натижасида экономикамизни мустаҳкамлашга, қишлоқ турмуш маданиятини кўтаришга эришдик. Ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб чорвачилигимизни тўлалигича саноат негизига кўчирамиз. Ўшанда чорвачиликда банд бўлган ишчи кучлари тенг ярмига қисқаради, улардан бошқа тармоқларда фойдаланиш имконигига эга бўламиз. Барча турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳам икки бараварга кўпаяди.

Ҳа, изланганлар ҳамиша илгарилаб бораверадилар. Раҳмонберди Худойбердиев район партия комитетининг ишончини оқлади. Зеро, ҳаётимизнинг ўзи омилкорлик билан бошқаришни тақозо этаяпти.

Абдухалил ҚОРАБОЕВ

Андижон область.
Марҳамат райони

дицина-Педиатрия институтларида доцент, профессор, кафедра мудири бўлиб ишлаб келмоқда. Моҳир профессор бўлажак шифокорларга сабоқ ҳам бермоқда. У — жарроҳлик соҳасида олтмишдан ортиқ илмий рисолалар муаллифи.

Босит Охунжонов илмий педагогик даволаш ишларини катта ҳажмдаги жамоат ишлари билан бирга олиб бормоқда. У — талабчан устоз, қўли гул шифокор, принципиал, ғайратли олим. Босит Алиевич Охунжоновнинг Ватан мудофааси, тиббиёт илми равнақи, шифокорлар тайёрлаш борасидаги ҳалол хизматини партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари, кўплаб медаллар безаб турибди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач», «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси» деган унвонлар берилди. Институт коммунистлари юксак ишонч билдириб, уни бир неча йиллар мутасил институт партия комитетига аъзо қилиб сайладилар.

Умрининг олтмиш баҳорини қаршилаётган, ҳали йигитлардек бардам, ажойиб коммунист, моҳир жарроҳ, меҳрибон устоз Босит Охунжоновнинг янги орзу-умидларига тилакдошмиз.

ГЕОРГИЙ МАРКОВ — УЛКАН ҚАЛАМ СОҲИБИ

АТОҚЛИ совет ёзувчиси Георгий Мокеевич Марковнинг ижоди ажойиб ички бир оҳангга эга бўлиб, барча асарлари бир-бири билан узвий боғланиб кетган, шунинг натижасида улар ягона бир насрий туркумни ташкил этгандай туюлади. Бу уйғунлик Сибирь тайгасининг (ёзувчи Томск областида туғилган) болалик тасаввурида ўчмас из қолдирган манзаралари ва ҳаётда рўй берган ўзгаришларнинг хотирада абадий муҳрланган таассуротлари туфайли юзага чиққан бўлса, ажаб эмас. Ёзувчининг барча китоблари рус халқи тақдири, Ватан тақдири ҳақидаги ўй-мушоҳадалар ифодасидир. Бу асарларда адибнинг жонажон юрти Сибирь ўзининг ўтмиши, бугуни, келажаги билан яққол намоён бўлади. Дарвоқе, Улуғ Октябрь революцияси туфайли Сибирь осмони ҳам нурга чулғанди. Эндиликда унинг бепоён бағрида улкан социалистик ўзгаришлар содир бўлаётир. Сибирь битмас-туганмас хазиналарини элу юртга тортиқ этмоқда. Бу мавзу ёзувчининг идрокини ҳам, қалбини ҳам ҳаяжонга солиб, ижодий тафаккурига зиё бағишлайди, борлиғини илҳом оғушига тортади. Адиб инқилобий Сибирнинг туғёнли ҳаётини қаламга олар экан, бутун истеъдодини она юртининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги ўзгаришларни бадиий тадқиқ этишга йўналтиради. Бинобарин, Георгий Марковнинг ҳамма романлари халқ озодлиги йўлидаги тарихий кураш пафоси билан, ҳаётни революцион тарзда қайта қуриш, янги социалистик маънавий бойликларни яратиш, инсонпарварлик ғояларини тасдиқлаш учун кураш пафоси билан суғорилган. Автор ўз ижодида Октябрь революцияси ва гражданлар уруши даври, оғир кечган коллективлаштириш йиллари, урушдан кейинги социалистик бунёдкорлик даврини тасвирлаб берар экан, бу ижодий ғояни моҳирлик билан амалга оширади. Мана шу тарихий воқеалар оқимлари унинг «Строговлар», «Оталар ва болалар», «Ер мағизи», «Сибирь» романларида бир ўзанга келиб қуйилади.

Георгий Марков совет адабиётининг муҳим масалаларидан бири — инқилоб мавзусига бугунги кун юксаклигидан туриб доимий суратда мурожаат этадиган ёзувчилардандир. Маълумки, совет ёзувчилари ўтган йиллар воқеаларини давр ва тарихий тажриба чўққисидан идрок этишга интиладилар. Шу йўл билан улар қаршисида тарихий роман жанрига боғлиқ янги имкониятлар очилади. «Ҳозирги ва ўтган кунларни яхлит ва уйғун ҳолда синтетик идрок этиш»га интилиши туфайли совет ёзувчисининг бадиий тафаккури янги поғонага кўтарилди, «ўтмиш кунлар» воқеаларига янгича ёндошиш йўлларини юзага чиқарди. Реалистик санъатнинг эстетик системасида баъзи бир жараёнларнинг бойиганлиги, бадиий тафаккурда тарихийликнинг чуқурлашганлиги совет адабиётининг самарали тараққий этишини таъминлаган омиллардандир. Социалистик реализмнинг муҳим принциплари шаклланиши жараёнида тарихий роман ҳам ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги бугунги кунда исботлашга муҳтож эмас.

Тарихни объектив илмий таҳлил қилиш, синфий қарама-қаршиликлар диалектикаси асосида шахс ва халқ проблемасини марксча-ленинча ҳал этиш асосидагина тарихий роман жанрида конкрет тарихий ёндошишнинг ўзига хос белгилари ёрқинроқ намоён бўлади. Совет халқи эришган барча ютуқлар революция туфайлидир, деган фикрнинг идрок этилишида тарихий жанрдаги асарларнинг хизмати каттадир.

1916—1917 йиллардаги тубдан бурилиш даврига бағишланган «Сибирь» романи ҳозирги ҳаёт билан чамбарчас боғланганлиги туфайли юксак ва оташин гражданлик руҳ касб этган. Муаллиф бу ўлка тарихидаги етакчи тенденцияларни илғайолган. Китоб ғояси ва образларида ҳозирги даврнинг ижтимоий проблемаларига тааллуқли қатор масалалар ҳам қаламга олинади. Романнинг бош қаҳрамонларидан — толмас олим, Сибирь кенгликларининг илк тадқиқотчиларидан бири Венедикт Петрович Лихачев умрининг сўнгги дамларида кундалигига шундай деб ёзади: «Ким ва қайси бир ижтимоий қатлам Сибирь ишлаб чиқариш кучларини ҳаракатга солиб, унинг кенгликларига ҳаёт келтириши ва Михайло Ломоносовнинг «Россиянинг қудрати Сибирь билан юксалади», деган доҳиёна васиятини амалга ошириш қудратига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида тобора кўпроқ ўйга чўмаман. Қанчалар изланмайин, қанчалар чамаламай, фа-

Дўстлар учрашуви. (Ўнгдан) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил ЯШИН, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Назир САФАРОВ, СССР Ёзувчилар союзи правленесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Георгий МАРКОВ, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотн лауреати Одил ЁҚУБОВ.

С. Маҳкамов фотоси

МУРАББИЯ

Суратда: Олия Иброҳимова пионерлар даврасида.

Бундан уч йил муқаддам Тошкентдаги Хадра майдонининг кун чиқиш томонида, Фурқат кўчасида қадимий обидаларни эслатадиган гўзал, муҳташам бино қад кўтарди. Партия ва ҳукуматимиз қарийб ўн миллион сўмга яқин маблағ сарфлаб ёш авлод учун Республика пионер ва мактаб ўқувчилари Саройини қуриб берди. Саройга В. И. Ленин номи берилди. Пойтахт мактабларидаги минглаб ўқувчилар бу ерда икки юз элликдан ортиқ тўгаракка қатнашади. Саройда шеъриятдан тортиб, космонавтикагача, каштачиликдан самолётсозликкача, наққошликдан шахматгача, сайёҳликдан тортиб тикувчиликкача бўлган ранг-баранг тўгаракларда пионер ва ўқувчиларнинг истеъдодлари камол топмоқда. Улар Иттифоқ ва чел эл ўқувчилари билан дўстлик алоқалари ўрнатмоқдалар, давр руҳини ўзларида сингдириб бормоқдалар. Тажрибали мутахассислар ва муаллимлар уларга ўзларининг қизиққан соҳалари сирларини ўргатмоқдалар.

Сарой фаолиятини бир неча йиллардан бери коммунист Олия Жалоловна Иброҳимова бошқариб келади.

Табиатан болажон бўлган бу аёл ёшлик кезлариданоқ кичкинтойларга алоҳида меҳр боғлаган эди. Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли мактабда ўқиб юрган пайтида ҳам у доим болалар даврасида бўлар, болалар ҳам байраму тантаналар ва саёҳатларда Олияга жуда кўникиб қолишганди. У мактабни битиргандан кейин район ва шаҳар комсомол ташкилотларида ишлаган кезларида ҳам вақтини кўпроқ болалар билан ўтказар эди.

Ниҳоят, у ўз ҳаётини болалар тарбиясига бағишлашга қатъий аҳд қилди. Ана шундай орзулар билан у Тошкент Чет тиллар педагогика институтига ўқишга кирди. Француз тили бўйича мутахассис бўлиб етишган Олия республика спорт-интернат мактабига муаллима бўлиб ишга келди.

Ёш муаллима учун, табиийки, бир оз қийин палла бошланганди. Унинг педагогликдан тажрибаси йўқ, боз устига интернат... турли шаҳар, районлардан ўқувчилар келишарди. Улар орасида турли тақдирли болалар, етим-есирлар ҳам бор эди. Ёш муаллима учун эрталаб фақат дарс беришмас, балки улар учун ота-оналик вазифасини ҳам ўташ лозим эди. Интернат спорт бўйича мутахассислар тайёрлагани сабабли болалар баъзан бошқа фанларга унчалик рўйхуш беришмас, уларни барча фанларга баравар рағбатлантириш зарур эди. У ўқувчиларнинг кўнглига қўл солар, табиатларига қараб муомала қилар, шу тариқа уларнинг ҳурматини қозониб борарди.

Уч-тўрт йил ичида ёш муаллима чиндан ҳам болалар тарбияси борасида ўз истеъдодини намоён этди. Уни Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ишга таклиф қилди. У бу ерда жисмоний тарбия бўйича методистлар кабинетини бошқарди. Олия Иброҳимова самимияти, меҳнатсеварлиги ва жонкуярлиги билан тез орада министрлик коллегияси ҳурматини қозонди ва у 1973 йили В. И. Ленин номли Республика пионер ва мактаб ўқувчилари Саройига директор этиб тайинланди. Шу ўн йил ичида Сарой ҳузуридаги элликта тўгарак икки юз элликтага етказилди, уларга мактаб ўқувчилари яна ҳам кўплаб жалб қилинди. Саройнинг янги биноси қурилишида Олия Жалоловна коллектив режалари ва болалар талабига мослаб бино қурилишини таклиф этди. Партия ва ҳукуматимиз ҳам Сарой маъмурияти илтимосларини ҳисобга олиб қулай ва шинам бино қуриб берди. Эндиликда мазкур сарой Иттифоқимиздаги энг яхши пионерлар саройлари қаторидан ўрин олди. Бугунги кунда сарой тўгарак қатнашчилари барча байрам ва маросимларда ўз қўшиқлари, рақслари билан меҳнаткашларни мамнун этишяпти. Бу борада тиниб-тинчимас директор Олия Иброҳимованинг ҳиссаси катта.

Бу камтарин, диққат-эътиборли раҳбарни доим тўгарак машғулотларида, болалар даврасида қизғин суҳбатларда учратасиз, зотан, болаларнинг орзу-истаклари унинг жон-дилига пайванд. Партия ва ҳукуматимиз Олия Жалоловна Иброҳимованинг пионерлар ва ўқувчиларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматларини юксак баҳолаб, уни икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирлади. У СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочисидир.

Олия Жалоловна ҳамиша болалар орасида. Уларни севиш, улар учун яшаш, уларнинг орзу-умидлари ушалишига кўмаклашиш бу мураббия учун катта бахт.

Уктам ҲАКИМАЛИ

қат битта кучни кўраман. Бу куч эсдеклар — большевиклар партиясидир. Унинг улкан бунёдкорлик ишидан ўзимга лойиғини танлашим керак. Большевиклар партиясида ақл-заковат ҳам, жасорат ҳам, мардлик ҳам бор, томири эса халққа туташиб кетган, шу сабабли келажак унинг қўлидадир».

Муаллифнинг вазифаси тарихий даврни шунчаки тасвирлашдан иборат эмас, албатта. Революция даврини тўлалигича тасвирлаб беришни санъаткор ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Муаллиф маълум бир шароитда ҳаракат қилаётган қаҳрамонларнинг ўзаро муносабати мисолида инқилобнинг бунёдкорлик қудратини шоирона ҳассослик билан тасвирлаб беради.

Тарихий мавзуга бағишланган мазкур романда эпик кўлам алоҳида бир ёрқинлик билан намоён бўлади. Бепоён Сибирь билан томир-томиргача туташиб кетган халқнинг ўзига хос характери ёрқин бўёқларда тасвирланади. Бу ерда чор Россияси амалдорларининг жаҳолати ҳам, революция арафасидаги деҳқонларнинг аччиқ қисмати ҳам ҳаққоний гавдалантирилади.

Мазкур хронологик роман унча катта бўлмаган даврни қамраб олади ва уни чуқур ва ҳар тарафлама бадиий тадқиқ қилади. Асар сюжети Сибирь ҳаётидаги муҳим тарихий давр белгиларини ўзида мужассамлаштирган воқеаларни қайта яратади. Синфий табақаланиш, деҳқонлар оммасининг исёнлари, бу ҳаракатнинг большевиклар ҳаракати билан бирлашиши шулар жумласидандир. Асар сюжети сургун қилинган большевик Иван Акимовнинг бу ердан қочишга шайланиши воқеалари билан туташади. Ҳа, романдаги барча воқеалар бевосита ёки билвосита яширин номи Гранит деб юритилган революционер Акимовнинг чоризм турмасидан қочиши билан алоқадордир. Партия қарорига биноан у Стокгольмга бориб, профессор Лихачевни топиши, чет эллик жосуслар томонидан ўғирланган Сибирь хазиналарига доир илмий материалларни қўлга киритиши лозим.

Георгий Марков ўз қаҳрамонини руҳан мураккаб, таъбир жоиз бўлса, ғалати вазиятга солиб қўяди. У революцион ҳаракатда актив курашувчи инсонлардан эмас. Сибирдан қочиш учун яширин марказ фармойиши бўшанглик билан адо этилади. Бу ҳол эса большевикларга хос эмас. У университет берган билимлар, геологик экспедицияда орттирган тажрибалар, ватан фанининг чироғи профессор Лихачев билан бўлган мулоқотлар таассуротига эга. Ана шундай ҳолда фаолиятсизлик кўрсатиш — жиноят. Қаҳрамон тайга бўйлаб саргузаштлари давомида ўз кузатишларини ёзиб боради, ўзича илмий фаразлар чиқаради, газ, металл, ёнилғи манбалари аломатлари кўрсатилган узоқ тайганинг жуда ҳам зарур улкан картинасини чизади. У мўъжизавий ўлка хазиналарида қандай яширин имкониятлар мавжудлиги хусусида ўйлайди. Хуллас, мана шундай чекка жойда ва қийин вазиятда ҳам қаҳрамон муттасил ҳаракатда бўлади. Бутун мамлакат миқёсида улкан социал ўзгаришлар содир бўлажагини фаҳмлайди, ҳатто олис районларда ҳам етилган социалистик революциянинг ғалабасига қатъий ишонч қаҳрамон руҳида мустаҳкамланиб боради.

Революциянинг яратувчанлик характери донишмандлик, халқ идеаллари, меҳнат кишисига муҳаббат билан қўшилиб, асарнинг асосий руҳини белгилайди. Муаллифнинг ғоявий-эстетик қарашларида, асарнинг бадиий тузилишида большевикларга муҳим ўрин ажратилган. Чоризмга қарши курашган Горбяков, Акимов, Ксенофонтова, Насимович ва бошқа кўпгина қаҳрамонлар орқали революцион синф вакиллари тасвирланади.

Биринчи китобда характерининг якунланишига кўра Федор Горбяков образи бирмунча қизиқарлидир. У бутун ҳаётини инқилоб ишига фидо этади. Шахсий фожиа жангчи характерини буколмайди. Томск университети студентининг Наримга сургун қилиниши унинг кейинги тақдирини белгилаб беради. Қаҳрамон маънавий бойлиги, большевистик эътиқоди роман саҳифаларида ўз амалий ифодасини топган. Унинг инсоний фазилатлари, жанговарлиги Полянинг руҳий иккиланишларига чек қўяди, қизининг ижтимоий таржимаи ҳолида катта аҳамият касб этади. Бора-бора Нарим ва Петербургдаги партия марказларидан тортилган яширин ип у билан туташади. Романда у халқ вакилларига таянган ҳолда Горбяковнинг қочишини муваффақиятли амалга оширади. Ана шу воқеалар асарнинг асосий сюжети билан чамбарчас боғланади.

Коммунистларнинг образлари системасида революционер-большевик қиз Катя Ксенофонтова тасвирига алоҳида аҳамият берилади. Ксенофонтова романдаги марказий қаҳрамонлардан биридир. Георгий Марков бу образнинг ғоявийлигини таъминлаш билан бирга ўз қаҳрамонини ёдда қоладиган қилиб тасвирлашга эришган. Катя бир-бирига ўхшамайдиган турли-туман одамлар билан жуда кўп учрашади. Бироқ бу учрашувлар, суҳбатлар, тўқнашувлар орқали фақат Катянинг характеригина очилиб қолмасдан, балки халқ ҳаётининг муфассал картинаси ҳам чизилади.

Тайга кишиларининг ҳаёти ва турмуши, тарихий шароит, сибирликларнинг империалистик уруш давридаги кайфияти тасвирлари ёзувчининг ютуғи эканлиги танқидчиликда такрор-такрор айтилди. Бу ерда улкан адибнинг фақат ҳаёт ва турмуш тарзининг ҳайратланарли даражада ишонарли тасвирлаганлиги устидагина тўхтамасдан, балки халқ ҳаёти картинасини ўзига хос бадиий акс эттириши тўғрисида ҳам сўзламоқ лозим. Ижтимоий типларнинг хилма-хил галереяси, гарчи қисқа саҳифаларда берилган бўлса-да, романда эсда қоладиган тарзда гавдалантирилган. Уларнинг кўпчилиги большевик-қаҳрамонлар Иван Акимов билан Катя Ксенофонтова идроки орқали берилган. Бу ёзувчига, бир томондан, воқеага партиявий баҳо беришда, бошқа томондан, қаҳрамонларнинг ички дунёсини теран ва тўла очишда қулайлик туғдиради.

Юқорида айтилганлардан хулоса чиқариб айтиш мумкинки, «Сибирь»— синтетик роман: революциянинг яратувчанлик фазилати, Ленин партиясининг Сибирь истиқболи тўғрисидаги ғамхўрлиги, революциянинг пишиб етилиши, маълум тарихий босқичдаги халқнинг кайфияти ва унинг қудратли куч эканлиги романда бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ифодаланган. Романнинг муҳим ғоявий хусусияти шундан иборатки, воқеаларнинг эпик характери қаҳрамонларнинг ички дунёси тасвири орқали кўрсатилади.

Пировардида шуни таъкидлаш керакки, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Ленин мукофоти лауреати Г. М. Марковнинг ижоди ҳозирги адабий жараёнда жуда катта аҳамият касб этаётир. Шунинг учун ҳам унинг «Строговлар», «Ер мағизи», «Оталар ва болалар», «Сибирь» романлари кенг китобхонлар оммаси орасида улкан эътиборга сазовор бўлди.

Георгий Марковнинг кўпмиллионли, шу жумладан, унинг асарларини ўз она тилларида севиб ўқиётган ўзбек ўқувчилари ундан янги-янги бадиий кашфиётлар, янги қаҳрамонлар билан қизиқарли учрашувлар, янги асарлар кутадилар.

Дйёр НИЗОМИДДИНОВ,
В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг тадқиқотчи-стажёри

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.



БОБУР Самарқандда (шоирнинг бетоблик пайти).

XVI асрда ҳинд рассомлари томонидан атоқли ўзбек шоири, олими ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг машҳур асари «Бобурнома»-га ишланган миниатюра расмлар.

Ҳиндистоннинг Одинапур шаҳридаги «БОҒИ ВАФО».

ҲАМЗА ШОҲИМАРДОНДА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ РАССОМИ НЕЪМАТ ҚЎЗИБОЕВ АСАРЛАРИДАН

МУҲАММАД МУСО
АЛ-ХОРАЗМИЙ ПОРТРЕТИ.

ТОҒ МАНЗАРАСИ.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ.





КУЗ.

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид АҲМАД.

Н. Шарипов фотоси

Р. КОГАН. ЕЗ НЕЪМАТЛАРИ (натюрморт).

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ

ВОҲА СУВЛАРИ

ТОШКЕНТ ва у жойлашган воҳа ўзининг табиий шароитидаги талайгина афзалликлари, тупроғининг серунумлиги билан Ўрта Осиёнинг энг гўзал, ҳосилдор водийларидан қолишмайди. Тошкент воҳасининг иқлими мўътадил, дарёлари сершув, тупроғи кимёвий элементларга бой. Шу сабабли бу ерда деҳқончилик қадимдан ривожланган. Воҳани уч дарё — Чирчиқ, Оҳангарон ва Калас дарёлари сув билан таъминлайди. Бу дарёлар орасида энг йириги Чирчиқ ҳавзасидир. Чирчиқ дарёси ўзининг ирмоқ ва каналлари билан воҳа ерларини қадимдан суғориб келган асосий сув манбаи ҳисобланади. Бу дарё сувни Талас Олатови тоғ тизмаларининг абадий қор ва музликларидан олади. Талас Олатовидан оқиб чиққан йирик Чотқол ва Пском ирмоқлари бир-бирига қўшилиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Чотқол Чирчиқнинг энг катта ирмоғи ҳисобланиб, унга ўнг томондан Сантолаш ва Кўксув, чап томондан Терс ирмоғи, булардан ташқари, 72 майда тоғ ирмоқ ва жилғалари ўз сувини қуяди. Чотқолнинг Чирчиқ дарёсигача бўлган узунлиги 168 километр бўлиб, унга қуйилувчан ирмоқларнинг узунлиги эса 2185 километр, умумий сув тўплаш майдони 7484 квадрат километрдир.

Чирчиқнинг иккинчи катта ирмоғи Пскомнинг узунлиги эса 65 километр, унга яна 34 та тоғ сой-жилғаси келиб қўшилади ва умумий сув тўплаш майдони 3138 квадрат километрни ташкил этади.

Пском билан Чотқол туташган ердан бир неча километр қуйирокда Чирчиққа учинчи бир йирик ирмоқ — Угом келиб қўшилади. Угом Чирчиқ дарёсига қадар 65 километр масофани босиб ўтади ва унга 31 та жилға ва тоғ сойлари келиб қўшилади. Уларнинг умумий узунлиги 219 квадрат километрдир. Угомдан ташқари Чирчиқ дарёсига баҳорги ёғингарчилик пайтида ҳосил бўладиган Оқсоқота, Оқтепа каби мавсумий сойлар ҳам келиб қўшилади. Чирчиқ дарёсининг бошидан то Сирдарёгача бўлган сув тўплаш майдони 15142 квадрат километрдир. Унинг бир йиллик умумий сув ўтказиш миқдори 7400 миллион кубометрга етади ва секундига ўртача 234 кубометрга яқин сув йиғилади.

Чирчиқ дарёсининг тарихи ҳақида қадимий манбаларда бир қатор маълумотлар мавжуд. Тошкент воҳаси ва Тошкент шаҳрини тўлиқ сув билан таъминлайдиган бу дарёни қадим замонларда Парк ёки Парак дарёси деб атаганлар. Бу дарёни Оби Турк деб ҳам юритганлар. В. В. Бартольднинг таъкидлашича, Чир номи биринчи марта Темур тарихида тилга олинади. Бобурнинг «Бобурнома» асарида «Сир сийи» деб ёзилган. «Абдулланома»да эса, «Чир дарёси Чирчиқ номи билан кўпроқ машҳур»дир дейилади. Э. М. Мурзаев ва Ҳ. Ҳасановлар Чирчиқ сўзини, «тезоқар», «шовуллаган» деган маънода таърифлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам Чирчиқ тезоқар дарё, у Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар қанча-қанча деҳқонларнинг сув учун курашда ёстиғини қуритган. Бу манзарани Ҳамид Олимжоннинг «Икки қиз ҳикояси» асарида аниқ кўриш мумкин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва Археология илмий-тадқиқот институтлари бир гуруҳ илмий ходимларининг академик Я. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида олиб борган узоқ йиллик археологик текширишлари ҳамда ундан кейинги илмий изланишлар натижасида маълум бўлишича, бундан 2000 йил муқаддам аждодларимиз ариқ қазиб, Чирчиқдан сув чиқарган эканлар. Ҳозирги Бўзсув канали худди ўша замонда ковланган дастлабки ва асосий сунъий сув йўлидир. Бу ариқ (канал) Тошкентдан 40 километр юқорида Ниёзбек тепалиги яқинида Чирчиқдан сув олган. Ўнқўрғонга келганда, Бўзсувдан чап томонга Солор ариғи айрилиб чиқади. Бўзсув эса, шаҳар ичига кириб, ҳозирги Семашко номидаги шифохона ёнида иккига — ғарбга (Кайковус номи билан) ва жанубга (Анҳор номи билан) бўлиниб кетади. Кайковус ва Анҳор ариқлари нисбатан кейинроқ, эрамизнинг V-VI асрлари мобайнида қазилган. Воҳа меҳнаткашлари ўша даврлардан бошлаб, шу ариқларнинг суви билан суғорма деҳқончиликни ривожлантириб, арпа, буғдой, беда, шоли, сабзавот ва полиз экинлари экканлар.

Тошкент воҳасида юқорида айтилган асосий ариқ-каналлардан ташқари яна Искандар, Эски ва янги Хоним, Зах (Золариқ), Қонқус, Чала, Жўнариқ, Қуркулдак, Чиноз, Яллама, Қорақалпоқ, Тўғизорол сингари ўнлаб ариқлар очилган. Бу ариқлардан яна неча юзлаб майда ариқчалар сув олган.

Искандар — Чирчиқдан биринчи сув олувчи каналнинг номи. Илгари у «Сорт» ариғи деб аталган. Кейинроқ уни Искандар деб юрита бошлайдилар. Ҳозирги кунда каналнинг узунлиги 80 километр бўлиб, 50 дан ортиқ ариқчага сув беради ва Оржоникидзе районининг 1406 гектар майдонини суғоради.

Чирчиқдан сув олувчи иккинчи канал Хонимдир. Бу каналнинг қачон ва ким томонидан қурилганлиги ҳали аниқланган эмас. Каналнинг узунлиги 120 километрга етган бўлиб, у Бўзсув-Зах магистрал каналидан секундига 11 кубометр сув олади ва 173 та ариққа сув беради ҳамда Тошкент музофотининг Оржоникидзе районидаги 7300 гектар экин майдонини сув билан таъминлайди. 1949 йил Янги Хоним канали қазилиб ишга туширилди. Бу канал Чирчиқ шаҳри яқинида Бўзсув-Зах магистралидан секундига 2 кубометр сув олади ва у Оржоникидзе райони территориясида 1141 гектар майдондаги экинларни суғоради.

Чирчиқнинг ўнг қирғоғидаги энг йирик каналлардан бири Захариқдир. Ерли аҳоли уни Кўҳна Золариқ деб ҳам аташади. Ариқнинг қазилган даври академик Я. Ғ. Ғуломов фикрича, эрамизнинг биринчи асрларига тўғри келади. Ариқ номининг келиб чиқиши ҳақида бир қатор афсоналар мавжуд. Лекин ҳозирги кунга қадар Золариқ номининг топонимикаси аниқ эмас. Айни чоғда каналдан секундига 55 кубометр сув оқиб, 223 та катта-кичик ариқ шахобчаларига бўлиниб кетади ва Оржоникидзе, Калинин районлари ҳамда Жанубий Қозоғистоннинг 45500 гектар майдонидаги экинларга сув етказиб беради.

Бўзсув каналидан Қорасув, I — Солор, II — Солор, (Жўн, Куркулдук, Ниёзбоши ундан сув олади) Анҳор, Кайковус, Рамадон йирик ариқ ва каналлари сув олиб Тошкентни обиҳаёт билан таъминлайди. 24 километр узунликдаги юқори Тошкент каналидан 10,5 кубометр, 52 километр узунликдаги қуйи Тошкент каналидан эса секундига 15 кубометр сув оқади. Булардан ташқари Бўзсув каналидан яна 123 та ариқ шохобчалари сув олади.

VI асрда Анҳор ва Кайковус ариқлари қазилиб, Солор ариғи кенгайтирилади. Тошкент шаҳрининг ҳаёт камари бўлиб, уни оралаб ўтувчи Анҳор ҳам ўз навбатида Бешёғоч ёки Арпапоя, Қонқус ва Чала ариқларига бўлиниб кетади.

Лекин революцияга қадар меҳнаткаш омма сувдан жуда қийинчилик билан фойдаланар эди... Масалан, қадимда сувдан фойдаланиш учун «кетмон навбати» жорий этилган. «Кетмон навбати»да мироб эрта билан деҳқон сув боғлайдиган ариқ бошига кетмон қўйиб кўяди. Кетмон сояси тиккага келгунга қадар ўша деҳқон ерига сув оқиб туради. Кетмон сояси тиккадан ошиши билан сув иккинчи деҳқонга очилади. Шу вақт ичида биринчи деҳқон суғориб улгурмаса, янаги навбат келгунча унинг экинлари қуриб ётаверади.

Шунингдек, қадимда тўғонлар, ариқ ва каналларнинг бош қулоқлари жуда содда усулда боғланган. Улардан бири «сепоя усули»дир. Бунда учта ёғоч юқори қисмидан бир-бирига боғланади-да, сўнг паст томони уч ёққа керилиб, дарёга маҳкам қоқилади. Қатор қилиб қоқилган ана шу сепояларга тўғон солинади. Бундай қадимий усуллардан яна бири қорабурадир. Хусусан, Чирчиқдан қорабура ташлаш орқалигина сув чиқарилар эди. Қорабурани тайёрлаш учун олдин 12—14 метрли ўн-ўн учта қамиш арқонлар эшилиб, узунасига ерга ёзилади. Сўнг улар устига текис қилиб шохшабба ётқизилади. Шундан кейин яна қамиш арқон ташланиб, яна ҳалиги қаватлар тартиби билан ётқизиб чиқилади. Шу йўсинда бир неча қават қилингач, у намат ўрагандай қилиб ўралади ва қамиш арқонлар билан маҳкам боғланади. Тайёр бўлган қорабурани 450-500 киши думалатиб, Чирчиқнинг сув чиқариш мўлжалланган жойига ташлаганлар.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Тошкент воҳасининг суғорилиши тубдан яхшиланди. Ўзбек меҳнаткашлари олдида суғорма деҳқончиликни ривожлантиришнинг мисли кўрилмаган имкониятлари очилди. Мавжуд ирригация тармоқларини қайта қуриш учун қидирув ишлари олиб бориш мақсадида 1918 йили Чирчиқ-Оҳангарон қидирув партияси ташкил қилинди ва бу хусусда юздан ортиқ лойиҳа ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йўллари суғориш системаларини йириклаштириш ҳамда суғориш тармоқларини механизациялашган қишлоқ хўжалиги шароитига мослаштириш ишлари амалга оширилди. 1940 йилга келиб, Чирчиқ дарёсида Ғазалкент тўғони қурилди. Халқнинг асрий орзу-умиди ушалди: ўжар Чирчиқ жиловланди. Натижада Чирчиқ ўнг ва сўл қирғоқларидан мустақил сув олиб келган 100 дан ортиқ ариқ ва каналларнинг боши битта йирик Бўзсув-Зах магистрал каналига бирлашди. Тўғонларнинг барчаси замонавий гидротехник ускуналар билан жиҳозланди.

Бўзсув-Зах магистралининг бош сув йўли қайта қурилганидан сўнг Бўзсувнинг суви кўпайиб, қарамоғидаги барча канал ва ариқларга сув етказиб беришдан ташқари яна Сирдарёга 8 кубометр ортиқча сув қуя бошлади. Мана шу бекорга оқиб кетаётган сувни воҳадаги қўриқ-бўз ерларга оқизиш мақсадида халқ ўз кучи билан Шимолий Тошкент каналини қуришга киришди. Бу қурилишда бутун Ўзбекистонда яшайдиган 100 дан зиёд миллат вакиллари бир тан ва бир жон бўлиб иштирок этдилар ва афсонавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Жуда қисқа муддатда — 1942 йилнинг февраль-март ойида, об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, 55 километр узунликдаги Юқори Тошкент ва 41 километр узунликдаги Қуйи Тошкент каналлари қурилиб ишга тушди. Бунинг натижасида Тошкент яқинида 15 минг гектар янги ер ўзлаштирилди. Ўша йилнинг ўзида тошкентликлар Москва, Ленинград шаҳар меҳнаткашлари ва фронтдаги жангчиларга озиқ-овқат, полиз маҳсулотлари, мева-чевалар етказиб бердилар.

Тошкент ва унинг воҳаси меҳнаткашлари шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейини сероблик билан кутиб олмоқдалар. Ҳозирги кунда ариқ ва каналлар шаҳарнинг олтин камарига айланиб қолди, шаҳар ариқларида зилол сувлар шариллаб оқиб турибди, шаҳар фавворалар масканига ҳам айланиб бораётир. Агар Чорвоқ гидроиншооти тўлиқ ишга туширилса, Тошкент воҳаси тўла-тўкис суғориладиган бўлади ҳамда бу ерда 70 дан ортиқ янги колхоз, совхоз ҳамда меҳнаткашлар мириқиб дам оладиган қўшимча истироҳат боғлари, дам олиш уйлари, санаторийлар ташкил топади.

Абдуғафур НАБИЕВ.
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти



Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ҳайкалтарош Илҳом ЖАББОРОВ улуғ олим Абу Наср ФОРОБИЙ ҳайкалини яратмоқда.
Н. Шарипов фотоси

БУЮК ШОИР ВА ОЛИМ

Сарвар АЗИМОВ,

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, ЎзССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари

Уйғониш даврига мансуб классик шоир ва мутафаккир Заҳириддин Бобур туғилган кунининг 500 йиллиги нишонланаётган бир пайтда доҳийимиз Ленининг: «Инсоният яратган барча бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиш мумкин», деган сўзларини яна бир бор миннатдорлик туйғуси билан ёдга оламиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бизнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик, бош йўналишига кўра интернационал маданиятимиз халқларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ҳамда уни марксча-ленинча ўзлаштириш асосига қурилган. Вазифа шундан иборатки, совет халқлари ва бутун инсониятнинг қадимий ҳамда янги социалистик маданиятига хос барча гўзалликлар янада тўкинроқ намоён бўлишига эришмоқ лозим. Бунинг учун бизнинг энг инсонпарвар, энг демократик мамлакатимизда барча шарт-шароитлар мавжуд. «Айнан социализмгина,— деб ёзади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» деган мақоласида,— меҳнат ва маданият ўртасидаги асрий тўсиқларни бартараф этади, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, ақлий ва жисмоний меҳнат билан машғул барча ходимлар ўртасида ниҳоятда мустаҳкам иттифоқни вужудга келтиради. У меҳнаткашлар оммасини фан ва техника, адабиёт ва санъат ютуқларига ошно қилади, зиёлилар ижодий фаолиятининг ижтимоий жиҳатдан бемисл даражада эътироф этилишини таъминлайди».

Ўзбек халқи ўзининг узоқ ва бой тарихи давомида шундай маънавий бойликлар яратдики, уларнинг жаҳон маданияти равнақида муносиб ўрни бор. Мураккаб тақдирли буюк шоир ва олим Заҳириддин Бобурнинг ўлмас ижоди ҳам ана шу хазинага алоҳида ҳисса бўлиб қўшилади.

У ажойиб шеърий асарлар — ғазаллар, рубоийлар, маснавийлар, қитъалар, туюқлар ва фардлар муаллифидир. Ўзбек насрининг сержило ҳамда сержаранг қомусий намуналаридан бири бўлган «Бобурнома», адабиёт, мусиқа, иқтисод ва дидактика назариясига доир қатор трактатлар унинг қаламига мансубдир. Ўзбек адабиётининг буюк асосчиси Алишер Навоий анъаналарини давом эттира бориб, Бобур ўз она тилида кишилар онги ва қалбини мангуликка забт этган ажойиб асарлар яратди.

«...Бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға»,— деб ёзган эди Бобур. Ажойиб сўзлар, ажойиб маслаҳатлар! Соғлом ва соғлиқни сақловчи китоблар ёзилаётган бизнинг замонда Бобурнинг ушбу маслаҳати ниҳоятда ўринли бўлиб, унга амал қилиш туфайли қимматбаҳо вақтлар тежалган, тафаккур ва тасаввурларимиз янада равшанлашган бўларди. Лекин бу сўзлар ўзгаларга маслаҳатгина эмас, балки Бобурнинг ўзига нисбатан принципи ҳам эди, ўзи унга қатъий амал қилиб қалам тебратди. Бу ижодкорнинг ғазаллари ва эсдаликларини ўқир экансиз, бир лаҳза мазкур асарлар ёзилган даврни кўз олдингизга келтирасиз ва шунда ҳам образ, воқеа ёки инсон характерининг туб моҳиятини, ҳаёт манзараларини гавдалантириш учун хизмат қилмайдиган бирорта ҳам ортиқча сўз ё ибора ишлатмаганига ҳайрон қоласиз.

Бобурнинг услуби ва методи анъанавий шарқона жимжимадорликдан кескин фарқ қиларди ҳамда турли тилларда ёзадиган барча шоир ва носирларга ижодий таъсир этмай қолмасди.

Бобур ҳоким синф вакили эди. Лекин тақдири енгил тақдирлардан эмасди. Майда хонликлардан иборат ва ҳар бири ўз армиясига эга бўлган каттаю кичик ҳукмдорлар туну кун ўз салтанатини кенгайтиришга уриниш билан овора эди. Шунинг учун ҳам XVI аср феодал Ўрта Осиёси сўнгсиз фожиалар майдонига айланганди. Ҳар бир ҳукмдор фақат уруш йўли билан, инсон қонини тўкиш йўли билангина сзлтанати доирасини кенгайтириши мумкин эди, холос. Давр қонунияти, феодализм ва зулм қонунияти ана шундай қурилганди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё тарихида юзага келган ҳар бир давлатнинг умри жуда қисқа бўлар, ташқи ва ички кучлар тазйиқи остида эрта ёки кеч таназзулга юз тутишга маҳкум эди. Бобур ана шу давр ва ана шу воқеаларнинг гувоҳи ҳамда иштирокчисидир. У ўз «Воқеот»ида ана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Унинг эсдаликларини ўқир экансиз, Ҳиндистоннинг буюк фарзанди Жавоҳарлаъл Нерунинг сўзлари ҳамиша ёдга тушади. «Бобур дилбар шахс эди, одамларнинг даҳшатли қилмишлари ҳақида ёзганда ҳам саҳифалардан унинг дилбар сиймоси гавдаланиб туради»,— дейди у.

Ёлғончи, маккор ва адолатсиз кимсалар тоифасига зид ўлароқ Бобурнинг меҳр-муҳаббати олижаноб кишилар тарафида эди. Султон Али Мирзонинг ножўя хатти-ҳаракатлари ҳақида Бобур шундай ёзади: «Бу беш кунлук ўлар жон учун ямон от била борди... ўзини некномлар чаргасидин чиқарди».

Нақадар аниқ нишонга урилган сўзлар: «ўзини некномлар чаргасидан чиқарди». Бобурнинг хотираларида бундай доно фикрлар ниҳоятда мўл. Қутлуғ хотира — иккинчи умр, дейди Бобур. Ўртамиёна кишиларнинг ақлига ҳам келмайди бундай фикр. Бобур бу фикрни тарихийлик нуқтаи назаридан ҳам ифодалаб бундай дейди:

Чу бад карди, мабош эмин зи офот.
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.

(Ёмонлик қилганингдан кейин офатлардан эмин бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси вожибдир).

Албатта, Бобур ўз синфининг фарзанди эди, лекин у бошпана ва бир бурда нонга зор ҳолатларни бошидан кўп кечирди. Шундан ёки Бобурнинг қалб гўзаллигидан бўлса керак, унинг меҳнат кишиларига, оддий одамларга меҳр-муҳаббати ўз синфи вакилларига нисбатан ниҳоятда баланд. Бобур шеърияти ҳам, «Воқеот»ида акс этганидек, унинг хатти-ҳаракатлари билан уйғун. Унинг ғазаллари ва рубоийларида олижаноб қалб уриб туради. Бобур шеърларидаги ёр қиёфаси ниҳоятда ранг-баранг, баъзи ўринларда улар анъанавий образлардан фарқ қилмаса-да, лекин санъаткорнинг нафис истеъдоди туфайли улар ўзгача бўй таратади. Бобур халқларга шоҳу, ёрга қул эканлигини эътироф қилганида унинг самимияти қалбларни забт этади. Бобур «Тўкулди сели сиришким» деганида ҳам унга ишонмасдан илож йўқ.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Андижонлик Бобур шундай яшаб, шундай севган эди. Бобурнинг кишилар қалбига яқин ва азиз яна бир жиҳати бу — унинг ўз юртига бўлган чексиз муҳаббати. «Воқеот»ида ҳам, шеърларида ҳам ана шу муҳаббат ҳақида, юрт соғинчи ҳақида ажойиб мисралар битади:

Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севинмас эмиш, албатта, киши.

Бобур ўзбек адабиётида биринчи бўлиб мемуар асар яратди. Материали, тили ва услубининг бойлиги ва жозибадорлиги жиҳатидан ўрта асрларда жаҳонда яратилган бирорта асарни ҳам «Бобурномага тенглаштириш мумкин эмас. Асар ҳамма даврлардаги этнографлар, географлар, тарихчилар ва филологлар учун ҳам қимматбаҳо маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади. Бобурнинг кўп қиррали мероси СССР, АҚШ, Франция, ГДР, Туркия, ГФР, Италия, Ҳиндистон, Покистон, Англия, Чехословакия ва Афғонистон каби йирик шарқшунослик марказларида ўрганилаётганлиги бежиз эмас.

Халқларнинг ўтмиш маданий меросини ҳамда Бобур каби сўз санъаткорлари ижодини ўрганиш социалистик жамият маданиятининг келгуси тараққиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати илғор ва тараққийпарвар ўтмиш маданий мероси кенг халқ оммасининг мулкига айланиши, кишиларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбияласин, уларнинг ҳаётий ва эстетик оламини бойитиши учун доимий ва жиддий эътибор бериб келаётир. Ўтмиш ёдгорликларига эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлиш, тарихий воқеаларни ленинчасига баҳолаш, халқнинг кўп асрли ўтмиш тажрибаларини ижодий ўзлаштириш совет фани ва маданиятининг энг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Шоир, мутафаккир ва олим Заҳириддин Бобур туғилган кунининг 500 йиллиги нишонланаётган айни кунларда социалистик жамият халқ даҳоси яратган маънавий бойликларни эъзоз билан авайлаб асраётганлиги яна бир бор намоён бўлди.

«Шуҳрат билан ёдланишни, ҳакимлар, иккинчи умр демишлар», деб ёзган эди бизнинг Заҳириддин Бобур. Санъаткор ва мутафаккирга хос юксак талант соҳиби Бобурнинг номи ҳали бир қанча миннатдор авлодлар хотирасида абадий яшайди. Ўз таланти ва ақл-заковати билан у ўлимни енгиб ўтди ва абадият касб этди!

Тошкент область Коммунистик районидаги Карл Маркс номли колхозда қурилган янги боғча кичкинтойларни ўз боғрига олди.
Г. Пун фотоси

* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жони дилафгор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига, бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

* * *

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чеҳраи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Аёгингга тушуб барги хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориғ юзимдин эл танаффурда,
Баҳар ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқордим.

Не толеъдур мангаким, ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардин ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзимни чун ямон, яхшидин ўткардим.

* * *

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен?

Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюргайсен,
Хуш улким оразингни кўргамен, сўзунг эшитгаймен.

Итингдурмен, сочинг занжирини бўйнумға маҳкам қил,
Ки водийи фироқинг ичра қўрқарменки йитгаймен.

Тараҳҳум қилмасанг, ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарруъ қилғамен, ё йиғлагаймен, ўзга нетгаймен?

Муяссар бўлмаса бошимни қўймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен.

* * *

Такаллуф ҳар неча суратда бўлса ондин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.

Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,
Мени девона қошинда ва лекин ондин ортуқсен.

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,
Сени таъриф этар, лекин сифат қилғондин ортуқсен.

Қадам ранжида қил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен.

Иқомат чунки қилдинг, Бобуро, ул ҳур кўйида,
Мақоминг равзадин авло, ўзунг ризвондин ортуқсен.

РУБОИЙЛАР

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўла мени хонумондин.
Гаҳ бошима тож, гаҳ балои таъна,
Неларки, бошимға келмади даврондин.

* * *

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

* * *

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

* * *

Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин?
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

ДАВРЛАР ОША

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари шу йил апрель ойида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган илмий йиғилиш билан бошланди. Бу йиғилиш Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи томонидан ташкил қилинди. Мажлисни Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кунининг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва юбилейни ўтказиш ташкилий комитетининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи секретариати аъзоси, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правленнесининг биринчи секретари Сарвар Азимов кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсупов «Заҳириддин Муҳаммад Бобур — улуғ ўзбек шоири ва олими» мавзуида доклад қилди. Таниқли совет шарқшуноси, филология фанлари доктори, профессор И. В. Стеблева шоир лирикаси тўғрисида сўзлади ва унинг ғазалларига юксак баҳо берди. Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти директори, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов эса Бобурнинг адабий ҳамда илмий меросининг жаҳоншумул аҳамияти борасида доклад қилди.

Қирғизистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси Абдуқодир Содиқовнинг Бобурнинг 500 йиллиги муносабати билан қирғиз халқи номидан табриги, таржимон Наум Гребневнинг Бобур асарларидан таржималари тингланди.

Юбилей тантаналари 20 апрелда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ватани — Андижонда ҳам давом этди. Бу ерда ўтган илмий сессияда филология фанлари докторлари И. Стеблева, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, тарих фанлари доктори Сабоҳат Азимжонова, Тожикистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудири А. Ғаффоров, ёзувчи П. Қодиров ва бошқа нотиқлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиётида Алишер Навоий ижодиётининг анъаналарини давом эттирган умрбоқий ижодкорлар сафидан мустаҳкам ўрин олганлигини уқтириб ўтдилар.

Э. МУҲАМЕДОВ

Асрлар гувоҳи

БОБУРИЙЛАР ТАНГАСИ



Мазкур сурат Бобурийлар сулоласининг вакили Шоҳ Жаҳон буйруғи билан олтиндан қуйилган тилла танганинг аксидир. Маълумки, дунё меъморчилигининг дурдоналаридан бири, Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда барпо этилган Тож Маҳалнинг қурилиши Шоҳ Жаҳоннинг номи билан боғлиқ. «Экскьвайр» журналининг гувоҳлик беришича, суратдаги танга жаҳондаги энг катта тилла тангалардандир.

(«ИЗВЕСТИЯ» газетасидан)

Раҳбар ФАЙЗИБОЕВА

Ўйлар

ҲИКОЯ

Қишлоқ кўчаларига оқшом чўкди. Ғир-ғир эсаётган шабада гуллар, ўт-ўланлар ҳидини Ҳаким бувани ҳовлисига ҳам олиб кирди. Помидор тагини чопаётган бува қаддини ростлаб атрофга қаради. Ҳамма ёқ кўм-кўк, боғ тўридаги ўрик салқинида пича дам олмоқчи бўлиб ўша томонга юрди. Кўринишдан неча-неча баҳорни, қишни бошидан кечирган сершох ўрикка тикилди. «Бу йил ҳам меваси бутун маҳаллага етадиган бўлибди», деб кўнглидан ўтказди бува.

— Ҳа-ай Ботирали, чойингиз совиб қолди.

Ҳаким бува ўчоқ бошида куйманиб юрган кампирига зимдан қаради-да, кетмонни жўякда қолдириб, чорпоя томон юрди.

— Ўша ўрикни ўғлинг экканди, бу йил кўп мева берадиганга ўхшайди,— деди у чойнак кўтариб келаётган Руқия энага қараб.

— Ҳа, Ботиралим билан тенг, болам бўлганда... невара, чевараларим...

У ёғини гапиролмади Руқия эна. Чойнакни дастурхон устига қўйиб, нам кўзларини енги учи билан артди.

— Қўй энди, ана, эшитяпсанми бола-чақанинг қийқиришини, шуларнинг ҳаммаси сеники,— юпатгандай бўлди бува.— Шўрванг пишдими?

Руқия эна чуқур хўрсиниб ўрнидан турди. Милтиллаб қайнаётган қозоннинг ўтини ўчирди. Сопол косада шўрва келтирди. Бува аччиққина шўрвани ичиб терлади, ёнбошлаб кўзи илинди. Тушида боғ тўридаги ўрик ғарқ пишганмиш, Ботирали ўрик қоқаётганмиш.

Ҳаким бува янги қора сатин тўнини кийди. Ювилган чинниларни дасталаётган Руқия эна ҳайрон бўлиб сўради.

— Тўйгами?

— Чойхонага,— деб жавоб берди бува.— Бугун биласанми қанақа кунлигини? Наврўзи олам! Мен бир айланиб келай...

Қишлоқдан оқиб ўтувчи сойнинг бўйида устунлари нақшин гулдор янги чойхона тушган. Ҳаким бува шу чойхонанинг иккинчи қаватидаги айвонда ўтириб, чой ичишни хуш кўради, сойнинг тошлардан-тошларга урилиб оқишини томоша қилади. Назарида дилидан Ботиралининг ғами анча нари кетгандай туюлади.

Руқия эна «чойхонага» деб чиқиб кетаётган чолининг орқасидан қараганча қолди. Ёмон кўздан асрасин, ҳали тетик, Ботиралимнинг ҳам елкалари кенг эди, қадам ташлашлари ҳам боласига ўхшайди, кўнглидан ўтказди эна. Ўшанда Ҳаким бува ҳам ўғлининг орқасидан урушга жўнаганди. Чап оёғидан яраланиб икки йил деганда қайтиб келди. Лекин Ботирали...

Ҳаким бува этагини қоқиб, чойхонанинг иккинчи қаватига кўтарилди. Жимжимадор, бўёқлари қуёш нурида товланиб турадиган айвон устунларига, панжараларига узоқ разм солди. Кейин сойнинг пўртана сувига тикилди. Шу пайт ёғоч зинапояларни тақиллатиб кимдир чиқа бошлади. Буванинг кўзи майда йўлли жигарранг костюм кийган, баланд бўйли қишлоқ Советининг раисига тушди. Раис бува билан саломлашди. Зум ўтмай чойхоначи хонтахта устига нон, оқ қанд, чойнак ва пиёла қўйиб кетди.

— Ҳаким бува, эшикка ўтувдим, Руқия энам сиздан шикоят қилди,— деб гап бошлади ҳалиги киши.

Бува шошиб сўради:

— Нима деяпти?

— Янги чойхона қурдиларинг-у, бувангиз ясаниб ҳар куни ўша ерга чиқиб кетадиган қилиқ чиқардилар,— дейдилар.

— Ҳа-а... шунақа деяптими? Эллик саккиз йилдан бери ёнидаман, чойхонани қаранг, ҳавасга ўтириб чой ичасан, райкомгаям, сизларгаям минг раҳмат, биз қарияларни деб... кам бўлманглар,— деди бува чой ҳўпларкан, кейин оғир хўрсинди— Уруш бўлмаганда дейман, ҳаёт яна ҳам гўзал бўлиб кетарди-да. Ботиралининг кетганига мана қирқ йил ўтди. Мўйи энди сабза урган ёш болайди ўшанда. Телевизорда урушни кўрсатиб қолса, дамим ичимда Ботирали кўриниб қолармикан деб, унга тикилиб оламан. Руқия энангиз койийди: «Ҳай, мунча телевизорга ёпишиб олмасангиз», деб. Ўзи бўлса, кўзида ёш ғилтиллаб, ташқарига чиқиб кетади. Юрагидаги дардни билдирмасликка ҳаракат қилади. Мен ҳам билмасликка олиб, дардимни ичимга ютаман. Хўш, мулла Абдураҳмон, ўзингизнинг ишларингиз қалай?

— Ҳаммаси жойида, отахон, сизга бир хабар келтирувдим.

Ҳаким буванинг қўллари титради, пиёлани хонтахта устига қўйди:

— Қандай хабар экан?

— Ўғлингизни олиб келдик!

Ҳаким буванинг юзини тер босди. Абдураҳмон пиёлани олиб, унга иссиқ чой қуйди ва бувага узатди. У:

— Ҳаяжонланманг, бува, чойдан хўпланг,— дея далда бермоқчи бўлиб буванинг қулоғига энгашиб шивирлади, кейин ўрнидан турди.

— Энди кетай, юмуш кўп, яна бир-икки ерга боришим керак.

Бува ўрнидан туришга уринди. Лекин мажоли етмади, хаёли сочилиб кетди. Чойхоначи янги чой келтирди, у оқ халати енгларини шимариб секин сўради:

— Бува, эшитдингизми янги хабарни?

Ҳаким бува вазминлик билан бош иргади.

Бува уйига етиб келганда вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди. Кўча эшиги остонасида ўтирган Руқия эна ўрнидан турди.

— Қаёқларда юрибсиз, Ботирали. Жамо сизни истаб келди,— деди дарвоза занжирини солаётиб.

— Жамони кўрдим, ясан-тусанингни қилиб ол,— деди Ҳаким бува уйга кираётиб.

Энанинг энсаси қотди.

— Қуртларимни ташлаб, ўйнагани борармидим, пилла ўрайман, деб турибди жониворлар.

— Баракалла, эсинг жа кўп-да,— деди бува қувончли бир оҳангда. У чойхонада қишлоқ Советининг раиси келтирган янгиликни кампирига айтмади. Эрталаб баргларни кертиб, сўкичакдаги қуртларга авайлаб солди. Ташқарига чиқиб, боғ тўридаги ўрик ёнига борди. Бува хаёлан дарахт билан гаплашди: «Мана Ботирали ҳам келиб қолди, бу йил мевангнинг кўплиги ҳам шунга экан-да...» Руқия энанинг овози эшитилди:

— Ҳай, Ботирали, чойингиз совиб қолди.

Ҳаким бува чорпояга келиб чордона қурди, иссиқ чойдан хўплаб, пиёлани дастурхон устига қўйди. Бошидан дўпписини олиб, уёқ-буёғини синчиклаб кўрди — эскириброқ қолибди, у Руқия энага боладай маъюс бокди, кейин ялинчоқ овозда деди:

— Янги дўппимни олиб чиқ.

Эна шошиб сўради:

— Ҳа, тўй борми?

— Чойингни ич-да, сен ҳам киийн,— деди бува саволга жавоб бермай.

— Ҳай, Ботирали, ғалати бўб қолдингиз-а?..

Эллик саккиз йилдирки, улар бир-бирларини «Ботирали» деб чақиришади. Ботирали ёлғиз ўғил эди, Руқия энанинг ҳам, Ҳаким буванинг ҳам назарида ўғиллари ё эрта, ё индин кўчадан кириб келадигандай. Ботиралини аммасининг қизи Зебига уйлантирамиз деб туришганда... Ўша қора кунга ўттиз тўққиз йил бўлибди-я!

Руқия эна жовоннинг ичидан хол-хол чит рўмолга ўраб қўйилган оҳорли дўппини олиб чиқиб, чолига узатди:

— Мана, бугун жа ўйнагингиз келаяпти-ёв, марказга тушамизми?

Бува «ҳа» дегандай бошини қимирлатди. Эна уйга ров кириб ўтган йили пиллага мукофотга олган кўк товар кўйлагини кийиб гул-гул очилиб, яшнаб чиқди. Ҳаким бува кампирига ернинг тагидан қараб қўйди. Ўрнидан туриб:

— Марказга борамиз, ўғлинг келган,— деди у бамайлихотир.

Энанинг юраги ўйнаб кетди.

— Ҳазилингизни қўйинг, Ботирали,— деди ўзини бироз босиб.

Унинг юзидаги чизиқлар чуқурлашди, кўзлари бир нуқтага тикилиб қолди, кўнглидан «Рост бўлса-я», деган фикр ўтди.

— Қани кетдик,— деди бува олдинга тушиб.

Кўчага чиқишганда уларни «ГАЗ—24» енгил машинаси кутиб турарди. Абдураҳмон машина эшикларини очиб, қарияларни унга таклиф қилди.

Улар марказга етиб келишди. Тумонат одам. Ҳаким бува билан Руқия энани баланд бўйли, ёшига нисбатан сочлари тезроқ оқарган, истараси иссиқ, ўрта ёшлардаги одам очиқ чеҳра билан кутиб олди. Ҳаким бува уни танди. Райком секретари!

— Отахон, онахон, мана ўғлингизни олиб келдик,— деди секретарь майдон ўртасида оқ дока билан ёпилган баланд гавдани кўрсатиб. Зум ўтмай оқ дока тортилди. Қарсаклар янгради, ҳамманинг нигоҳи улкан ҳайкалга қадалди.

— Ана ўғлинг,— деди Ҳаким бува кўзлари ҳайкалга қадалиб қолган Руқия энага.

Руқия энанинг кўзларидан булоқ сувидай тиниқ, ёмғир томчиларидай йирик ёш доначалари думалади, улар чуқур ажинлар оралаб ерга тушарди. Онанинг рўпарасида паҳлавони турарди.— Ўшанда уйдан чиқиб кетаётганда устида катак кўйлаги бор эди. Энди эса солдат кийимида қайтибди. Қўлида милтиқ, гимнастёркасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузи.

— Ана ўғлинг,— деди Ҳаким бува такрор Руқия энага.

Энанинг қулоқлари ҳеч нарсани эшитмасди. Елкалари кенг, норғул паҳлавонининг тош гавдасига тикилар, ростдан ҳам ҳайкал жонланиб, унинг бағрига отиладигандай, фақат орадаги уч метрлик масофа ҳеч тугамаётгандек туюларди.

А. ХОЛИҚОВ чизган расм

ДЎМБИРА ТИЛГА КИРГАНДА...

Киши кўз ўнгидан кетмайдиган манзара: қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз шаҳри гул либос кийган келинчакдай кўркам. Шаҳар кўчалари алвон байроқларга бурканган. «Ҳуш келибсиз — фольклор ижодкорлари» деган шиорлару қўлида дўмбирасини чертиб қўшиқ куйлаётган бахши сурати туширилган афишалар — бу шаҳри азимда халқ бахши-шоирларининг ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик тўйига бағишланган республика кўрик-конкурси ўтажагини билдириб турибди.

25 апрель. Ленин майдони. Шаҳар меҳнаткашлари меҳмонларни — халқ бахшиларини, жюри ҳайъатини кутиб олиш учун чиқишган. Мезбон бахши — Зоҳир Қўчқор ўғли қалб ҳаяжонларини яшира олмай куйлайди:

Шаҳримизга қадрдонлар келибди,
Замондошлар, дўст-ёронлар келибди.
Ҳар бирининг сайроқ сози қўлида
Тўлиб-тошиб суҳандонлар келибди...

Мезбонларнинг шўх қўшиқ-яллалари бутун воҳага бугунги тантанани жар солаётгандек эди. Бахши-шоирлар улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин ҳайкали ҳамда Улуғ Ватан урушида жон фидо этган шаҳрисабзлик жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига гулчамбар қўйдилар. Сўнг «Ғалабанинг 30 йиллиги» хиёбонидан қадимий Оқсарой томон йўл олдилар. Оқсаройни томоша қила туриб, бадиҳа термалар айтдилар. Шундан кейин Ғалаба хиёбони ёнидаги салқин чойхонада бахши, шоирларнинг мушоираси бошланиб кетди. Шаҳрисабз кўркини ҳамда унинг халқ ижодий даҳоси қудрати билан, санъаткор қўллари билан бунёд этилган мўъжизаларини — ўтмиш обидаларини таърифлаб бир неча бахши куй ва қўшиқ баҳсини қизитди. Тез орада теварак-атроф одамлар билан янада тирбанд бўлди. Уларнинг бариси дўмбираниинг ўттиз икки нағмасига, бахшилар овозига, уларнинг куйлаётган қўшиқлари сўзига маҳлиё бўлиб қолди.

Қодир бахши Раҳим ўғли, Шоберди бахши, Чори бахши Хўжамберди ўғли «Келдик соғиниб бағринг, гўзал Шаҳрисабз» деб қўшиқ куйлади, шаҳрисабзлик Зоҳир бахши эса «Ҳуш келдингиз» термасини ижро этди. Азим шоир эса:

Қулоқ солинг Азим шоир тилига,
Меҳмон бўлдик Шаҳрисабзнинг элига
Тоғлари бор, Помир тоғининг қоридай,
Ҳар бир сочи дўмбирамнинг торидай.
Фабриканинг қизларини биз кўрдик...
Учиб юрган осмондаги паридай...

деб қўшиқ тўқиди.

Ўша куни кечга томон Ғалаба хиёбонида салкам уч минг кишилик томошабинлар даврасида бахши-шоирларнинг республика кўрик конкурси бошланди. Қашқадарё область партия комитетининг секретари М. Худойқулов, Шаҳрисабз шаҳар партия комитетининг секретари В. В. Тарасов конкурснинг очилиш маросимида қатнашиб, барча қатнашувчи ижодкорларга, жюри ҳайъати ишларига муваффақият тиладилар. Бу ижодий беллашувда республиканинг элликдан ортиқ бахши, шоирлари қатнашди. Улар авлоддан-авлодга, тиллардан тилларга ўтиб, сайқалланиб куйланиб келаётган достонлардан парчалар, қадимий терма ва ўзлари ижод қилган шеърлардан ижро этишди. Серқуёш ўлкамизнинг ўнлаб достончилик мактаблари вакиллари бир-бирлари билан ижодий мулоқотда бўлдилар. Қашқадарё, Сурхондарё воҳаси бахшилари дўмбирада ички оҳанг билан куйласалар, Хоразм ва Қорақалпоғистон бахшилари очиқ овозда, ансамбль жўрлигида (тор, аккордеон, доира ёки гижжак) достон ва термалар ижро этдилар.

Хоразмлик Ўғилжон Жуманиёзова аккордеонда, Шукуржон Раҳимова доирада бир-бирларига жўр бўлиб, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонини севиб куйладилар.

«Мен болалигимданоқ,— дейди Ўғилжон опа,— бахшиларнинг қўшиғи, оҳанглар сеҳри мафтуниман. Кичиклигимдан кўп достонларни ёдлаб олиб айта бошлаганман. Меҳнаткашлар ҳузурида достонлардан парчалар, партия, Ватан, пахта ҳақидаги шеърларни куйлайман. Айниқса, «Тоҳир ва Зуҳра»ни айтишдан ўзгача завқ туяман».

Одатда бахшилар маълум достонни ижро этганларида, тингловчилар давраси кайфияти, ички дунёсини ҳисобга олиб, ўзлари куйлаётган асарга мос руҳ бағишлайдилар. Чунончи ёшлар даврасида севги, вафо талқинига алоҳида урғу берадилар. Модомики, кўрик конкурсда Қодир бахши Раҳим ўғли «Алпомиш» достонидан парча куйлаганда, баъзи эпизодларни ҳар гал янгича бир йўсинда ижро этди.

Зеро, бахшилик — юксак санъат. Асл шоир, бахшилар достон, терма куйлар эканлар, тингловчиларни бир неча соатлаб, ҳатто бир неча кунлаб ўзларига жалб қила олиш, улар диққатини ўзига тортиб тура олиш қобилиятига эгадирлар. Ваҳоланки, ҳозирги кунда ҳар қандай «томоша»ни театр, кино, телевидение, радио, китоб муҳитида тарбияланган тингловчи ёки томошабин диққатига ҳавола этишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Шу ўринда Қодир бахши, Хушвақт бахши, Шоберди бахши, Зоҳир бахши, Чори бахши, Азим бахши, Умаркул Пўлкан ўғли ва бошқа кўпгина бахшиларнинг замонавий маданий савия даражасида бўлишга интилаётганликларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Бинобарин, бу галги конкурснинг ўтган конкурслардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу, энг аввало, унда турли миллат вакилларининг ҳам иштирок этганлигидир. Ҳа, Шаҳрисабзда қозоқ, туркман, қорақалпоқ бахши, жировлари ўзбек бахшилари билан ёнма-ён туриб мушоира қилганликлари қувонарли ҳодисадир. Айни пайтда мазкур конкурсда 16 ёшдан (Ёдгор Хўжаев) 80 ёшгача (Абдураҳмон ота Остонов) бўлган бахшилар иштирок этдилар. Бу ҳол, биринчидан, бундан кейинги шоир-бахшилар конкурсини янада кенгроқ даврада, яъни Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари миқёсида ўтказиш мумкинлигини кўрсатса, иккинчидан, республикамизда достончилик санъати истиқболидан далолат беради. Яна бир ибратли томони шундаки, халқ бахшиларининг ҳар бири катта ҳаёт, меҳнат қучоғида ўз истеъдодини камолга етказмоқда. Улардан бири педагог бўлса, иккинчиси чўпон, учинчиси боғбон...

Конкурс якунига кўра деҳқонободлик СССР Ёзувчилар союзи аъзоси **Қодир бахши Раҳим ўғлига** биринчи даражали диплом берилди. У — 40 дан ортиқ анъанавий халқ достонларини эл орасида куйлаб қўлаётган, бадиҳаси кучли, хотираси ўткир, тиниқ овозли, ҳозиржавоб бахшилардан. У Рўзи Қултўраев, Шоқул Исмоилов, Ёдгор Хўжаев, Қаҳҳор Раҳимов каби шогирдлар тайёрлади.

Хоразмлик **Ўғилжон Жуманиёзова**, шаҳрисабзлик **Зоҳир Қўчқор ўғли**, қорақалпоғистонлик жиров **Жумабой Бозоровлар** иккинчи даражали, сурхондарёлик **Шоберди Болтаев**, бўкалик **Чори Хўжамберди ўғли**, самарқандлик **Зиёдулла Исломов** конкурснинг учинчи даражали дипломини олишга сазовор бўлди. Шунингдек, **Умаркул Пўлкан ўғли, Ёдгор бахши Исҳоқов** ЎзССР Ёзувчилар союзининг, **Темирхон Алиҳонов** ЎзССР Театр жамиятининг, **Жолғас Есболғанов** ЎзССР Композиторлар союзининг махсус совринларига муносиб кўрилди. Хуллас, қатнашчилар ҳам, жюри аъзолари, томошабинлар ҳам, бахшилар конкурсидан оламолам қувонч олиб қайтдилар. Бу қувонч замирини неча асрлар давомида қанчадан-қанча авлодларни юксак инсоний мурод-мақсадлар руҳида тарбиялаб келган ва ҳамиша навқирон бўлиб қолаётган халқ оғзаки ижодининг бугуни ва келажагига нисбатан туганмас ишонч ташкил этади.

Урол ЎТАЕВ,
Содиқжон НОСИРОВ

Шаҳрисабз — Тошкент

Шаҳрисабзда ўтказилган республика бахшилар конкурси совриндори Қодир Раҳим ўғли.

Дўмбира куйласа, диллар сел бўлар...

В. Дубровский фотолари

МИСЛСИЗ ИЛМИЙ ЖАСОРАТ



М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ,

ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

ФРИДРИХ ЭНГЕЛЬС ўзининг «Табиат диалектикаси» асарида янги давр ва Уйғониш давридаги табииёт илмининг шаклланишида илмий мероснинг аҳамияти хусусида тўхталиб, араб халифалигида эришилган кашфиётларнинг «жуда муҳим»лигини таъкидлаган эди. Бу муҳим кашфиётлар араб халифалигига кирувчи барча халқлар вакилларининг илмий ютуқларига ҳам тааллуқли бўлиб, албатта бунда ал-Хоразмийнинг математика (алгебра, алгоритм), астрономия ва география фанлари тараққиётига қўшган ҳиссаси биринчи ўринда туради. Умуман, ал-Хоразмийдан сўнг Шарқ олимлари химия (ар-Розий), оптика (Ибн Ҳайтам), табобат (Ибн Сино), фалокиёт (Улуғбек), геодезия (Беруний) ва бошқа турли фан соҳаларида йирик ютуқларга эришганлар. Лекин улар яратган илмий асарларнинг кўпчилиги ўша даврдаги тарихий шароитнинг мураккаблиги ва диний дунёқараш ҳукмронлиги туфайли камёб қўлёзмаларда қолиб кетиб, ўз вақтида халқ оммасига етиб бора олмади. Мана, бир неча асрлардан сўнг фидойи фан тарихчилари томонидан ўша ноёб қўлёзмалар топилиб, ўрганилиб, баъзан ўз даври учун гениал ҳисобланган илмий кашфиётларни тиклаб, аждодларимиз хизматларини муносиб баҳолаётирлар. Бироқ фан тарихчилари, айниқса ўрта аср Шарқи тадқиқотчилари олдида ҳали кўп муаммолар мавжуд.

Ал-Хоразмийнинг ижодий-илмий жасорати фақат аниқ фан соҳалари, масалан, математика бўйича яратган кашфиётлари билан чегараланиб қолмайди. Алломанинг илмий жасорати кенгроқ ва чуқурроқ маънода олиб қаралмоғи керак. У илмий кашфиётлари билан ўзидан кейинги бутун маънавий тараққиётга, тафаккур йўлига, ҳақиқатни аниқлаш методларига жуда катта таъсир ўтказди. Ал-Хоразмий объектив муносабатларнинг, табиий жараёнларнинг энг муҳим хусусиятларини ўрганиш зарурлигини, атроф-муҳитни тадқиқ этишда инсоннинг онги ва фаннинг аҳамиятини юқори баҳолади. Булар ўз навбатида ўрта аср шароитида рационализм ҳамда ҳурфикрлилик тараққиётига имкон яратди... Аллома ўзининг илмий кашфиётлари ва тадқиқотлари билан шаклланиб келаётган тараққийпарвар, фалсафий тафаккур, ҳурфикр ғоялар нуфузини мустаҳкамлади.

IX—X асрларга келиб феодал ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида ички зиддиятлар кучайди, зулм авж олди. Араб халифалигининг марказий шаҳарларида икки-уч асргина давомида табиатшунослик, фалсафий тафаккур, адабиёт, санъат жуда тез тараққий этиб, катта ютуқларга эришди. Шарқ олимларининг бу ютуқлари ўрта аср Европа маданиятига нисбатан анча салмоқлидир. Зеро, атоқли инглиз олими Ж. Бернал ўзининг «Жамият тарихида фан» номли асарида: «Европанинг аксарият қисми Рим империясининг таназзули келтириб чиқарган тартибсизликлардан қийналаётган вақтида ...мусулмон олами ёрқин тараққиёт даврини бошдан кечираётган эди», деганида ҳақ эди.

Дарҳақиқат, бу давр ал-Хоразмий, ал-Киндий, Закариё ар-Розий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Бухорий, Фирдавсий, Рудакий, Ал-Мааррий каби улуғ қомусий олимлар, тафаккур даҳолари ва шоирлар замони эди. Ўша пайтдаги маданий ҳаётнинг характерли хусусиятларини қуйидагича таърифлаш мумкин: давр учун маорифнинг зарур белгиси ҳисобланган дунёвий билимларга интилиш; қадимги замон маданиятлари, жумладан Ҳиндистон, Юнон маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, деярли унутилган маданий бойликларни тиклаб, улардан янги ютуқларни қўлга киритишда ижодий фойдаланиш; табиий фанлар тараққиёти натижасида табиат сирларини очиш, табиий фанлар соҳасидаги билимларни эгаллаш; ақлни ҳақиқат ўлчовига айлантириш ва бунинг натижасида илмлилик, маърифатлилик учун зарур бўлган мантиқ тараққиётини ривожлантириш, ғаразгўйлик ва турли камчиликларни танқид этиш, инсонга муҳаббат, унинг билиш ҳамда ахлоқий фазилатларини улуғлаш, дунёвий шеъриятга муҳаббат қўйиш, бир йўла турли фан соҳалари билан шуғулланиш, яъни қомусий олим бўлиш шулар жумласидан. Ўша даврнинг жуда кўп олимлари турли фан соҳаларида бирдай муваффақиятли қалам тебратганлар.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850) халифаликдаги ҳаракат бошида турган ўрта аср Шарқининг биринчи қомусий олимларидан бири ва табиатни ўрганишни бошлаб берган кучли маданий-илмий арбобдир. У фаннинг математика, астрономия, география, тарих сингари турли соҳаларида муваффақиятли ижод этди.

Араб халифалигидаги бу давр фани ва маданияти ривожида турли ўлкалардан келган олимлар, турли халқ, дин вакиллари актив иштирок этдилар. Булар орасида араблар, форслар, ҳиндлар, турклар, шунингдек христианлар, зардуштийлар, мусулмонларни учратиш мумкин эди. Айниқса Ўрта Осиё ва Хуросондан чиққан олимлар бу давр илмининг ривожига катта улуш қўшдилар. Бу ҳол табиийдир. Чунки илк ўрта асрда Ўрта Осиё ва Хуросон халифаликдаги маданий жиҳатдан энг ривожланган ўлкалардан ҳисобланар, шу ерда қадимги илмий анъаналар кенг тарқалганди. Шунинг учун халифалик ўзига зарур бўлган илмий-маданий бойликларни, илм аҳлларининг кўпчилигини ўз қўл остидаги Шарқий ўлкалардан олар эди.

«Донолик уйи»даги аксарият олимлар Ўрта Осиё ва Хуросондан келганди. Ал-Хоразмий билан Бағдоддаги «Байт-ул-Хикма» да яшаб ижод этган олимлардан энг машҳури ал-Аҳмад ибн Касир ал-Фарғоний (861 йилда вафот этган)дир. У ўз даврининг атоқли астрономи бўлиб, қатор асарлар муаллифи. Жумладан, унинг «Фалакиёт ва юлдузлар ҳаракати фанига кириш» асари жуда машҳур. Бу асар XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, Европада кенг тарқалган ҳамда фалакиёт асосларини ўрганиш бўйича ундан дарслик сифатида фойдаланилган. Ал-Фарғоний Птоломейнинг «Альмагест (Альмажусти) асари ва ал-Хоразмийнинг фалакиётга оид асарига шарҳ ёзиб, энг қийин жойларини таҳлил этиб берган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, жумладан ўрта аср фан тарихчиси ал-Куфтийнинг ёзишича, ал-Фарғоний ал-Маъмуннинг бош мунажжими бўлган.

Ал-Хоразмий билан ҳамкорлик қилган ўз даврининг атоқли олими марвлик Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Марвазий Ҳабаш ал-Ҳосиб ҳам амалий фалакиётга оид талай асарлар ёзиб, қатор зиж тузган: «Зижи-Синдҳиндий», «аш-Шоҳ мухтасар зиж», «Дамашқ зижи», «Маъмун зижи», «Устурлоб (астролобия) билан ишлаш тўғрисида китоб», «Бир-бирига тегиб турган муҳитлар ҳақида китоб», «Узоқлик ва жисм ҳақида китоб» ва бошқалар шулар жумласидан. Шунингдек, Ҳабаш ал-Ҳосиб йирик математик бўлиб, тарихий манбалар маълумотига мувофиқ, тангенс ва котангенслар жадвалини ишлаб чиққан. Ал-Куфтийнинг кўрсатишича, «Ҳабаш юлдузлар ҳаракатини ҳисоблаш соҳасида моҳир бўлиб, айни шу соҳада шуҳрат топган».

VIII аср охирида туғилиб, 886 йили вафот этган Абу Машъар ал-Балхий ҳам ўз даврининг йирик олими эди. У асли хуросонлик бўлган. Балхий Эрон тарихини яхши билган ҳамда астрономия, география, тарих, диний масалаларга оид ўттизга яқин асар яратган. Улар орасида «Катта муқаддима», «Замонлар ҳақида китоб», «Қарама-қарши жойлашув ҳақида китоб», «Давлат ва дин китоби», «Зиж китоби», «Улуғ жанглар китоби», «Катта зиж», «Астрология китоби», «Ёмғир ва шамол ҳақида китоб», «Мамлакатлар табиий шароити ҳақида китоб» ва бошқалар бор.

Бағдоддаги ал-Маъмун расадхонасида ал-Хоразмий билан биргаликда Марв воҳасининг Марварид қишлоғидан чиққан Марваридийлар (бобо-ўғил-набира) оиласи ҳам ишлаган. Марваридийлар асосан мунажжимлик билан шуғулланганлар, Дамашқ ва Бағдод расадхоналарида астрономик кузатишлар олиб борганлар.

Бундан ташқари VIII аср охири ва IX аср бошларида Бағдод халифаларида котиб вазифасида ишлаган, араб қабилаларининг келиб чиқишига оид ва бошқа асарлар яратган географ, марвлик олим Умар ибн Мутарриф, яна бир марвлик олим Абу Али ибн Раббан ат-Табари (808—955) ҳам ал-Хоразмий замондошларидандир. Абу Али ибн Раббан тиббиёт ва Ўрта аср фанларининг турли соҳаларига оид қатор илмий асарлар ёзган. «Қон оқизиш хусусида китоб», «Овқат режими ҳақида китоб», «Соғлиқни сақлаш ҳақида», «Фойдали овқатлар, ичимликлар ва ўсимликлар тўғрисида», «Семизлик, ориқлик, безовталик ва шавқ тўғрисида китоб», «Шоҳлар туҳфаси», «Туморлар ҳақида китоб», «Марварид ҳақида китоб», «Дин ва давлат ҳақида» каби асарлари шулар жумласидан. Унинг «Донолик беҳишти» номли асарининг Британия музейидаги мўътабар нусхаси, ғарб олимлари маълумотига кўра, 550 бетдан иборат бўлиб, 360 бобида тиббиёт, қолган бобларида фалсафа, астрономияга оид масалалар ёритилган. Худди мана шу даврда яшаган хуросонлик Бобир ибн Ҳайян (ғарбда Гебер номи билан машҳур) табиий фанлар соҳасидаги билими билан кенг шуҳрат қозонади. Гарчи у кўп фан соҳалари бўйича асарлар яратган бўлса-да, лекин унинг алкимёга оид илмий ишлари олимнинг номини оламга ёйди. Алкимё фанида бир неча асрлар давомида ҳукмронлик қилган металларнинг келиб чиқиши олтингугурт-симобга боғлиқ деган назария, айни шу олимга тааллуқлидир.

Тарихий манбаларда ўша даврда география, тарих, тилшунослик ва ҳоказо масалалар бўйича ижод этган яна кўпгина олимларнинг номлари ҳам эслатилади. Бундан кўринадики, ал-Хоразмий атрофидаги илмий доира фанларни юксалтиришга катта аҳамият берган ва шунинг натижасида табиий ва аниқ фанлар дуруст ривожланган, табиатни ўрганишга бўлган қизиқиш кучайган. Масалан, араб олими ал-Мутаххар 966 йили шундай деб ёзган эди: «Илм толиблари шундай бўлиши керакки, улар ўзларини соф виждон ва аниқ онг билан, оллоҳ мададига таянган ҳолда, бутун заковатини бир жойга йиғиб, астойдил енг шимариб, кечалари билан чарчашига қарамай, қадам-бақадам илм чўққиларига кўтарилиб, ўзининг олижаноб мақсадига эришишлари зарур; улар фандан воз кечмасликлари, ноҳақ туҳмат қилмасликлари, кўзи ожиз туядек, фанда ўзларини у соҳадан бу соҳага бемақсад урмасликлари керак. Улар ҳар хил ёмон одатга ўрганмасликлари, ўз табиатларини мунофиқлаштирмасликлари, бефойда баҳсдан воз кечишлари, ҳақиқат назарларини олиб қочмасликлари, ҳақиқий нарсани сохтасидан, аниқ нарсани шубҳалигидан фарқлай олишлари, доимо ақлан ҳушёр ва соғлом бўлишлари лозим. Ана шундагина уларга илм-фан ўз жамолини намойиш этади».

Бу сўзлар шуни исботлайдики, ўрта осиёлик олимлар «араб фани», «араб маданияти» номи билан машҳур бўлган Яқин ва Ўрта шарқдаги Ўрта аср илмий оқимининг ривожида ниҳоятда муҳим ва асосий роль ўйнаганлар. Хоразмийдан сўнгги асрларда бу «араб фани»ни ўрта осиёлик Ибн Сино, Беруний, Замахшарий каби алломалар яна янги юксак чўққига кўтардилар.

Хоразмий ўз фаолияти билан ўрта Шарқни, араб халифалигини оламга машҳур этган илмий йўналишнинг бошида турди. Унинг илмий жасорати, башарият олдидаги буюк хизмати шундаки, у ўз асарлари билан диний ақидаларни ўрта аср фанатизмини, биқиқлигини мустаҳкамлаш учун эмас, балки эркин фикр, дунёвий илмлар, инсон тафаккури, фан ривожи учун хизмат қилди, инсониятнинг илмий юксалишига бемисл ҳисса қўшди.

Борис ПАРМУЗИН

ЧЎҚҚИЛАР

ЁҒИНГАРЧИЛИК

Дайди шамол дераза ойналарига тинимсиз урилади.

— Куз ҳам келди. Чинакам куз...— дейди кекса чавандоз ўз-ўзига гапиргандек. У стол ёнида ўтирганича гоҳ жуволдўзни, гоҳ қайчию бигизни ишлатади. Қолнинг бажараётган юмушини кузатиш мароқли эди: у меҳмонлар кўз олдида туянинг жағизини — эгарини тикар эди.

— Бунақа касблар ҳам эскириб қолди,— деди кимдир дўриллоқ овозда. Чол бу гапга аҳамият бермади. У туянинг ҳаёт учун зарур ҳайвон эканлигини, бундан кейин ҳам инсонга хизмат қилишини куни кеча алоҳида таъкидлаб гапирувди. Тўғри, машина — кераклн нарса, буни ҳеч ким инкор этмайди... Аммо қумлик жойларда-чи? 1935 йили бир миллион тонна пахта топширганимизда ҳам Хоразмда туялар роса иш берган эди.

— Куз келди,— деб такрорлади қария.— Икки кундан бери оёғим оғриб турибди.

Эшик очилиб, жуссасидан куч ёғилиб турган йигит ичкарига кирди. Кўринишидан унинг ғоят чарчаганлиги билиниб турарди. У ўзини ўрингa ташлади, оғирлигидан каравот пружиналари ғирчиллаб кетди. Чол ўз игна-қайчисини халтачага жойлаб, стол устини қўли билан артди, газета ёйди.

— Туриб ўтир, ўғлим,— деди у йигитга.— Биз чой ичиб бўлганмиз. Нон бор, узум бор. Ҳозир чой қайнатаман. Ташқари совуқдир?..

1952 йил эди ўшанда. Қўшкўпир районидаги кўҳнагина меҳмонхонада ҳали буфет йўқ эди. Чол шунинг учун сув тўла чойнакни кўтариб эшикка йўналди...

Қўшкўпирдаги ўша меҳмонхонада — меҳмонларга тўла хонада икки кун тунадим. Хонадошларим район марказига ҳар хил юмушлар билан келган эдилар. Байрамгача атиги уч кун қолганди. Бироқ кейинги кунларда қаво кескин ўзгарди. Аввалги илиқ кунлардан, мезон учиб юрган сокин ҳаводан фақат хотиралар қолди.

Қария чой дамлаб келди-да, каравотда ётган йигитни столга таклиф қилди. Йигит совуқдан қизариб кетган қўлларини ишқалаб қўйди. Чамаси у ишдан сўнг арикда ювиниб олган эди.

— Ремонт қалай кетяпти?— деб сўради чол. Йигит кулимсирадию узун уҳ тортди:

— Тамом қилдик ремонтни!

— Колхоздагилар кутиб қолишгандир-а?..

— Бўлмаса-чи!— деди шофёр кулимсираганича пиёлани кафтига қўяр экан.— Охирги пахталарни ташиб олиш керак. Ҳали машиналаримиз унча кўп эмас-да...

— Ҳали ҳам яхши-ку,— деди чол.— Йигирма тўртинчи йили Урганч билан Гурланга иккита трактор юборишувди. Тайёр қолида эмас, майда қисмлардан иборат эди, яшикларга жойланган эди... Қизиқ давр эди!

Чол, чамаси, Хоразм далаларига техника етиб келган дастлабки кунлар ҳақида хаёл сурарди... Кутилмаганда радиодан эшиттирилаётган музика тиниб қолди. Гап-сўз тўхтади... Биз ҳаммамиз ана шу соатни кутардик. Ниҳоят, дикторнинг хирилдоқ овози об-ҳаво ҳақида хабар берида, охирида қўшиб қўйди:

— Ёғингарчилик бўлиши кутилади...

— Мендан сўраб қўяқолишса ҳам бўларди,— деб минғирлади чол.— Оёғим неча кундан бери азоб беради.

Йигит чой дамлаб бергани учун чолга раҳмат айтди-да:

— Бироз ухлайман-у, сўнгра кетаман,— деди.

Бурчакдан қувноқ овоз эшитилди:

— Балки сен икки миллионнинг сўнгги килограммларини ташиб оборарсан...

Йигит жавоб бермади. У аллақачон ухлаб қолган эди.

— Айтганинг тўғридир,— деди чол овоз келган тарафга қараб.— Мен ҳам ухлашим керак. Эрталаб шу йигит билан бирга кетаман. Иккаламизнинг йўлимиз бир.

Улар тонгда йўлга тушдилар. Кейинроқ бошқалар ҳам ўз колхозларига тарқалдилар.

МЕҲНАТ ҚУШИҒИ

Бу ЕРДА ҳар хил шеърлар ўқиларди: бирида ғам-андуҳ, бирида шодлик, хурсандчилик... Африкалик шоир ўз одати бўйича билагини ушлаб қўйди. Бу билан у гўё кечагина зулм занжиридан бўшатилган қўлини силагандек бўлди. Осиё мамлакатларидан бирининг шоири, ногоҳ йўтали тутиб қолиб, ўқиётган шеърини тўхтатиб қўйди. Унинг оддийгина шамоллашдан йўталмаётганини, бу дардни зиндонда орттирганлигини ҳамма биларди.

Зал жимжит эди. Кўзлар ҳаяжон билан боқарди. Бу ерда биз янги мамлакатларни, халқларнинг тақдирини, янги шеъриятнинг ажиб дунёсини билиб олардик.

1958 йил октябрь ойидаги газеталарда пахта далаларидан ёзилган лавҳалар ёнида шеърлар ҳам босиларди. Улар ҳиндий, япон, монгол, араб, турк... ва бошқа тиллардан ўгирилган таржималар эди.

Баҳор тонгги юрти эрур бизнинг
Непал,
Уйғонаётган Осиёнинг ўғлонларимиз...

Бу сатрлар Непал шоирларининг шеърларини ўзида жамлаган, «Камалак» деб номланган тўпламдан олиб таржима этилган эди. Бу ерда биз асрлар давомида қулдорчилик авж олган ўлка — Шарқий Африка, аниқроғи, Занзибар тили — суахилида биринчи марта шеърлар тингладик. Меҳмонларимиз ҳам кўп нарсаларни биринчи марта кўраётган эдилар.

Алишер Навоий номидаги театр залларидаги нақшлар, қизлар рақси, тўқимачилик комбинатида тайёр бўлиб чиқаётган минглаб километрли газламалар, пахта ҳосилини ташиётган карвонлар меҳмонларни ҳайратга соларди.

Ўша кунлари Ўзбекистон пойтахтида «Тошкент руҳи» деган қанотли сўзлар пайдо бўлди. Икки қитъа адибларининг дўстона сўрашишлари рамзи сифатида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг эмблемаси юзага келди.

Конференция иштирокчиларидан бири — Нозим Ҳикмат адабиёт нашриётига таклиф қилинган эди. У тўртинчи қаватга кўтарилиш лозимлигини эшитиб, хижолат тортгандек туриб қолди. Ҳозиргина чақнаб турган кўзларини ерга тикиб, қўли билан кўкрагини кўрсатди:

— Шифокорлар рухсат беришмаяпти... Лифтсиз мумкин эмас.

Лекин у тўртинчи қаватга лифтсиз кўтарилди: биринчи қаватда креслога ўтирди, шеърият мухлислари унн қўлда кўтариб чиқдилар.

— Ҳаётда ҳамма нарса бўлар экан,— дея куларди Нозим Ҳикмат.— Қаранг, шоҳлар сингари эъзоздаман.

Кимдир унга қўшимча қилди:

— Чинакам шоир сингари эъзоздасиз!

Ҳақиқатан ҳам у ўз ҳаётида кўп нарсани кўрган эди. Буни биз унинг машҳур «Таржимаи ҳол»идан биламиз:

Ухладим улкан турмаларда ҳам,
Улкан меҳмонхоналарда ҳам.
Тотиб кўрдим барча ноз-неъматларни;
Хўп яхши биламан, дўстим, ҳар
қалай.
Очлик эълон қилишнинг мазаматрасин.
Ўттиз ёшимда осмоқчи бўлдилар...

Нашриётда шеър ҳақида суҳбат бошланди.

— Сизнинг шеъриятингизда халқ ҳаёти, унинг ишлари асосий ўринни эгаллайди,— деди у.— Билиб турибмиз, ҳозир ҳамма пахта билан нафас оляпти. Ҳамма одам қўшиққа киришни, пахта билан яшашни истайди. Жуда ажойиб, жуда ҳайратланарли!

Нозим Ҳикмат пахтанинг гуллар билан бирга нақшларимизга кирганини, улкан фавворалларда ҳам пахта ва толаларга тўла чаноқлар акс этганини кўрди. У шоирона сўзлар билан «зангори кема» деб аталган машиналарни ҳам кўрди.

— Мен билган мамлакатда эса ҳали бунақа мўъжизалар йўқ,— деди у ва «Анатолия романтикаси»дан сатрлар ўқиди:

Бадқовоқ қўтосларнинг ғам-андуҳли
кўзлари,
Ер юзининг кичкина бурчагига
тикилган.
Недан хира тортган бу кўзлар —
Ғамданми,
Умидданми,
Кўз ёшиданми?..

Кейинроқ, ўша кунлардан етти йил кейин, ер юзининг шоир айтган «кичкина бурчаги»да бўлдим. Сўнгра Истамбулдаги Қопқали Чорши — Епиқ бозор атрофида ўнлаб тўқимачилик устахоналарини кўрдим. Ғоят ибтидоий дастгоҳ ортида битта одам эгилиб-букилиб ишларди. У ипни ён қўшнисидан — худди ўшандай дўкончадаги йигирув машинаси олдида куймаланаётган заҳматкашдан оларди... Ана шу дўкончаларга ва фабрикаларга ўша йилларда етиштирилган пахтанинг ҳаммаси — 300 минг тоннага яқин тола келиб турарди...

...1958 йилнинг кузида, икки қитъа адибларининг байрамидан бир неча кун кейин Ўзбекистон республикаси 3 миллион тонна пахта топширди. Бундай ғалабани қўшиққа қўшмай бўладими?!.

ИНСОН ИРОДАСИ

Малларанг палатка — чодир устида денгизчилар байроғи ҳилпираб турибди. Дастлабки қарашда қатор чодирлар ортида денгиз бордек, қуёш нурида жимирлаётгандек туюлади. Фақат диққат билан тикилсангиз, атрофда очиқ сайхонлик ястаниб ётганини кўрасиз. Чодирларнинг бир томонида эса, бутунлай янги йўлдош шаҳар — Сергелининг дастлабки бинолари қад кўтараётир.

Йўлини йўқотган шамол икки чеккасига ғишт терилган топ-тоза йўлакда тентираб ўйнайди. Жанговар йўли походлар билан эмас, қурган уйларининг майдони, гўзаллиги ва иморатларнинг мустаҳкамлиги билан ўлчанадиган Болтиқ Флоти ҳарбий қурувчилари лагерида жимлик ҳукм суради.

Чодир ичида қурувчилар ҳақида мақола езиб ўтирар эканман, ўзимни Болтиқ бўйларида юргандек ҳис этаман... Чодирга навбатчи кириб келади, менинг иш билан банд эканлигимни билмагандек, кечирим сўрайди

— Солдатларимиздан бирининг бобоси келди,— дейди у.— Фарғонадан келибди. Шу ерга кириб, сиз билан ўтирса майлими? Нима дейсиз? Чой келтираман. Гаплашиб ўтирасиз. Ахир, бечора Фарғонадек жойдан келган...

Навбатчининг кенг юзига, пачоқроқ бурнига тикиламан. Унинг қарашлари ташвишли кўринади. Мен унга Фарғонанинг жуда ҳам узоқ эмаслигини тушунтираман. «Отахонни чақир, гаплашиб ўтирамиз», дейман. Унга бир юмалоқ кўк чой тутқазаман-да:

— Шундан дамлагин чойни,— деб илтимос қиламан.— Фарғоналиклар шунақасини хуш кўрадилар.

— Хўп бўлади,— дейди навбатчи ва сўзини оҳиста давом эттиради.— Уларнинг ҳам бошига оғир кун тушган экан, Турғун айтиб берди.— У сўзлайтуриб уҳ тортиб қўйди.— Нималар бўляпти ўзи-а?.. Лаънати табиий офат икки томонлама қийнаяпти-ку. Бу ерда зилзила. У ерда, ҳалигидек, сел... Селнинг нималигини билмайман ўзим. Воронеж яқинида ўсганман. Қўрқинчли бўлса керак-а? Бу офатларга қарши қатъий ҳужум бошлаш керак...

Кўп ўтмасдан меҳмон чол иккаламиз кружкада чой ичиб ўтирар эдик. Қария бошини қимирлатганича чодир атрофига тикиларди.

— Турғунбой шу ерда турадими?

— Худди шунақа чодирда...

— Ёмон эмас,— дейди у,— топтоза. Бизлар ўз вақтида ертўлаларда яшаганмиз. Иккинчи Белоруссия фронтида. У пайтларда кружкалар ҳам бошқача бўларди. Польшада яраланганман. Чодирларда яшамаганмиз...

Навбатчи кўринди.

— Қурувчиларимиз тунда ҳам ишлайдиган бўлишибди,— деди у.— Турғунга одам юборайликми, отахон?

— Қўйсанг-чи! Хизматдаги одамни чақириб юрма. Шаҳарни совуқ тушгунча қуриб олиш керак. Кутиб тураман. Лекин бу ерда ётиб қолишга ҳам вақтим йўқ. Ишлар жуда кўп.

— Ахир сиз...— дея гап бошладию яна жим қолди навбатчи.

— Қариб, мункиллаб қолгансиз, демоқчимисан?— кулиб қўйди меҳмон.— Йўқ... Ўзимнинг бригадам бор. Аъзоларим кутиб туришибди. Тунги поезд билан жўнайман. Эртага далада бўламан...

Август ойи эди ўшанда. Пахта терими арафаси эди. Фарғона водийсида чиндан ҳам ишлар жуда қийин кўчарди. Ўн кунлар аввал мен Қўқон атрофидаги районларда, аниқроғи, Поп районидаги Ленин номли колхоз далаларида бўлганимда табиий офат келтирган мусибатни ўз кўзим билан кўргандим. Тоғдан тушган сел оқимлари туфайли Сирдарё қирғоқдан тошиб кетган эди. Автомобиль йўлларида улкан-улкан харсанг тошлар юмалаб ётарди. Машиналар ўша тошларни айланиб ўтишарди. Йўловчилар эса, нафасларини ичларига ютиб, қутурган офатнинг изларини кўздан кечирардилар. Сув балоси фақат биргина колхозда 380 гектар ерни хароб қилган эди. Одамлар кечасию кундузи тинмай ишлашарди. Гарчи тошқин излари ҳали тўла йўқолмаган бўлса ҳам, улар қатъий равишда:

— Ҳар гектардан қирқ центнердан топширамиз!— дердилар...

...Кечқурун қария йўлга тушди. Аммо якка ўзи жўнамади. Солдат Турғун Эргашевга аъло ишлагани, планни 185 фоиз бажаргани учун қисқа муддатли отпуска берилди... Лекин, орадан беш кун ўтганидан сўнг оддий аскар Эргашевни учратиб қолдим;

— Бекор юриш қийин экан,— дея кулди Турғун.

— Нега кўпроқ дам олмадинг?

— Уйда ҳам, қишлоқда ҳам ҳеч ким йўқ. Ҳатто болалар билан қариялар ҳам далада. Мен ҳам уй кийимида далага чиқдим, бироз қарашдим. Уларга осон эмас.

...Биз ўша йилни яхши эслаймиз. Тошкентликларга қийин бўлувди. Тошқинлар ва сел оқимларига дучор бўлган кўпгина районларнинг меҳнаткашларига ҳам ғоят қийин келган эди ўша йил.

Аммо, бошқа бир кайфиятни ҳам эслаймиз. Ҳар куни эрталаб шаҳарчанинг қурилиш майдончаларига йўл олган ҳарбий бўлинмалар солдатча қўшиқ айтиб боришарди. Кунлар ниҳоятда узун бўлишига қарамай, пахта майдонларида ҳам кечгача қўшиқ янграр эди.

Ўзбекистон ўша йили 4 миллион тонна «оқ олтин» топширган эди.

ОДДИЙ КУНЛАР

Июль ойи. Чўл тупроғи жазирама иссиқда қизиб ётарди. Ҳар ер-ҳар ерда ўсган гиёҳлар аллақачон қуриб қолган, устини чанг қоплаган эди.

— Зарари йўқ, ҳали бу жойларга ҳам етиб келамиз,— деди ҳамроҳим — район партия комитетининг ходими. У бу сўзларни бамайлихотир, шунчаки айтди. Чунки чўлқуварлар мана шу — иссиқдан ҳансираб ётган саҳрога ҳам яқинлашиб қолган эдилар...

Мирзачўлнинг ўтмишини жуда яхши биламиз. Энди у аввалги Мирзачўл эмас. «Ленинград» колхозининг посёлкасида, область маркази Гулистонда, янги совхозларнинг далаларида бўлган киши буни жуда яхши ҳис этади.

...Узоқда тўхтаб турган автобус кўринди. Унинг атрофида одамлар ғимирлаб юришарди. Яқинроқ бориб, биз ҳам тўхтадик. Кичикроқ каналнинг қирғоғи бузилиб, сув пастга оқиб ётарди. Сувнинг шиддати зўр эди, у чангли йўлни босиб ўтиб, иссиқдан тарс-тарс ёрилиб ётган ерларни босиб бораётган эди. Фақат биргина одамда белкурак бор экан. Қолганлар қуп-қуруқ қўл билан ишлашар эди. Сув тўхтамасди, шиддат билан оқарди.

Автобус ҳайдовчиси бизга умид билан тикилди. Гўё биз сув билан олишаётганларнинг ёлғиз нажоткори эдик. Биз қўлларимизни ёйиб, бирорта ҳам белкурак йўқлигини билдирдик.

— Гап белкуракда эмас,— деди автобус ҳайдовчиси,— совхоз посёлкасига кимдир бориб келиши керак. Бульдозер юборишсин-да ахир.

— Ўзингиз нега бормадингиз?— дея киноя билан сўради ҳамроҳим.

— Ахир, шунча одамни чўлга ташлаб кетаманми? Болалар бор, кексалар бор,— деди ҳайдовчи.— Сув уриб кетганини кўриб, тўхтатинг, деб туриб олишди.

— Булар ҳаммаси битта совхозданми?— деб сўрадим.

— Нега энди?— дея ҳайрон бўлиб елкасини қисди ҳайдовчи.— Оддий йўловчилар-да. Ҳар қайси ҳар тарафдан. Кўплари автобусда биринчи марта учрашишгандир.— Сўнгра у ўзича тушунтирди.— Сув танқислигини биласиз-ку. Бу нарса ҳаммага маълум-да.

Ўша куни автобусдан тушган одамлар астойдил ишлаб, бульдозер етиб келгунича тошган сувни қайтаришга эришдилар. Кўпчиликда ҳикмат бор, деганлари шу-да!

Октябрнинг сўнгги кунларида мен яна Сирдарё областига бордим. Пушкин номидаги совхозда эканимда шамол авжига чиқди. Шамол ҳатто бот-бот кўрак тозалагич машинадан чиқаётган пахталарни ҳам учириб кетмоқчи бўларди. Лекин машина атрофидаги одамлар учиб кетаётган пахтани паншахалар билан тутиб қолишарди.

Бригадир Ваҳоб Абдураҳмоновнинг толиққан, аммо жиддий қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгимда. «Ишларингиз қалай?» деб сўрашга ҳам ботинолмадим. Ўзи шундоқ ҳам маълум-ку, сўраб нима қиламан!

Уруш ветерани Аъзамжон Пўлатов билан йўл-йўлакай узоқ гаплашдик. Иссиқ кунда сув тошқини туфайли йўлдан тўхтаган автобусни эсладим, изғирин шамол пайтида Абдураҳмонов бригадасидаги ишлар ҳақида бир-икки оғиз сўзладим.

— Чўлқуварларнинг оддий кунлари бу,— деди собиқ жангчи. Мен унинг ўзи ҳақида сўрадим. Пўлатов ўзи тўғрисида деярли сўзламади:

— Мени бутунлай ҳордиқ чиқаришга кузатишди. Лекин... уйда ўтириб бўларканми. Кўряпсиз-ку, йил оғир келди.. Дарвоқе, байрам яқинлашяпти. Ғалабамизга ўттиз йил тўляпти-я. Жуда қутлуғ сана бу!.. Бу йил оғир келди. Бунақасини ҳеч эслолмайман. Қурғоқчилик, сув тахчиллиги, экин зараркунандалари... Нотаниш кишилар ана шунинг учун канал бўйида автобусни тўхтатганлар, билдингизми? Ҳар бир томчи сув ҳисобда эди. Абдураҳмоновнинг аъзолари шунинг учун бирорта толани шамолга совурмадилар.

1975 йили Сирдарё областида бўлиб ўтган бу учрашувлар чиндан ҳам оддий кунларда юз берди. Лекин ана шу оддий кунларда Пушкин номидаги совхоз планни ошириб бажарди. Жонажон Ўзбекистон эса ўша йили 5 миллионлик чегарадан ошиб ўтди.

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Арикдаги сув ғоят секин оқади, бамисоли эринибгина судралади.

— Жуда оз-а,— дея уф тортади звено бошлиғи. Кун иссиқ бўлишига қарамай у кирза этик кийиб олган. Очиғини айтганда, бунақа иссиқда фақат кирза этикда жон сақлаш мумкин.

— Ерларимиз сувга қонмаяптида,— деб ҳамкасабасининг сўзини тасдиқлайди звено бошлиғи Салим Жўраев...

Мен биринчи марта Бўка районига 1949 йили борган эдим. Ўшанда ўнқир-чўнқир, айрим жойлари тупроқли тош йўлдан машинада аранг ўтиб борган эдик. Машина ортидан кўтарилган чанг-тўзон авжи паст ғўзалар устига чўкарди. Ўшанда бу районнинг таржимаи ҳоли жуда қисқа эди.

1943 йилнинг май ойида, Курск остоналарида ғолибона жанг бошланган кунлари туғилган бу район бамисоли солдат сингари кучга тўлиб, меҳнатда чиниқиб борди, қурғоқчиликка ҳам, бошқа қийинчиликларга ҳам бардош берди.

— Мен Карпат тоғларида жанг қилдим,— деб ҳикоя қилади Салим.— Ўшанда биринчи марта тоққа чиқишим эди. Тоғнинг нималигини билиб олдим. Тоғлар узоқдан гўзал, суюмли кўринади, дейдилар. Аслида уларнинг гўзаллиги бу билан ўлчанмайди. Битта чўққини ортда қолдириб бошқасига чиққан одам уларнинг улуғворлигини ва жамолини ҳис этади. Ўшанда ўз кучингни билиб оласан, унга ишонасан.— У бир зум жимликдан сўнг қўшиб қўйди.— Ҳаётда ҳам шундай... Деҳқончилик иши — осон эмас, лекин она еримизда ишлаш мароқли. Бу ерда ҳам чўққиларни бирин-кетин эгаллайверамиз...

1966 йили «Ленин йўли» колхозида пахта ҳосили йигирма тўрт кунда йиғиб олинди. Мен бу колхознинг одамлари билан унча-мунча танишман. Ўша йили Ислом Борхўжаев билан бирга олис юртга сафар қилувдим. Танзания тупроғида ўстирилган ғўзаларни томоша қилдик.

— Офтобнинг иссиқлигини қаранг,— деди ўшанда ҳамроҳим.— Бу ерда роса меҳнат қилса бўлар экан. Меҳнат эса ҳеч қачон зое кетмайди. Бу ерда биринчи ўринга чиқиб олиш биз учун қийин эмас... Йилига 80 минг тоннага яқин пахта топширишар экан. Ҳар гектардан олинган ҳосил саккиз центнерга ҳам етмайди.

Танзаниялик агроном Ўзбекистондаги колхозларнинг ҳосилдорлиги ҳақида ўз эшитганларига ишонмаган бўлиши мумкин. Балки одоб юзасидан бош қимирлатиб мақтаб қўйгандир. Масалан, ўша йили Жалил Рамазонов бошлиқ комплекс механизмлашган звено гектаридан қирқ центнердан пахта етиштирди...

Звено бошлиғи ўз ҳаракатчанлиги, қатъийлиги, ҳар туп ғўза учун куюнчаклиги билан менинг эски танишим Салимга ўхшайди. Муҳаммад Ражабов ва Раҳмонқул Усмонқуловлар яқиндагина агрономлик дипломи билан ўз колхозларига қайтиб келдилар. Улар ҳам аслида Салимга ўхшайдилар. Шуниси борки, ишлар аввалгидан кўра хиёл кўпайган. Одамлар энди бошқа чўққига кўтарилиб олганлар. Бу чўққида 5 миллион тоннанинг белгиси бор...

Қуёш ҳам, сув ҳам, ер ҳам одамларга, одамлар бошқарадиган машиналарга бўйсунадиган бўлиб қолди.

Бўка районига қилинган яна бир сафар ёдга тушади. 1980 йилнинг кузи эди. Район марказидаги Шеърият боғи ўзининг турфа ранглари билан мафтун этади. Йўлаклар атрофидаги дарахтлар аллақачон кучга кириб, офтобни тўсиб олган. Ҳар ер — ҳар ерда классик адиблар ва ҳозирги замон ёзувчиларининг портретлари қўйилган.

Кечқурун шеърлар, ғазаллар янгради...

Ўзбекистон янги чўққини эгаллади — 6 миллион тонна пахта етиштирди. Бўкаликлар ҳам бу борада олдинги сафда бўлдилар.

Булар — биттагина районнинг таржимаи ҳоли. Эҳ-ҳе! Бунақа таржимаи ҳоллар қанчадан-қанча! Уларнинг ҳар бири муҳим воқеалар билан тўла. Ғалаба эса ана шундай муҳим воқеалардан таркиб топади.

О. ҲУСАНОВ таржимаси

МУЛЛА ТЎЙЧИ ҲОФИЗ

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов машҳур ўзбек халқ ҳофизи, республикамиз музика ҳамда ижрочилик санъатининг атоқли намояндаси, мақом ва халқ куйларининг асл билимдонларидан бири эди.

Бу умри боқий халқ санъаткорининг номини тилга олганимизда улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий шеъри билан айтиладиган «Ушшоқ» беихтиёр дилимиздан кечади, унинг мусиқий овози қулоқларимиз остида таралаётгандай бўлади... «Ушшоқ» Мулла Тўйчи ҳофиз ижросида, дарҳақиқат, қўшиқда айтилганидек, жон гулшанин чаман қилади, тингловчи қалбига рўшнолик, ҳаётга ошуфталик туйғуларини олиб киради. Қўшиқда мужассам топган юксак одамийлик: маҳбуб латофати, қалбнинг теран ҳис-туйғулари, севги-муҳаббатнинг мўъжизакорлиги, ҳаёт фалсафаси тингловчини сеҳрлайди, ҳаяжонга солади, ўйга толдиради.

Ҳақиқатан ҳам, Тўйчи ҳофиз ашулалари инсоний ҳис-туйғуларга бойлиги, юракнинг нозик пардаларини чертиб, ўзига ром қилиши, маромига етказиб ижро этилиши, қочиримлари, классик услуби, овозининг булоқ сувидай тиниқ, бир маромда таралиши билан кишини мафтун этади. Бу жиҳатдан у беназир санъаткор эди. Лоақал унинг ижросидаги Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Фузулий, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва шу каби кўпгина классик шоирларимизнинг ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни эсланг. Улар ўзбек классик қўшиқчилигимиз шуҳратини оламга ёйди. Музика маданиятимиз ва қўшиқ санъатимизнинг дурдоналаридан бўлиб диллардан жой олди.

...1895 йили Тўйчи машҳур «Шаҳнози гулёр»ни биринчи бор Чорсунинг орқасидаги сой бўйида қурилган чойхонада ижро этди. Йиғилганларга унинг овози маъқул бўлиб, яна бир-икки ашула айтиб беришини илтимос қилишгач, Тўйчи Фузулийнинг бир ғазалини энг ширали куйлардан «Баёт I» га солиб хониш этди:

Шифойи васл қадрин ҳажр ила
бемор ўландин сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор
ўландин сўр...

Ўша кундан эътиборан унинг номи қўшиқ мухлисларининг оғзига тушди. Тўйчининг қўнғироқдек ёқимли ва жарангдор овозини тинглашни кўплаб санъат шайдолари орзу қила бошладилар. Унинг таърифи ҳатто Исфара, Ўшгача етди. Энди мухлислар узоқ йўл босиб келиб, Тўйчини Қўқон, Наманган, Хўжанд, Марғилон, Андижон сингари шаҳарларда ўтадиган катта халқ йиғинларига, қўшиқ базмларига, сайилларга иштирок этишини илтимос қилиб, ўзлари билан олиб кетар эдилар.

Мана шу йиллари Тўйчининг шоирлардан Хислат ва Мискинлар билан дўстона ижодий муносабатлари янада мустаҳкамланди — икки ёш шоир ғазаллар битарди, ёш ҳофиз эса уларни куйга солиб, қўшиқ қилиб айтарди. Бу ижодий мулоқотлар кейинчалик жуда яхши самаралар берди — жонли, қиёмида айтиладиган ашулалар майдонга келди, уларни санъатсевар эл катта севинч, завқ-шавқ билан кутиб олди. Масалан, унинг шу йиллари жуда машҳур бўлиб кетган «Савти таронаи мухаммаси Хислат» ашуласи ҳали-ҳамон халқимиз томонидан меҳр-муҳаббат билан эъзозлаб келинади:

Эй нигорим, бу на савдо айладинг.
Меҳру ишқинг жон аро жо
айладинг...

1898 йилнинг ёзида Мулла Тўйчи Қўқонга қилган сафари вақтида халқ ўртасида ном қозонган ҳофизлар — Муҳаммад Умар, Абдуқаҳҳор, Назирхонлар билан танишди. Тўйчи ҳофиз, Муҳаммад Умар ва Абдуқаҳҳор — уч санъаткор ҳамнафас бўлиб куйлайдиган бўлдилар ва уларнинг шуҳрати тез орада бутун Туркистон ўлкасига ёйилди.

Ўзбек халқининг музика маданиятини ва қўшиқчилик санъатини бошқа халқлар ўртасида кенг ташвиқ қилишда ҳам машҳур ҳофизнинг хизматлари чексиз бўлди. Тўйчи ҳофиз ва унинг даврасидаги халқ ҳофизлари ўша пайтлардаёқ Москва, Рига мутахассислари, Тифлис музика жамияти, немис граммофон уюшмаси билан дўстлик алоқалари ўрнатдилар. Бу вақтда Тўйчи ҳофиз ижро этган 25 га яқин халқ қўшиқлари ва мақомлари грампластинкаларга ёзиб олиниб, кенг тарқалди. Бундай грампластинкалар «Мулла Тўйчи грампластинкалари» деган ном билан атала бошланди. Айни пайтда Тўйчи ҳофиз жонбозлиги ва ташаббуси билан инқилобдан олдинги йиллардаёқ Туркистон ўлкасидаги қатор шаҳарларда граммофон ва грампластинка дўконлари очилган эди. Бунга мисол қилиб 1905 йилда Тошкентда, 1911 йилда Хўжандда, 1912 йилда Андижонда ташкил этилган граммофон магазинларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Илм-фан аҳллари ихтиро этган мана шундай «мошина-қўшиқ»лар Туркистон ўлкасида ҳам ишлаб чиқилишини Тўйчи ҳофиз ўша даврларда жуда ҳам орзу қилган эди. Бироқ бу орзу бизнинг давримизга келиб рўёбга чиқди — бугунги кунда Тошкентда грампластинкага овоз ёзиб олиш студияси муваффақиятли ишлаб турибди, республика пойтахтидаги грампластинкалар ишлаб чиқарадиган завод эса йилига 22 миллион пластинка тайёрлаб чиқармоқда.

Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов Улуғ Октябрь революциясини қувонч билан кутиб олди. Советлар ҳокимияти ўрнатилган кунлардан бошлабоқ у ўз ижодини, санъатини, улкан истеъдодини янгича мазмундаги маданият ҳамда санъат хизматига сафарбар этди, янгича тузум афзалликларини куйлади:

Эзилган ишчига бу кун
Шўро даво кўринур...

Санъаткор халқ ҳофизларини, созанда ва бастакорларни тўплаб, янги ансамбллар, санъат ўчоқлари, талантли санъаткорлардан уюшган группалар ташкил этишда давлат муассасаларига, жамоат ташкилотларига яқиндан туриб ёрдам берди, ўзи доим санъаткорларнинг олдинги сафида борди.

Тўйчи ҳофиз 1920 йилдаги Бухоро инқилоби воқеаларида ҳам фаол иштирок этди. Шу йили Бухоро хонлигини — феодализмнинг Туркистондаги сўнгги таянчини емиришда шонли Қизил Армияга ва Бухоро инқилобчиларига кўмаклашиш ниятида Самарқанднинг «Регистон» майдонида кўнгилли ёшлар отряди тузила бошланди. Мана шу ёшларни Бухоро инқилобига ташвиқ этишда Тўйчи ҳофиз ҳам бир қатор санъаткорлар билан қатнашган эди. У барчага маълум бўлган халқ ашуласига ўхшатма қилиб ўзи тўқиган қўшиқни зўр кўтаринки руҳ, гражданлик пафоси билан ижро этарди:

Бухорога Самарқанддин,
Адолатни севиб жондин.
Беш бир ёндин, ўн бир ёндин,
Мардлар чиқур мардонавор.
Қўшин кетур даста-даста,
Ўт юракда, бўй барваста,
Сиз турмангиз мисли хаста,
Мардлар чиқур мардонавор!..

1923 йили Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов бир гуруҳ ўзбекистонлик атоқли санъаткорлар билан Москвада ташкил этилган Қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этди ва пойтахт санъатсеварларини ўзининг нафис ва жарангдор овози, жозибали қўшиқлари билан мамнун этди. Кўргазма қатнашчиларига маданий хизмат кўрсатишга таклиф этилган санъат арбоблари орасида Юсуф қизиқ Шакаржонов, Абдуқодир найчи Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Шораҳим Шоумаров, Ғулом Зафарий, Тўхтасин Жалиловлар ҳам бор эдилар.

Тўйчи ҳофиз республикада миллий музикали театрнинг ва айниқса музикали драманинг ташкил топиши ва ривожланиш жараёнида актив иштирок этди. 20-йилларда саҳнада намойиш этилган «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби спектаклларга музикалар басталашда Шораҳим Шоумаров, Юнус Ражабийлар билан бир сафда туриб хизмат қилди. Маннон Уйғур билан ижодий мулоқотда бўлди.

1927 йили Мулла Тўйчи ҳофиз Ўзбекистон Радиокомитети қошида биринчи бўлиб ўзбек музика ансамблини тузди ва кейинчалик бу ансамблнинг етакчи солистларидан бўлиб қолди. «Мен икки асрни ва икки тузумни кўрдим. Аммо санъаткорга нисбатан ҳақиқий ҳурмат-эътиборни фақатгина бу даврда — Шўролар даврида кўришга муяссар бўлдим. Аввалги замонларда бундай олижаноб аҳволни ҳеч ким ҳам кўрмаганди. Халқдан чиққан бир оддий хонандани бунчалик эъзозлаш ва юксакларга кўтариш фақат бизнинг замонамизда — Шўролар замонасида бўлиши мумкин. Бу эса, Октябрь инқилобининг улкан шарофатидир»,— деган эди Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов.

1937 йилда Тўйчи ҳофиз Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати декадасида қатнашди ва яна бир бор пойтахт қўшиқ шайдоларининг муҳаббатини қозонди. Декада кунларида Бутуниттифоқ Радиокомитети атоқли хонанда ижросида «Баёт» ва «Ушшоқ» мақомларини ёзиб олди. Халқ ҳофизининг декада кунларидаги катта муваффақияти юксак тақдирланди — у СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Тўйчи ҳофиз том маънодаги лирик хонанда эди. У ўзининг ноёб таланти, жуда ҳам ёқимли овози, юксак иқтидори, ижрочилик маҳорати билан халқ орасида машҳур бўлди. Элда Тўйчи ҳофиз номини каттаю кичик ҳурмат ва чинакам ғурур билан тилга олиши ҳам шундан эди. У ўзига хос ижрочилик мактаби яратди — уни барча «Тўйчи ҳофиз йўли» деб атайди.

Тўйчи ҳофиз илдизи минг йилларга қараб кетган мусиқа бойлигимизнинг ҳақиқий билимдонларидан, хазинабонларидан бири эди. У ижро этган оғзаки анъанадаги ўзбек профессионал музикаси намуналари — кўп қисмли ва якка ашулалар: «Баёт», «Фиғон», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Гиря», «Илғор», «Сувора», «Чоргоҳ», «Кўча боғи», «Шаҳноз — гулёр», «Таронаи Дугоҳ» ва бошқалар ўзбек музика маданиятида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, жиддий ва муҳим ўрин тутади.

Устод Тўйчи ҳофиз тарбиясидан баҳраманд бўлган атоқли санъат намояндалари ниҳоятда кўпдир. Улар орасида Шобарот ва Шожалил танбурчи-ҳофизлар, Шораҳим Шоумаров, Имомжон Икромов, Юнус ва Ризқи Ражабийлар, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, ака-ука Сўфихоновлар ва Шожалиловлар, Назира Аҳмедова, Ғуломқори Каримов, Мақсудхўжа Юсупов, Ғулом Абдураҳмонов, Ориф Алимаҳсумов, Маҳмуджон Ғофуров, Абдумутал Абдуллаев, Қаюм Шобаротов, Берта Давидовалар бор. Қардош Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистоннинг кўпгина санъаткорлари ҳам Тўйчи ҳофизни ўзларининг муҳтарам устозлари деб биладилар.

— Жомий ва Навоий ҳамдўстлигию ҳамнафаслигини Фурқат ва Аҳмад Дониш, Асирий ва Хислат, Айний ва Ҳамза, Тўйчи ҳофиз ва Содирхон давом эттирдилар. Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов буюк дўстлигимизнинг куйчиси, тожик халқининг ҳам энг севимли санъаткори эди,— деган эди Тожикистон ССР халқ ёзувчиси Раҳим Жалил.

Тўйчи ҳофиз Муҳиддин Қориёқубов, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Тўхтасин Жалиловлар сингари Ўзбек давлат филармониясининг фаолиятида ҳам қатнашди, Фарғона, Лоғон, Чирчиқ каналлари қурилишларида ҳароратли қўшиқлари билан элни бунёдкорликка, фаровон ҳаёт қуришга даъват этди, гўзалликни тараннум қилди. Тошкент Грампластинка заводи, Қашқадарё область Музикали драма театри, республика пойтахтидаги кўчалардан бири бугунги кунда халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовнинг мўътабар номи билан атаб келинмоқда. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб, грампластинкалар чиқарилган, телевизион ҳамда радиоэшиттиришлар ташкил этилмоқда. Булар ҳаммаси халқимизнинг ўз севимли санъаткори хотирасига бўлган чексиз эъзоз-эҳтироми, меҳр-муҳаббатининг юксак ифодаси бўлиб, бу эҳтиром қалбдан-қалбга, авлоддан-авлодга ўтиб давом этаверажак.

МЕҲРИБОНЛАР

ТЎХТАМУРОД Бухородан Тошкентга йўлга чиққанида ўзини бирмунча дуруст ҳис қиларди. Тўғри, бир ойча сирқовланиб юрди, кўкрак қафасида қандайдир оғриқ пайдо бўлиб, бир неча марта нафаси қисилди. Буни ўзича шамоллаганга йўйди. Янги ишга ўтган эмасми, бетобман, дейишга идорадагилардан ийманди. «Энди дурустман, ҳаво алмаштирсам ўтиб кетади», деб кўнглидан ўтказди.

Дарҳақиқат, Тошкентга келгач, енгил тортгандек бўлди. Институт сиртқи бўлимида уч кун лекция тингладн, ён-атрофидагиларнинг хушчақчақ кулгиси, ҳазил-мутойибалари билан бўлиб, бетобликни унутди. Лекин тўртинчи куни ўрнидан туролмади, иссиғи кўтарилиб, боши айланди.

— Касалхонага боришингиз керак,— деди «тез ёрдам» врачи уни текшириб кўраркан.

— Имтиҳонларим бор, дори-дармон қилсангиз, балки тузалиб қоларман,— деди Тўхтамурод қуруқшаган лабларини ялаб.

— Йўқ, йўқ, албатта, боришингиз керак, ўпкангиз шамоллаган,— дея сўзида туриб олди врач.

Эшикдан кираётганида Тўхтамуроднинг кўзи бино пештоқидаги ёзувга тушди: «ТошМИ. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли ревмакология маркази».

— Аҳволларингиз қалай? Мен сизни даволовчи врачман, Самия Алиевна бўламан,— деб ўзини беморга таништирди врач.

Врач Тўхтамуроднинг қон босимини ўлчади, кейин юрак ва ўпка ҳолатини текшириб кўрди.

— Қаттиқ шамоллапсиз. Юрагингиздан шикоятингиз борми?

— Йўқ. Лекин бир ойдан буён сирқовланиб юрибман.

— Режимга қаттиқ риоя қиласиз. Соғайтириб юборамиз,— дея беморга далда берди Самия Алиевна. Тўхтамурод врачнинг ортидан меҳр билан қараб қолди.

— Ҳа, ошна, хаёл суриб қолдингиз?— деб сўради рўпарасидаги каравотда ётган бемор.

— Ўзим, шунчаки. Врачимиз дилкаш аёл экан.

— Ҳа шундай. Бу ерда мен иккинчи марта бўлишим. Навоий шаҳридан келганман. Аввалги сафар ҳам шу врачга тушгандим. Жуда хушмуомала, билағон врач. Йўқ, фақат у эмас, клиникадаги бошқа врачлар ҳам шунақа. Профессорни айтмайсизми? Жуда камтар аёл.

Бемор Роҳила Қорабоева ҳақида билган ва эшитганларини Тўхтамуродга тўлқинланиб сузлаб берди. Унинг айтишича, Роҳила ТошМИда устозлари Моисей Ильич Слоним, Эргаш Отахонов ва Зулфия Умидова сингари етук олимлардан таълим олган экан. Роҳила дарсда тушунмаганларини улардан сўрашдан ийманмас, кўпинча клиникада қолиб, олган билимини беморлар шикояти билан таққослашдан эринмас экан. Роҳила 1951 йилда институтни тамомлагач, шаҳардаги клиникалардан бирига йўлланма олади. Бу ерда у клиникага юрак касали билан келган беморларни синчиклаб ўрганади, касаллик манбаларини қидиради. Шу пайтларда бод касаллиги (ревматизм)нинг келиб чиқиши билан ғоят қизиқиб қолади. Негаки, бод касаллиги юрак хасталигининг келиб чиқиш сабабларидан бири. Уни даволаш учун нима қилиш керак? Роҳила Афзаловна шу хусусда жиддий изланади. Ниҳоят масаланинг учини топади. Бод касаллиги артериал капиллярларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, инсон асабига таъсир қилади, фаолиятини сусайтиради. 1955 йили мазкур мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлайди. 1973 йилда эса бу ишни кенг кўламда якунлаб, медицина фанлари доктори илмий даражасига эга бўлади.

— Қачондан бери ишларкан?— деб сўради Тўхтамурод ҳамхонасидан.

— Учинчи йил ишлаши. Бу ер Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бод касалликлари маркази. Профессор Қорабоева шу соҳанинг етук мутахассиси-да. Республикамизнинг барча областларидан шифокорлар консультация олиш учун ҳам шу ерга келишади. Ўз навбатида шу кафедранинг доцент ва ассистентлари жойларга бориб, маҳаллий шифокорларга ёрдам кўрсатадилар. Оталиқларидаги Мирзачўл, Пахтакор, Дўстлик районлари деҳқонлари ҳузурида тез-тез бўладилар. Бугунги кунда Роҳила Афзаловна ва унинг шогирдлари 1920 йилда доҳиймиз В. И. Ленин тавсияси билан Тошкентга келган медик олимлар Моисей Ильич Слоним, Александр Николаевич Крюков, Моисей Филиппович Мирочник, Генрих Манкусларнинг ишини давом эттиряптилар. Айнан мана шу клиника жойлашган кафедрага профессорлар Генрих Манкус ва Моисей Слоним турли йилларда мудирлик қилган эдилар. Кейинчалик эса унга Носир Исмоилов, Зулфия Умидова, Мунира Турсунхўжаевалар раҳбарлик қилишди. Ҳозир клиникада бод касалликларидан ташқари юрак, ошқозон-ичак, жигар ва буйрак касалликларига чалинган беморлар ҳам даволанмоқдалар.

...Хонага баланд бўйли, хушбичим аёл билан Самия Алиевна кириб келди. Тўхтамурод даволовчи врачнинг ёнидаги киши ҳозиргина бемор таниши гапирган профессор Роҳила Афзаловна Қорабоева эканлигини фаҳмлади. Профессор уни синчиклаб текширди.

— Тахминингиз тўғри, Самия Алиевна,— дея даволовчи врачга юзланди профессор.— Ҳозирча томизиқли уколни тўхтатмаслик керак... Сизнинг аҳволингиз қалай?— профессор иккинчи беморга мурожаат этди. Уни ҳам синчиклаб текшириб кўрди-да:— Анча дуруст бўлиб қолибсиз. Кўпроқ очиқ ҳавода юришга ҳаракат қилинг,— деди.

Профессор беморлар билан самимий хайрлашиб чиқиб кетди.

Орадан бир ой ўтди. Тўхтамуродга рухсат берадиган бўлишди. Шунда Самия Мамедова унга маслаҳат бераркан, очиқ-ошкор деди:

— Бошда айтмадик. Аҳволингиз оғир эди. Миокроинфарктни оёқда ўтказгансиз. Оғир иш қилманг. Яхшиси, бирорта санаторияда хордиқ чиқаринг...

Тўхтамурод Самия Алиевнанинг берган маслаҳатларидан анча енгил тортиб, уйига — Бухорога жўнаб кетди.

Эртасига профессор ўз хонасига бўлим мудири Анатолий Иванович Лини таклиф қилди:

— Куйбишев шаҳридан келган беморга ҳам жавоб бериш муддати бўлгандир?— савол назари билан унга юзланди.

— Ҳа,— дея жавоб қилди бўлим мудири. Унинг кўз ўнгидан бир зумда Муҳамедовнинг дастлабки ҳолати ўтди.

...Зуфар Муҳамедов узоқ Куйбишев шаҳридан Тошкентни томоша қилгани келади. Шаҳарда бир ҳафта бўлиб, унинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиради. Ниҳоят, уйига отланади. Лекин вокзалда юрак хуружи тутиб қолади. Уни ҳушсиз ҳолида «тез ёрдам» машинасида касалхонага олиб келадилар. Меҳмон беморни алоҳида хонага ётқизишади. У икки кундан кейин ўзига келади. Умуман, у бу ерда бир ойдан кўпроқ вақт даволанади.

— Муҳамедов — шаҳримиз меҳмони, вокзалга қандай боришни ҳам билмайди. Бунинг устига, ҳали қувватга ҳам кирганича йўқ. Албатта, машинани чақиртириб, вокзалгача ёнига киши қўйинг. Поездга билет олиб беришга ёрдамлашсин...

Ҳа, Роҳила Афзаловна Қорабоева беморларга ана шундай меҳрибон инсон. Бу фазилат кафедра ва клиниканинг А. Ҳасанов, М. Саидова, Н. Насриддинова, И. Муродқосимов, А. Алижонов, Н. Мирюнусов, Ш. Раҳматуллаев П. Павлий, С. Мамедова каби илмий ходимлар ва шифокорларига ҳам хос. Шу нарса клиниканинг «Таклиф ва мулоҳазалар» китобида ҳам қайд этилган.

Ҳамид ЖАЛОЛОВ

МУҒОМБИР ФИЛ

Ҳиндистондаги чангалзорлардан бирида овчилар ёввойи филни тутиб, йўғон сим арқон билан боғладилар. Улар сим арқоннинг иккинчи учини иккита ўргатилган филга боғлаб, ёввойи филни чангалзор-тўқайдан олиб чиқишга уринди лар. Бироқ ёввойи фил овчиларга жонжаҳди билан қаршилик кўрсатаверди, охирида чуқур нафас олиб чайқалди-да, ерга гупиллаб йиқилди. Уни ўрнидан турғизишга ҳарчанд уринсалар ҳам фойдаси бўлмади. У ўликдай қимир этмай ётарди. Овчилар ёввойи филни ўлган ҳисоблаб, сим арқонни ечиб олиб йўлга тушдилар. Бироқ овчилар ҳали унча узоқлашмаган ҳам эдиларки, «ўлган» фил ўрнидан сакраб турди-да, тантанавор қийқириб қочиб қолди.

ҒАЙРИТАБИИЙ МУЗИКАЛАР

Уйқусизлик, бедорлик дардига учраган кишилар учун Япониядаги «Соунд-ворк» овоз ёзиш фирмаси антиқа кассеталар ишлаб чиқара бошлади. Бу кассеталарга тезда уйқу келтирадиган, одамни тинчлантирадиган музикалар ёзилган. Музикачи В. Омурнинг фикрича, унинг ўзи мазкур куйни басталаётган чоғида бир неча бор кўзи уйқуга кетиб, ерга ағанаб тушган. Фирма шунингдек кишига бардамлик, тетиклик бахш этадиган музикалар ёзилган кассеталар ҳам чиқармоқда. Уларда итнинг ҳурриши, хўрознинг қичқириши ҳамда беъмани кулгилар, ҳар хил ғайритабиий товушлар акс эттирилган.

ХОНАКИ ТУРНА

Турналар аслида Олтой ўлкаси устидан жуда камдан кам учиб ўтади. Бироқ Косиха шаҳрида истиқомат қиладиган Санаровларнинг мўъжазгина ҳовлисида хонаки турна яшайди...

Эр-хотин Санаровлар гўшт комбинати ёнидаги кичик ҳовлида турадилар. Кунлардан бир куни бу ҳовлига қаноти синган турна йиқилиб тушади. Одамларнинг меҳрибонлиги ва эркалашига кўниккан қуш бу ердагиларга, айниқса омла бошлиғи Геннадий Николаевич Санаровга ўрганиб қолади. Уй эгаси қаерга борса Турнавой худди соқчидек унга эргашиб юради. Шуниси қизиққи, хонакилашиб қолган бу қуш бегоналарнинг қўлидан овқат емайди. Бир гал қўшнилар синаб кўриш мақсадида Турнавойни ўз ҳовлиларига олиб кетдилар. Қуш бунинг эвазига «очлик эълон қилди» ва ниҳоят эгасининг овозини эшитмагунча оғзига битта ушоқ ҳам олмади.

ҒАРОЙИБ КЎЛ

Ер юзидаги энг ғаройиб кўллардан бири Тринидад оролига жойлашган. Бу кўлнинг ғаройиблиги шундаки, ундан ҳамиша... асфальт оқиб чиқади. Унинг бу хусусиятн қадимдан маълум. XVI асрда яшаган инглиз денгизчиси ва қароқчилик операцияларининг ташкилотчиси Уолтер Рэли ўз кемасининг ташқи ёриқларини беркитишда ана шу асфальтдан фойдаланган. У бу асфальтнинг оддий смоладан яхши эканлигини, жазирама офтобда ҳам эримаслигини мақтаб гапирган.

Ла-Бреа посёлкаси яқинида жойлашган ана шу Пич-Лейк кўли унча катта эмас: салкам қирқ гектарча майдонни эгаллаган. Лекин, унинг чуқурлиги саксон метрдан зиёдроқ. У бошқа биронта кўлга ўхшамайди: улкан тоғорасимон чуқурлик домбо қопқора қуюқ суюқлик билан тўлиб туради. Пич-Лейк кўлидан ҳар йили юз тонналаб табиий асфальт ташиб кетилса-да, унинг сатҳи пасаймайди. Демак, ер қаъридаги битум «заводи» инсонлар ташиб кетаётган маҳсулот ўрнини тўлдириш учун меъёрли ишлаб турибди.

ХУРОФОТ— ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Социализм билан империализм ўртасидаги мавжуд тарихий рақобатда империализм ўз марраларидан бирин-кетин чекинаётир. Халқаро ҳаётда юз бераётган бундай ижобий ўзгаришлар социализм нуфузини янада ошириб юборди. Империалистик доира вакилларининг жон талвасасида совет турмуш тарзини сохталаштиришга, социалистик ғояларни таниқид қилишга зўр бераётганликларининг сабаби ҳам шунда. Ғоявий душманларимиз, айниқса совет кишиларининг коммунистик дунёқарашига, мамлакатимиздаги мавжуд атеистик тарбияга доимий равишда ҳужум қиладиган бўлиб қолди.

Социализмга қарши курашда буржуа мафкурачиларининг ташвиқоти динга, жумладан, ислом динига нўпрок таянмоқда. Тўғри, бутун дунёдаги афкор омма мусулмонларнинг ҳақиқий душманлари ким эканлигини яхши биладн. Айниқса, исроил сионистлари ва америка империалистлари Фаластин халқи бошига солаётган мусибат фақат арабларнинггина эмас, балки барча ислом дини тарафдорларининг ҳам кўзини очди, уларнинг ҳақиқий душманлари башарасини кўрсатиб берди.

Шунга қарамасдан ислом дини тарқалган талай мамлакатларда ҳали ҳам мураккаб жараён мавжуд. Айрим мамлакатларнинг антикоммунизм снёсатдоилари ислом динидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Баъзи бир мусулмон давлат арбоблари коммунистик ғояга қарши бўлган ислом социал таълимотини ишлаб чиқишга уринишяпти.

Жаҳолатпараст мусулмон руҳонийларининг бундай «назария»лари антикоммунизм ташвиқотида янгилик эмас. Бундай «назария»лар Америка Қўшма Штатлари, НАТО мамлакатлари ташвиқотининг ҳозирги ғоявий хуружининг бир йўналиши, таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ислом динида марксизм-ленинизмга қарши олиб борилаётган ғоявий курашни мустақил ғоявий куч деб эмас, балки католицизм, православие, бошқа дин «ҳомийлари»нинг бизга қарши курашининг бир кўринишн деб қарамоқ лозим.

Ҳозирги даврдаги ғоявий курашнинг хусусияти шундан иборатки, христиан дини билан ислом дини, айрим ғоявий душманларимизнинг «назария»ларига биноан, марксизм-ленинизмга қарши курашда ҳамкорлик йўлини тутаётир. Бунинг сабаби бор, албатта. Илмий коммунизм таълимоти эндиликда бутун дунёда кенг тарқалиб, миллион-миллион кишиларнинг кураш ва енгиш қуролига айланиб қолди. КПСС XXVI съездида таъкидланганидек, «Социализм бирон даражада таъсир ўтказмаётган бироита мамлакат ёки мамлакатлар группаси, бироита ҳам ғоявий ёки снёсий оқим йўқ». Худди шунинг учун ҳам марксизм-ленинизм таълимотига қарши қора гуруҳлар бир ёқадан бош чиқариб курашишни уюштираяптилар. Бу кучлар оқимига ислом қора гуруҳчиларининг мафкураси ҳам бориб қўйилаётир.

Чет эллардаги ислом жаҳолатпарастлик оқимн снёсий нгвогарлик билан чегараланиб қолмасдан, советларга қарши курашиш учун материалистик таълимотнинг моҳиятини сохталаштиришда диний фарқларни унутиб қўяётир. Аслида марксизм-ленинизмга қарши кураш тўғрисида гап кетганда, барча диний жаҳолатпарастлик оқимлари бир-бирини яхши тушунади!

Мусулмон мутаассиблиги марксизм-ленинизмнинг жамият тўғрисидаги таълимотини бузиб кўрсатиш билан бирга, социалистик мамлакатлардаги ҳақиқий ҳаётни ҳам сохталаштиради ва шу йўл билан хусусий мулкнинг «муқаддас»лигини «исботлаб», қаллоблик тузумнинг устунлигига носоциалистик мамлакатлар аҳолисини ишонтиришга уринади.

Маълумки, кейинги вақтларда кўпгина мусулмон мамлакатларида хусусий мулкка асосланган, халқни эзувчи тузумни ағдариб ташлаш учун диндорлар билан динга ишонмайдиган меҳнаткашларнинг бирлашган иттифоқи бунёдга келаётир. Ислом мафкурасини ўзларига қалқон қилиб олган империализм маддоҳлари эса, шу иттифоққа қарши иш олиб бормоқдалар. Уларнинг бугунги кундаги барча «назарий» таълимотлари ислом дини тарқалган мамлакатлардаги меҳнаткашларни революцион йўлдан чалғитиш ва миллий-озодлик ҳаракатини сўндиришдан иборатдир.

Қора гуруҳчилар аксарият пайтларда коммунизмга қарши ҳаракатни кучайтирганларида мусулмон мамлакатларидаги аҳолининг диндорлигига таянадилар. Бироқ, империализм ташвиқотчиларининг жаҳолатпараст мусулмон мафкурачиларининг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамай, бир қанча мусулмон мамлакатларининг халқлари социализм томон элтувчи йўлни танлаб олмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимиздаги мусулмон руҳонийлари аллақачон социализм кўпчилик бахти деган қарорга келганлар ва амалда уни қувватламоқдалар. Мусулмон руҳонийлари КПСС ва Совет давлатининг ички ҳамда ташқи снёсатини тўла қўллаб-қувватлаб чиқаётганликлари фикримизнинг далилидир.

Чет эллардаги ҳозирги замон ислом жаҳолатпарастлари динининг инқирозга учраши сабабларини бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд атеистик тарбия системасидан изляяптилар. Империалистик буржуазиянинг пулига сотилган мусулмон қора гуруҳчилари социалистик турмуш тарзига қарши курашда ўз сояпарварларининг йўлини тутмоқдалар. Улар «СССРда ислом дини оёқ ости бўлмоқда», «СССРдаги мусулмонларга ёрдам бериш керак», деган ўта қўпол, ибтидоий миш-мишларни тарқатмоқдалар. Мусулмон қорагуруҳчилари бизнинг мамлакатимиздаги ислом ва мусулмонларнинг аҳволини сохталаштириш учун СССРдаги мусулмон динний ташкилотлар билан социалистик давлат ўртасидаги ўзаро муносабатни бузиб кўрсатишга ҳаракат қилаётирлар. Ҳолбуки, бизнинг мамлакатимизда диндорларга ҳам, динга ишонмайдиганларга ҳам эркинлик яратиб берилган. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленинининг ўзи ҳар қандай эътиқодга ҳурмат билан қарашни маслаҳат бериб: «Ҳар бир эътиқод зўрлик ёки алдамчилик йўли билан амалга оширилмас экан, дин ишларидаги ҳар қандай чин эътиқодга жуда ҳурмат билан қарашни дарҳол тўппа-тўғри ва очиқ қилиб айтишни ўз бурчим деб ҳисоблайман», деган эди.

КПСС Марказий Комитетининг Июнь пленумида динга, диндорларга, айниқса ундан ғаразлик ва миллатчиликни қўзғотиш мақсадларида фойдаланишга уринаётган буржуа мафкурачиларига қарши муносабатимиз очиқ-ойдин белгилаб берилди. «Аҳолининг динга ишонувчилар қатламининг ўзига хос хусусиятини эътиборга олган ҳолда,— дейнладн КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненконинг пленумда қилган докладида,— улар ўртасида иш олиб боришни ҳам бўшаштирмаслик лозим. Одамларнинг бир қисми,— тўғридан-тўғри айтиш мумкинки,— талайгина қисми ҳамон дин таъсири остида қолиб келмоқда. Империализмнинг кўп сонли идеология марказлари уларнинг диндорлигини қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки авж олдиришга, унга антисовет, миллатчилик йўналиши беришга интилмоқдалар. Диний экстремистларга, айниқса, катта умид боғланмоқда. Айни пайтда «СССРда виждон эркинлиги бузилмоқда», деган уйдирмалар тарқатилмоқда.

Бу ҳақда нима ҳам дейиш мумкин! Виждон эркинлиги Конституция билан гарантияланганлиги ҳақидаги гап ҳаммага маълум. Коммунистлар — изчил атеистлардир, аммо улар ўзларининг дунёқарашини ҳеч кимга зўрлаб тиқиштирмайдилар. Бизнинг методимиз — маърифатли қилиш, ишонтириш, пропаганда қилишдир. Лекин биз социалистик қонунларни бузиш фактларига, дин билан ниқобланган снёсий қўпорувчилик фаолиятига дуч келганимизда Конституциямиз талаб қилганидек, ҳаракат қилаверамиз».

Ислом назариётчилари ҳам буржуазия ташвиқотчилари каби СССРдаги миллий муносабатлар ҳақида сохта гапларни тўқиб чиқарадилар. Социализм душманлари совет халқларининг ижтимоий-снёсий бирлигини бузиб ташлаш учун бор кучларини сарф қилмоқдалар. Ҳатто улар халқларимиз ўртасида миллий адоват чиқаришга ҳам уринмоқдалар.

Совет кишилари ўртасидаги ғоявий бирлик ҳар хил кўринишдаги ғоявий душманларга қарши курашда шаклланди, вояга етиб чиникди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов СССРнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан қилган докладида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Маркс-Ленининг миллий масалани фақат синфий асосда ҳал этиш йўли топилиши мумкин, деган таълимоти тарихий ҳақлиги тўла-тўкис тасдиқланди. Социал антогонизмлар билан бирга миллий адоват, ирқий ва ҳуқуқсизлик ҳамда зулмнинг ҳамма турлари ўтмишда қолиб кетди».

Дарҳақиқат, бугун Совет Шарқи меҳнаткашлари асрий қолоқликни тугатиб, социалистик тузумни мустаҳкамлаш учун бор кучларини ишга солмоқдалар. Уларнинг ғайратига, шижоатига ҳеч қандай ғоявий душман халақит бера олмайди.

С. УТАНОВ,
К. КОСАНБОЕВ,
фалсафа фанлари кандидатлари



Уланса хўрларнинг парвози.

Расмни А. ХОЛИҚОВ чизган

Фаластин шоири Маҳмуд Дарвиш тараққийпарвар жамоат арбоби, «Нилуфар» мукофоти лауреати, Яқин Шарқ халқларига тинчлик, фаластин халқининг адолатли ҳақ-ҳуқуқлари учун курашнинг атоқли намояндасидир. Унинг шеърларида эрксевар ва интернационалист, замонамизда рўй бераётган прогрессив ижтимоий ҳаракатларнинг қизғин иштирокчиси бўлган араб зиёлисининг мураккаб ички дунёси моҳирона ифодалаб берилади.

Маҳмуд Дарвиш бу йил «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотига сазовор бўлди.

Қуйида шоир шеърларидан таржималарни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Маҳмуд ДАРВИШ

ИККИ ҚАНОТ АСИРИ

Кўк сари учаман.
Кўк сари.
Муҳаббатим кўки сари.
Бўрон ҳайқириғи
амр айлар
Юраккa.
Пастда қолдираман
дилкашлик қилаётган кабутарнинг
ишқий ғув-ғувини,
қолдираман
уйқусиз новдаларда
дилни тилкалайдиган
фиғонини.
Муҳаббатимнинг
очиқ дераза ларига
бостириб кирар ҳаётнинг
шаҳри.
Парда ортида:
балчиқларга ботган
ой.
Кексалик
таъмини бергувчи
болалик пиёласи...
Биз уни ичдик,
ичавердик
оғзимиз
яра бўлаётганини
сезмагунимизча...
Эшитаётибсанми, маҳбубам?
Орамизда:
қонли дарё —
айрилиқ.

Мен
икки қанот асириман:
сенинг ва озодликнинг.
Сиз мендан
қанчалар олисдасиз!
Ҳаёлий қирғоқлардасиз!
Қанчалар яқинсиз
кўнгилга!
Иккингиз ҳам азизсиз менга,
бирдек суюк бўлгани каби
эгизаклар онага.
Қанотларим
тегинмоқда кўкка.
Муҳаббатимиз кўкига.

ҚАМОҚХОНАДАН МАКТУБ

Юлдузлар.
Офтоб.
Ой.
Кела олдилар ёнимга.
Отдилар лекин уларни.
Селлар.
Дарахтлар.
Гуллар.
Кела олдилар ёнимга.
Осдилар лекин уларни —
тиконли симга.
Қўшиқларим,
кўнглим,
шеърларим
йўлга тушдилар шунда.
Тута олмадилар уларни.
Ҳар куни учрашасиз
улар билан — ўшандан бери:
кафт билан кафтдек.
Шамолу алангадек.
Сўзларим
жону тани билан сезгир,
чайирлиги учун
мени тепкилайди жаллодлар.
Менинг қўшиқларим —
улар юзига
тупирилган тупик.
Мен
мурожаат қиламан
одамларга,
севгилиларга:
биз,
муҳаббатингиз асирлари,
бу жирканч қамоқхона
жаннатида
оёқ-ости қилганимиз йўқ
ўз инсоний қиёфамизни.
Кун сайин эмас, соат сайин
улғаймоқдаман
Ватанимга
муҳаббатим туфайли.
Алангани
қучоқлаётган шамол бўлиб,
қучоқланг мени.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ
таржимаси

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ҚЎЛГА ЎРГАТИЛГАН ТИМСОҲ

Лутембенинг «эгаси» анчагина қуритилган балиқ олди-да, мени бошлаб қирғоқ томон юрди. Тинчгина турган кўлнинг узоқ-узоқларига назар ташлади. Кейин у кафтларини оғзига карнай қилиб, овозининг борича чўзиб-чўзиб: «Лутембе! Лутембе!» деб қичқирди.

Йигит яна қичқирди. Бу гал аввалгидан ҳам қаттиқроқ бақирди. Ниҳоят, йигит кўл юзасидаги қандайдир нуқтани қувонч билан кўрсатиб, менга қараб жилмайди. Аввалига мен ҳеч нарсани пайқамадим, кейин енгилгина тўлқинни кўрдим. Яна бир неча минутдан сўнг, кўзим тўппа-тўғри биз томонга сузиб келаётган дарранда тумшуғига тушди. Жонивор қирғоққа яқинлашганида, мен тимсоҳнинг ликиллаб келаётган думи, катта оғзи, ғадир-будур танасини аниқ кўрдим. Тимсоҳ қирғоққа чиқди ва кўпол ҳаракат билан эгасининг ёнига ўрмалаб борди. Мен ундан бир неча қадам нарида, қоқ балиқ олдида туриб, бу ажойиб томошани кинога олардим.

Тимсоҳ жуда баҳайбат эди. Айниқса, у гордек оғзини катта очганида кўзимга ниҳоятда даҳшатли бўлиб кўринди. Унинг узунлиги тўрт ярим метрча келарди. Аввалига у оч кўзларини менга тикаётгандек туюлди. Йигит битта балиқни олиб, қўлини тимсоҳга ярим қаричча яқинлаштириб, унинг очилиб турган оғзига ташлади. Тимсоҳнинг найзадек ўткир тишлари шу заҳотиёқ балиққа санчилди. Балиқлар бирин-кетин бу тубсиз «гор»га тушиб, ғойиб бўларди. Кейин африкалик йигит эҳтиётлик билан тимсоҳнинг думига ўтирди.

— Тимсоҳинг неча ёшга кирган?— деб сўрадим.

— Беш қирол ёшида, яъни қирол Каманья, Суна, Мутеса, Мванго ва Чва даврида ҳам яшаган, оғайни — деди йигит.

Баганда қабиласи қироларининг қанча муддат яшаганликларини билмас эдим. Кейинроқ аниқлашимча, булар бирин-кетин ҳаммаси бўлиб 125 йил қироллик қилган эканлар.

Афтидан йигит тимсоҳ ёшини ошириб айтмаган эди. Лутембени дастлаб бу йигитнинг бобоси балиқ бериб ўргатган экан. Тимсоҳ кундалик овқатга ўрганиб, ҳар куни қирғоқнинг шу ерига келиб тураверар экан. Аста-секин у ўз лақабига ҳам ўрганибди ва «Лутембе» деб чақиришганда қирғоққа етиб келадиган бўлибди. Дастлабки «эгаси» қазо қилгач, Лутембе унинг ўғлига мерос бўлиб қолибди. Ўғил эса Лутембени турист ва саёҳатчиларни қизиқтирувчи ва ўзига жалб этувчи ёқимли, безарар жониворга айлантирибди.

Балиқдан оз-моз қолганда:

— Энди балиқни мен едирсам майлими!— деб сўрадим йигитдан.

— Ява ради, оғайни — дедн йигит тимсоҳ устидан тушиб.

Шундай дедиму, балиқдан олдин у менинг қўлимни еб қўйса керак, деб ўйладим. Шунда ҳам мен унга балиқ бериб кўришга жазм этдим. Мен ҳавотирланиб, жуда ҳам эҳтиёткорлик билан балиқнинг думидан ушладим-да, тимсоҳга узатдим. Лутембе менга қарадимм ёки балиққа қарадимми, ҳар ҳолда кўзлари ялтираб мен томонга тез ўрмалай бошлади. Мен қўрқиб, орқага тисарилдим. Тимсоҳлар қуруқликда ҳам тез ҳаракат қилишар экан. Лутембе менинг ёнимга етиб келиши билан мен унинг очиқ оғзига балиқни ирғитдимда, бир неча қадам яна орқага сипжиб олдим. Тимсоҳ балиқнинг кичиклигиданми ёки менинг ишонмаганимдан хафа бўлдими, ҳар ҳолда ўрмалаб бориб сувга тушди ва қирғоқ яқинида айланиб суза бошлади. Мен ташланган нарсани тимсоҳ тутиб олиб эгасига келтириб берармикан деган хаёлда қирғоқда ётган ярим метрча таёқни тимсоҳга қараб улоқтирдим. Мўлжални яхши олмаган эканман, таёқ тимсоҳнинг елкасига бориб тегди. Лутембе қаттиқ жаҳли чиққандай, тез бурилди-да, кўл ўртасига сузиб кетди.

— Лутембе! Лутембе!

Аммо Лутембе қайтмади. Йигит чақиришдан тўхтамади. Ниҳоят, Лутембе тажанглик туфайли яхши овқатдан ажралиб қолишдан чўчиди шекилли, бўлиб ўтган нишнинг ҳаммасини унутиб, орқага қайтди. Бу гал йигит унга тўйгунича овқат берди. Кейин Лутембе офтобрўяга чўзилди, ухлаш олдидан оғзини катта очиб ётди.

Биз қирғоқдан қайтдик. Бошқа тимсоҳларнинг ҳаммаси одамдан қочгани ҳолда, бу тимсоҳнинг инсон билан иноқлашиб кетишига нима сабаб бўлганлиги маълум эмас эди. Буни мен фавқулодда ҳодиса деб ўйлайман. Демак, одамлар ёввойи ҳайвонларга тегажоғлик қилмасалар, уларни овламасалар, ҳайвонларда инсонларга нисбатан душманлик кайфияти туғилмайди.

Л. КОТЛОУ
(«По материкам и странам» китобидан)

Жамол КАМОЛ

ҚЎШНИЛАР

ҲАНГОМА

Қўшниларим бири — ишчи,
Бири — оддий қурувчи.
Ишдан кейин қиттак-қиттак
Отиб-татиб турувчи.
Кўча-кўйда пиво сероб,
Кўча-кўйда мусаллас.
Қўшниларим бир кун чала,
Бириси кун тўла маст...
Келишади суянишиб,
Суюқ ошдай суюлиб.
Қараганга — қўш мағизли
Ялакатдай туюлиб.
Бошланади шунда ғовур,
Бошланади баралла:
Азонгача тапир-тупур,
Ўйин-кулги, таралла...
Бу савдолар оширгандан
Оширади зардимни.
Ахир, бир кун чидаёлмай,
Айтдим юрак дардимни:
«Ҳой, қўшнилар, борми инсоф,
Худо олди уйқуни.
Улсин агар ичиш деган
Бўлаверса ҳар куни.
Шу зорманда ичкиликдан
Наф кўрибди қай одам?
Доим эмас, гоҳ-гоҳ, деган,
Кам-кам, деган Хайём ҳам!..»
Қўшниларим жим қолишди,
Бир-бирига қарашиб.
Кейин роса хахолашди,
Ёш боладек яйрашиб.
«Қиттак-қиттак отилмаса,
Даврон тугул, дам эмас.
Сиз ҳам биздан қолишмайсиз,
Сиз ҳам биздан кам эмас...
Ичингиздан пишиқсизу
Кўринишда анойи.
Қачон кўрса шивир-шивир,
Ширин-ширин хиргойи...
Қачон кўрса ширакайфсиз,
Кайф устида юрасиз.
Майин-майин симирасиз,
Роҳатини сурасиз...»
Мен ширакайф? Ёрилгудек
Бўлар худди тоқатим.
Лекин шу дам эсга тушар
Ғалати бир одатим.
Мен гоҳида йўлларда ҳам
Хаёл билан бўламан.
Шивир-шивир шеър тўқийман,
Хиргойи ҳам қиламан...
Ана шуни айтишади,
Ана шунга ишора.
Қўшниларим гапни тағин
Илиб кетди шу ора:
«Кўзингизни очинг мундоқ,
Уйғоқмисиз, ухлоқсиз?
Тўғри, пича ўқигансиз,
Лекин анча қолоқсиз!
Хайём билан орамизда
Тўққиз, балки, ўн аср.
Бизнинг аср эмас ундоқ
Алай-балай, жўн аср.
«Тез-тез, яна кўп-кўп!»— мана
Бизнинг аср байроғи.
Қойилмисиз? Баракалла!
Шундоқ бўлсин бу ёғи...»

ОШИҚОНА

Паривашга кўринмоқ эрди матлаб,
Кўриндим, ул паризод ҳам кўринди.
Умидим шамчироғи ёнди яшнаб,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Ўзингни мубтало бўлмоққа шай қил,
Кўзимга ул қаро кўзлар уринди.
Қилар ишни хижолат айламай қил,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Очилди кўзларимга сирли олам,
Хаёлим уфқидан тоғлар суринди.
Карам қилгил, иноят айла сен ҳам,
Борайлик, мунисим, жоним, юр энди.

Муҳаббатни таманно қил, таманно,
Сабр, деб шунчалар ётдинг, тур энди.
Яна ёндиргали юз очди раъно,
Ёнайлик, мунисим, жоним, юр энди!

ОҚИБАТ

Бу йўлда учратиб кўрдилар мени,
Ҳар кимки учради йўлда, кўрдим мен.
Башарий имонинг бутунми, яъни,
Оқибатинг борми, дея сўрдим мен.

Оқибат йўлига тикиб гаровлар,
Ютқиздим, ютиб ҳам ютмадим унча.
Оқибат кўрсатди менга бировлар
Иш битиб, эшаги сувдан ўтгунча...

Ва лекин, эй кўнглим, унутма зинҳор,
Унутма, бу дунё — тошу тарозу
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,
Шундан бошқасини айлама орзу...

Одамлар учрайди, юзлари шувут,
Қадамига ўлчаб босар қарични.
Шуларнинг шаънига ёғдирмасми юрт:
«Оқибатинг қурсин!» деган қарғишни.

Агар қўйиб берсанг, бировлар илдам
Нафсига юртини айлагай фидо.
Шуларнинг шаънига эмасми ҳар дам:
«Оқибатинг куйсин!» деган бир нидо...

Келар асрлардан мардона бир сас:
Тоғлар бу дунёда тургуси абад.
Шу мовий самода юлдузлар сўнмас,
Халқнинг юрагида яшар оқибат!

Кўнглим, сен шуларни унутма зинҳор,
Унутма, бу дунё — тошу тарозу.
Тошу тарозу бор, эл бор, улус бор,
Шундан бошқасини айлама орзу...

* * *

Кездим неча ўлка, неча бир диёр,
Тоғлардан ошаркан, талпинди жоним.
Тоғлар ортида ҳам яшнаб шўълавор,
Сен менга кўриндинг, Ўзбекистоним!

Юрдим саёҳатлар сеҳрига қониб,
Денгизларда суздим, битди армоним.
Денгиз у ёғида ҳам юлдуздай ёниб,
Сен менга кўриндинг, Ўзбекистоним!..

* * *

Бир ҳикмат етибди Луқмон ҳакимдан:
Кимлардан «оҳ» қолар, кимдан «уҳ» қолар...
Кимдан давлат қолар, сўз қолар кимдан,
Кимлардан сўз аро ёниқ руҳ қолар.

Кун эмас, йил эмас, асрлар эмас,
Дунё ошиб келар безовта шу руҳ:

Сенинг юзларингни ёндирган нафас,
Менинг нафасимни ёндирган шукуҳ...

БИР ДОНА, БИР ДОНА...

Санобар, майлими берсам савол бир дона, бир дона,
Бошимдан кетмайин қолди хаёл бир дона, бир дона.
Аё, сен шунчалар жон офати, куйдирмажондирсан,
Менам ошиқману ошифтаҳол бир дона, бир дона.

Жафочи кўзларингдек бормикин оламда бир юлдуз,
Эгилган қошларингдек ҳам ҳилол бир дона, бир дона.
Сенингдек бир париваш не нафар, деб эҳтимол этдим,
Эшитгил эҳтимолим, эҳтимол бир дона, бир дона.

Шамолдек бир нафасда ғойибу бир дамда пайдомен,
Менга Ғарбу Жануб, Шарқу Шимол — бир дона, бир дона.
Паризодим, камолинг кўйида юрган Камолинг кўп,
Жамолинг кўйида лекин Жамол бир дона, бир дона...

Совет Армияси сафида хизмат қилиш ҳар бир фарзандининг Ватан олдидаги шарафли ва муқаддас бурчидир.

Н. Шарипов фотоси

УЧҚУДУҚ — СПОРТЧИЛАР ШАҲРИ

Уфқларга туташиб кетган ҳудудсиз қум барханлари иссиқдан ҳансираяди. Аҳён-аҳёнда калтакесаклар қумда из қолдириб кўздан ғойиб бўлади. Бу ерда ҳаёт гўё пинакка кетгандай... Аммо эртакларда таърифланган, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган асрий чўл бағрида буюк инсон яратган бу афсонавий шаҳар биринчи кўришдаёқ бизнинг аввалги тасаввуримизни тамомила ўзгартириб юборади. Ҳақиқатан ҳам Учқудуқ дилрабо, сўлим шаҳар. Кўкка бўй чўзган тўрт қаватли шинам уйларни кўриб кўзингиз қувонади, кафтдай текис йўл бўйига ўтқазилган дарахтлар қалбингизга ором бағишлайди, бу ажойиб манзарани кўриб, кайфиятингиз хушнуд бўлади. Айниқса, қўли гул инсон саховати, ақлидроки билан бунёд қилинган саккизта кўлни томоша қилган ҳар бир кимсани ажиб бир ҳайрат чулғайди.

Ҳа, бу шаҳарда саккизта ҳақиқий кўл бор. Коса оши билан чиройлик дегандай, кўлларда балиқчилик ривожлантирилмоқда. Шаҳарга яқинроқ кўллардан бирида дам олиш зонаси ташкил қилинган. Ҳақиқатан ҳам ажойиб манзара: бепоён қум барханлари ёнида тўсатдан атрофи ям-яшил дарахтлар билан ўралган мовий денгиз намоён бўлади. Салқин шабада уфуриб турган кўлда моторли кемачалар, елканли қайиқлар оқ қушлардай енгил сузади.

Учқудуқ — навқирон шаҳар, унинг кўпчилик аҳолиси ҳам ёш. Бошқа жойдаги ўз тенгдошлари каби бу шаҳар ёшлари ҳам ўз қизиқишлари, интилишлари, орзу-истаклари билан яшайдилар.

Бу ерда маданият саройи, махсус жиҳозланган рақс хоналари мавжуд. Шунингдек, стадион, кураш зали, бокс, оғир атletика, тир, ўйин майдонлари, ажойиб бассейн, яъни исми жисмига ярашган «Марварид» спорт комплекси шаҳар аҳолиси хизматида. «Лочин» номи берилган бирлашган жисмоний тарбия коллективига тажрибали тренер Александр Волков раҳбарлик қилади. Секция коллективи машғулотлари жадвалида спортнинг 13 тури кўрсатилган. Фақат биргина умумий жисмоний тайёргарлик группасининг ўзида уч мингга яқин киши шуғулланади.

Шаҳар аҳолисини оммавий жисмоний тарбияга жалб этиш, уларни барча учун фойдали бўлган спортга тортиш «Марварид» спорт комплекси хизматчиларининг ҳамиша диққат марказида туради. Агар бирор ёш физкультурачида спортга нисбатан мойиллик борлиги сезилса, «Лочин» тренерлари дарҳол уни ўз қанотлари остига оладилар, унинг юксакларга парвоз қилишига астойдил кўмаклашадилар.

Машҳур гандболчи, жаҳон чемпиони Михаил Васильевнинг спортда қозонган шуҳрати учқудуқлик ёшларнинг маҳорат сари дадил одим отаётганларига яққол далил бўла олади. Михаил дастлабки машғулотларни «Лочин» коллективида бошлаган эди. Кейинчалик у республика мактаб ўқувчилари терма командасида, Тошкент спортклуби мастерлар командаси «Старт»да ва ниҳоят, ЦСКАда малакасини оширди. Унинг ҳамшаҳари Сергей Шостенко эса ҳозир марказий армия клубида ўйнамоқда.

III Бутуниттифоқ бадиий гимнастика ўйинлари чемпиони учқудуқлик В. Зарипованинг номи ҳам спорт ишқибозларига яхши таниш. Ёшларнинг биринчи мураббийси, моҳир тренер Г. Заргаров ҳамон «Лочин»да жонбозлик кўрсатаётир. Республика терма командасига номзод тайёрлашда Татьяна Тредеина раҳбарлик қилаётган секциянинг ҳам хизмати катта. Тредеина катта ёшдаги гимнастикачилардан ташкил топган ёрдамчилари билан боғчаларда машғулот ўтказади, бўлажак спорт юлдузларига гимнастикадан дарс беради.

Учқудуқ шаҳрида спортга бефарқ қарайдиган киши йўқ деса бўлади. Бу ерда ҳатто ёши ўтиб қолган қариялар ҳам дам олиш кунлари «Марварид» соғломлаштириш комбинатига қатнайдилар. ГТО группасида ҳафтада олти марта машғулот ўтказилади. Группа аъзолари орасида жисмоний меҳнат кишилари: экскаваторчиларни, кончиларни, шофёрларни, медицина ва савдо ходимларини ҳамда боғча тарбиячиларини кўплаб учратиш мумкин. Улар ишдан кейин стадионда машғулот ўтказадилар. Ҳовузларда чўмилиб, ҳордиқ чиқарадилар, янги иш кунига куч тўплайдилар.

«Марварид» соғломлаштириш комплексида айниқса спартакиада кунлари ҳаёт қайнайди Бундай пайтларда турли-туман спорт машғулотлари, жумладан, шу ерда яшовчи болалар, хотин-қизлар спартакиадаси ташкил қилинади. Яқинда эса, Учқудуқ шаҳрида ишлаб чиқариш ташкилотлари раҳбарларининг спартакиадаси зўр тантана билан ўтди. Волейбол, баскетбол ва стол тенниси спортига касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бошлиқлари ўша кунги ўйинларда айниқса фаол қатнашдилар. Спартакиада муваффақият билан ўтди, кишиларда катта қизиқиш уйғотди. Эндиликда бундай ҳайрли ишни анъанага айлантиришга қарор қилинди.

...Учқудуқда Леонид Заболоткони етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди. Заболотко бу шаҳарга деярли йигирма йил муқаддам келган. Экскаватор машинисти бўлиб ишлайди. 1974 йили беш йилликни муддатидан илгари бажарганы учун унинг исми республика Меҳнат шуҳрати китобига киритилган эди. Икки йилдан кейин у бошлиқ бригада саккиз кублик экскаваторлар ўртасида меҳнат унуми бўйича Бутуниттифоқ рекорди қўйди. Яна икки йилдан кейин улкан меҳнат зафарлари учун Заболотко Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Бригада аъзолари ҳам юксак орденлар билан тақдирландилар.

Леонид ёшлигида боксчи бўлишни орзу қиларди. Фарғонадаги ҳунар мактабида ўқиб юрган кезлари спорт билан мунтазам шуғулланарди. Аммо урушдан кейинги дастлабки йилларда бокс саройи ҳам, спорт заллари деярли йўқлиги сабабли Леонициинг орзуси ушалмади, севимли бокс билан хайрлашишга тўғри келди. Бари бир унда спортга бўлган муҳаббат сақланиб қолди.

Учқудуқликлар бу воқеадан хабардор эдилар. Шунинг учун ҳам «Лочин» спорт клуби анъанавий республика ёш боксчилар секциясини тузишга қарор қилганларида турнир ғолибларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Заболотко номидаги эсдалик совға таъсис этиш фикри туғилди. Леонид жюрининг доимий аъзоси бўлишга розилик берди.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли республикамизда спорт, физкультура ҳаракати кун сайин кенгайиб бормоқда. Турли ёшдаги, турли касбдаги миллионлаб кишилар мунтазам суратда стадионлар ва спорт майдонларига чиқиб, соғломлаштириш тадбирларига иштирок этмоқдалар.

Соғломлаштириш тадбирларини ўстиришга ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашга комплекс ёндашиш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, физкультура ҳаракатини янада авж олдиришга ҳамиша ҳаракат қилиш лозим. Шу жиҳатдан ҳам Учқудуқдаги физкультура ва спорт жонкуярларининг олиб бораётган хайрли ишлари таҳсинга сазовордир.

Александр ПРИВАЛОВ

Навоий области

Сурхондарёда спортнинг анъанавий тури бўлган кураш яхши ривожланаётир.



Улоқ — миллий спорт турларидан бири.

Н. Шарипов фотолари

Ҳақир-тиканак

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

* * *

Оппоқ кийимга доғ тушди. Уни артиб кўришди — бўлмади, ювиб кўришди — бўлмади, қириб кўришди — бўлмади. Ноилож ўша кийимдан воз кечишга тўғри келди.

Доғнинг ана шунақа — кетмайдиганидан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Нима бўлдию Пашша сал баландлаб учди.

— Қаранглар, мен жуда баланддаман!— деб қичқирди у.

— Э, етти қават осмонга чиқсанг ҳам барибир ўша ирқит пашшасанда,— дейишди унга.

* * *

— Нега мени ўз ҳолимга қўйишмайди, баҳорда кесишади, ёзда хомток қилишади,— деб зорланди Узум.

— Нуқул ўзим бўлай деб тарвақайлавермасдан мундоқ мевани ҳам ўйлаш керак-да,— дейишди унга.

* * *

— Кечаям мени чайнашди, бугунам чайнашди, у жағдаям чайнашди, бу жағдаям чайнашди, кошки ёғим чиқса,— дерди чайналаётган Сақич.

* * *

— Мунча куйинчаксан,— дейишди бир кун Совуққа.— Сал нарсага ҳам кўпириб кетасан-а!

— Киру ифлосликни кўргани кўзим йўқ. Унақаларни йўқ қилмагунча тинчимайман,— деб жавоб қилди Совун ўзини кирга ураркан. У шу йўлда адойи тамом бўлди.

Ямин ҚУРБОН

«ҚУШМИСАН, ҚУШ!»

Илиниб қолди, вах, оёқларидан
Деҳқон ҳовлисидек ёймага Лайлак.
Ёйма эгасими, шу лаҳза, шу он
Кўз қисиб, тишида чаққандек данак —
Кўтарди юлғунлар орасидан бош:
«А-ҳа, кўринарди бу жондор гоҳ-гоҳ
Минорада, чинор бутоқларида.
Чамамда ғурракдан сал тикроқ эди,
Келишган эди хўп заргалдоқ мисол.
Ў-ҳў, қара энди, бай-бай, тумшуғи
Тандир косовининг ўзгинаси-я.
Вой-бў, қанотлари бунчаям узун,
Худди икки бойлам қамиш-а, қамиш!
Оёқлари-чи, фу, бир тос хамирга
Суқиб қўйилгандек бир жуфт ўқлоғи.
Вой-вой, бесўнақай бўлмаса бунча,
На сиғар қўйинга, на тўрқовоққа!
Хўш... бўлмасми буни ихчамлаштириб,
Қушми, киритмасам қушлик тусига.
Кўрганлар кўркига бақа бўлишиб,
Ўхшабди, десинлар, жаннат қушига».
Қирқ газли қиличдек қанотлар бир-бир
Юлинди, кертилди ўтмас пичоқда.
Қиндаги ханжардек тумшуғи эса
Самбитнинг шохидек кесилди шартта.
Дуч келган еридан чилпий-чилпий у,
Маҳрум этгач ҳатто тирноқларидан,
Табассум югурди заҳил бетига
Улкан ғалабага қўшгандек улуш:
«Бўлдинг энди, мана, о, қушмисан,
қуш!»

ДАВОСИЗ ДАРД

Сунбула сувидек тиниқ кўнгилли
қишлоқ оқсоқоли кўз юмди бевақт:
эчки учиргудек бўрон зарбидан
қулади худди бир мевали дарахт.
Тумонат кифтида қалқди тобути
кема қалқигандек тўлқинлар узра.
Бу ҳол Ноқобилни солди ҳайратга
гўёки филни еб қўйгандек сичқон:
«Ажабо! Ажабо! Одамлар қизиқ!
Пахта қўйишарди тириклигида:
акахон, акахон, дейишиб доим.
Қаранг-а, фарздайин қилинаётир
ўшал хушомадлар ўлигига ҳам,
кўрсатадигандек ўлиги карам!..»

КЕРИЛГАН КЎЧАГА СИҒМАС

Нонушта тугади аллақачоноқ,
Сигналдан дарак йўқ, дарак йўқ бироқ.
Эгарлоғлик жийрон каби бўлиб шай,
Шофёрни йўлига кўз тутди талай;
Кўз тутди кўнглига қанот ёйиб тун,
Нотинч кўзларидан сочилиб учқун.
Не бўлди? Нима гап? Тинчликмикан-а?!
Ютгандек бўлди у гўё тиканак.
Телефон ҳам бузуқ бугун аксига,
Қалампир сепилди унинг хаспига:
«Эҳ, лаванг, тошбақа, бандан ғафлат,
Турсанг сал эртароқ, тепармиди дард!..»
Хотини жилмайди: «Ҳай, ўргилай чол.
Балки рўй бергандир бирон кори ҳол.
Оҳ-воҳлаб мунча ҳам бўлмасангиз дуд,
Ҳали ҳам, ҳа, бўлинг, автобус дуруст!»
«А?!! Ўзи бормикан мановда мия
Мен, ахир, кичкина одамманми-а!!
Куним автобусга қолдими энди,
Ахир, вей, кўрганлар, айт-чи, не дейди...
Махсус машинасиз юришим уят!
Шофёрми, ўлса ҳам келишлиги шарт!»

Ғулом СОЛИЕВ

Йироқ бўлса

Баъзи сертаманно савдо ходимларига

Нечун кезмай дўконларни дилимда иштиёқ бўлса,
Шифокордай сотувчи хушфеълу меҳри булоқ бўлса:
«Келинглар», «Хуш келибсиз!» деб сухандонлик қилиб турса,
Товар йўқ бўлса ҳам дил шод, табассумли ёноқ бўлса.
Бериб юзларга кўп оро, харидорларга бепарво,
Чидаш мумкин эмас асло сотувчи сердимоқ бўлса.
Кийим-бошга солар разм ва чўнтакка қилар таъзим,
Бўлар бу хилдайин расм — киши элдан узоқ бўлса.
Анойи кўрсатиб ўзни, мўлтиратур икки кўзин,
«Адо бўлди», деру алдаб, туя айлар бузоқ бўлса.
Таманнолик ёқар кимга, қилинг хизматни халқимга,
Ният шулким, дағал ходим дўконлардан йироқ бўлса!

Фарғона

Усмон УМАРЗОДА

ПУЛДАН ГАПИРГИН...

Таъмагир бир амалдорнинг гапи

Эй, содда, нодон, пулдан гапиргин,
Белларга дармон пулдан гапиргин,
Кимларда хирмон пулдан гапиргин,
Кимларга армон пулдан гапиргин,
Мақсадга нарвон, пулдан гапиргин.

Пулнинг ҳиди гар кирса димоққа,
Етган касал ҳам тургай оёққа,
Осмондаги қуш тушгай тузоққа,
Лекин қуруқ сўз ёқмас қулоққа,
Гўл бўлма, чандон пулдан гапиргин.

Битмас бирон иш ўзи-ўзидан,
Гар ўтмасалар пулнинг «юзидан».
Олгин акангнинг қайтмас сўзидан,
Тондирди ҳатто ичган тузидан,
Мушкуллар осон, пулдан гапиргин.

Даъф айлагай пул келган балони,
Оқ кўрсатар ул ҳатто қарони.
Юрак буруққа топиб даъвони,
Айлар муҳайё ҳар муддаони,
Шундай зўравон пулдан гапиргин.

Қилма бировга бепул давора,
«Эртага кел...»лар пулга ишора,
Этма ўзингни сарсон-овора,
Жойини топиб, чалмай ноғора,
Қулоққа пинҳон, пулдан гапиргин.

Нусрат АБДУСАЛОМОВ

ГУМОН ҚИЛГАЙ

Унинг асли дили эгри: анодан ҳам гумон қилгай,
Насиҳат айласа унга атодан ҳам гумон қилгай.
Ўтар умри гумон бирла, башарга ҳеч ишонмас у,
«Сирим ёйгай,— деб,— оламга», сабодан ҳам гумон қилгай.
Баҳор чоғи нурин ёйса қуёшга тик боқолмас ҳеч,
«Сўқир қилгай кўзимни», деб зиёдан ҳам гумон қилгай.
Самода гулдирак бўлса, чўчиб уйга қочар, боис:
«Қулаб бошимга тушгай» деб, самодан ҳам гумон қилгай.
Агар бўлса беланги ким, унга дуч келмасин асло,
Ўзига ўхшатиб, қадди дутодан ҳам гумон қилгай.
Ҳажв битдинг унга, Нусрат, «Даво дардига бўлсин» деб,
Писанд этмас давони у, даводан ҳам гумон қилгай.

— Ижозатингиз билан мана шу арман коньякларнию бошқа совға-саломларни ўзингиз тузган актга ўраб берсам...

А. ХОЛИҚОВ чизган расм

ШИФОБАХШ МАСКАН

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг пойқадами теккан қадимги Паркентдан юқорида Кумушкон тоғи ёнбағридаги Чанги қишлоғида шифобахш булоқ бор. Унинг суви инсон вужудини кўпгина дардлардан халос этиш хусусияти билан машҳур.

Икки томони ниша ва тик тоғ ёнбағридан оддийгина бўлоқ суви оқиб чиқади. Унинг суви бошқа булоқлар сувидан ўзининг илиқлиги билан ажралиб туради. Яқин-яқинларгача теварак-атрофдан келадиган одамлар бу сувнинг қанақа дардларга даво эканлигини аниқ билмасдан ўз билганларича фойдаланар эдилар.

1981 йилда Чирчиқ шаҳар санитария-эпидемология лабораториясида маскур булоқ сувининг кимёвий таркиби ҳар тарафлама чуқур тадқиқ қилинди, унда олтингугурт ва водород аралашмаси минерали борлиги аниқланди.

Паркент район партия комитети, Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети ва Чанги-Ҳисорак қишлоқ Совети таркибида шифобахш минераллар бўлган сувдан халқимизнинг баҳраманд бўлиши, замонавий медицина кўмагида бу сувдан омилкорона фойдаланиш учун қисқа муддат ичида катта ишларни амалга оширдилар. Қурилиш ишларига 60 минг сўм сарфланиб, бу ерда типовой шифохона биносининг дастлабки корпуси вужудга келтирилди.

— Шифобахш даргоҳимиз шу йил март ойида ишга туширилди,— деди район касалхонасининг бош врачи Миршоҳид Ҳамидов.— Ҳозир қичима, бўғин шишлари, дерматит, хроник экзема, бод каби дардларга чалинган беморлар бу ерда даво топмоқдалар.

— Шифохонамиз,— деди суҳбатга аралашиб физиотерапия бўлимининг мудири Раҳматилла Баратов,— Самарқанд областидаги машҳур «Осиё гавҳари»— «Нагорная» ҳамда «Кичик Семашко»— Свердлов номли колхоздаги Тошкент область физиотерапия касалхонасидан чиққан минерал сувлар таркибига яқин манбага эга бўлди.

— Бугунги кунда олтита ванна ва битта душхона ишлаб турибди,— деди фельдшер Тўхтамурод Бердмуродов.— Яқин кунларда яна иккита ваннахона ишга туширилади. Сувнинг табиий ҳарорати 37,8 даражада. Ваннада бўлиш вақти 15 минутгача чегараланган. Ҳозир суткасига 60 беморга хизмат кўрсатилмоқда. Мавлуда Пўлатова, Комила Миразизова каби ҳамшираларнинг махсус қумсоатларни ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган ваннахоналар озодалигини доимо назорат остида сақлайдилар. Бу ерда ўз дардларига даво топаётган беморлар яратилган қулай шароитлардан, врач ва ҳамшираларнинг хизматларидан ниҳоятда мамнун.

Яқин орада бу ерда физиотерапия корпуси қад кўтаради, унинг атрофларини кўкаламзорлаштирилади, чойхона-ошхоналар қурилади. Кумушкондаги булоқ энг яхши шифобахш масканлардан бирига айланади.

Жўра ХОЛМАТОВ

КРИПТОГРАММА

Ҳурматли журналхон! Криптограмма рақамларда яширинган сўзлар демакдир. Аввал қуйидаги «очқич»да таърифи баён этилган сўзларга жавоб топилади. Сўнгра жавобдаги рақамлар ўрнига тушган ҳарфлар шаклдаги рақамлар ўрни билан алмаштирилади. Ушбу криптограммани тўғри ҳал этсангиз, буюк шоир ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бир байт ғазалини ўқийсиз.

I. 12, 19, 2, 17, 6, 9, 6, 5, 17, 21, 12, 1, 15 — Ўрта аср шарқида биринчи тарихчи аёл, Бобурнинг қизи, «Ҳумоюннома» асари муаллифи.

II. 15, 19, 17, 6, 16, 16, 1, 5 — Бобурнинг ҳуқуқшунослик масалаларига оид асари.

III. 8, 3, 5, 9, 6, 15, 1, 4 — Бобур замондоши, машҳур тарихчи мутафаккир.

IV. 23, 6, 4, 13, 3, 5, 6 — Бобур ёшлиги ўтган водий.

V. 9, 21, 22, 2, 1 — Бобур ҳукмронлик қилган мамлакатдаги шаҳар.

VI. 4, 3, 17, 1, 7 — Ёзувчи П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» тарихий романи қаҳрамони.

VII. 11, 20, 10, 1, 11 — Куйга солиб айтишга мўлжалланган шеър.

VIII. 18, 10, 1, 14, 3, 13, 6— Қадимда шоҳнинг турли маросимларини ўтказишда мутасадди бўлган шахс.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Муқонов. 2. Зулайҳо. 3. Заломов. 4. «Латофатнома». 5. Рудакий. 6. Гулобод. 7. Алматинская. 8. «Олчазор». 9. Тўтихон. 10. «Тўмарис». 11. «Қамал». 12. Ширин. 13. Охундов. 14. Толстой. 15. «Амударё». 16. Гордеев. 17. Монолог. 18. «Ҳалокат». 19. Вежинов. 20. Архипов. 21. Фаридун. 22. «Соғиниш». 23. Нозимахоним. 24. Комилов. 25. Рибаков. 26. Жуманбулбул. 27. Погодин. 28. Баҳор. 29. Сафаров. 30. Пародия. 31. «Ойсулув». 32. «Уйланиш». 33. «Ерилтош». 34. Арбузов. 35. Ибсен. 36. Кошевой.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: Республика Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг шифокорлари, опа-сингил Ҳайитовалар — (чапдан) Назира, Нафиса ва Вазира бемор гўдакларни меҳрибонлик билан парвариш қиладилар. Н. ШАРИПОВ фотоси.

Иккинчи бет: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид ҚОРАБОЕВ (ўртада) бошлиқ қурувчилар бригадаси аъзолари Тошкентдаги «Дўстлик» комплекси бунёдкорларидир; В. И. Ленин номидаги Олмалиқ Конметаллургия комбинати эритувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Донобой БЕКМУРОДОВ.

Р. ШАГАЕВ фотолари (УзТАГ).

Учинчи бет: Ҳисорак сув омбори қурилишида. Қазиш-портлатиш участкаси бошлиғи Саид Қосимов; коммунистик меҳнат зарбдорлари Мурод Рўзмев, Содиқ Султонов, Ҳошим Мажидов, Суяр Пардаев.

Тўртинчи бет: 1. Тоғ шалоласи; 2. Кўксув дарёси; 3. Ҳамзаобод — сўлим даргоҳ.

В. ТАРАН ва Г. ПЕРМЕНОВ фотолари.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ, Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана [на узбекском языке]

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор —333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь —325833; ижтимоий-сиёсий бўлим —333602; адабиёт ва санъат бўлими —333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими —325832.

Босмахонага туширилди 20.05.1983 й. Босишга рухсат этилди 22.06.1983 й. Р—07274. Қоғоз 70×108 1/16. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 245260. Буюртма № 970. Нашр Б — 115.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.